

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

20-сон
(988)
2021 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

273. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПФ-6230-сон Фармони
274. «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги ПҚ-5114-сон қарори
275. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5115-сон қарори
276. «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5116-сон қарори
277. «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори

278. «Тошкент вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 майдаги ПҚ–5118-сон қарори

Учинчи бўлим

279. «Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 319-сон қарори
280. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–595-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 320-сон қарори
281. «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сон қарори
282. «Мажбурий рақамли маркировкаганиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 322-сон қарори

Бешинчи бўлим

283. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 10 майдаги 4-сон «Маиший чиқиндиларни ташиш қодаларининг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3195-1*)
284. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 21 апрелдаги 13-2021-сон «Академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3304*)
285. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 30 апрелдаги 12-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республика-*

си Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-4)

286. Ўзбекистон Республикаси иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг 2021 йил 1 майдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-3)*)
287. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2021 йил 29 апрелдаги 23-2021-Б-сон «Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шаклларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2417-1)*)
288. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 7 майдаги 5-сон «Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3117-1)*)
289. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 19 апрелдаги 111-сон «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168-1)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****273 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида***

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу Фармон 2021 йил 20 майдан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 май,
ПФ–6230-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 19 майдаги
ПФ–6230-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ–5482-сон Фармонига 6-илова «Ички ишлар органлари махсус унвонлари» устунидан кейин қуйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

«

Миллий гвардия органлари махсус унвонлари
Лейтенант
Капта лейтенант
Капитан
Майор
Подполковник
Полковник
Генерал-майор
Генерал-лейтенант
Генерал-полковник

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–158-сон қарорининг рус тилидаги матни 2-бандининг еттинчи хатбошисидаги «службы на соответствующих должностях рядового и начальствующего составов органов внутренних дел, а также сотрудников таможенных органов, органов прокуратуры, органов и учреждений юстиции, имеющих, соответственно, специальные звания и классные чины,» сўзлари «их службы (работы) в государственных органах в специальном звании (классном чине), присвоинном им» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–3413-сон қарорида:

а) 1-иловада:

34-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — «Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи» сўзлари чиқариб ташлансин;

48-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Ҳарбий унвонда хизмат қилган ёки ҳарбий таълим муассасаларидан хизматни ички ишлар органларида давом эттириш учун келган оддий аскар ва сержантлар таркиби ҳарбий хизматчиларига (шартнома асосида хизмат ўтаган) лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ билан бирга уларнинг ҳарбий унвонларига мувофиқ тенглаштирилган махсус унвонлар берилди.

«III даражали сержант», «II даражали сержант» ҳамда «I даражали сержант» ҳарбий унвонлари ички ишлар органларининг «сержант» махсус унвонига тенглаштирилади»;

1-иловага илова «Ички ишлар органларининг махсус унвонлари» устунидан кейин қўйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

«

Миллий гвардия органлари махсус унвонлари
Лейтенант
Капта лейтенант
Капитан
Майор
Подполковник
Полковник
Генерал-майор
Генерал-лейтенант
Генерал-полковник

»;

б) 2-илованинг 39-банди «қўллаган бошлиққа» сўзларидан кейин «ёки унга тенг ваколатга эга» сўзлари билан тўлдирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга илова «Ички ишлар органларининг махсус унвонлари» устунидан кейин қуйидаги мазмундаги устун билан тўлдирилсин:

«

Миллий гвардия органлари махсус унвонлари
Лейтенант
Капта лейтенант
Капитан
Майор
Подполковник
Полковник
Генерал-майор
Генерал-лейтенант
Генерал-полковник

».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банднинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий хизматчиларга хизмат йили учун фоизли устамаларнинг миқдорларини белгилашда ҳамда пенсияни ҳисоблаш вақтида ҳарбий хизматдан ташқари давлат хизматларининг бошқа турлари назарда тутилган вазирликлардаги хизмат даври (иш стажи) махсус унвон (мартаба даражаси) берилган кундан бошлаб ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати билан келишилган ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий хизматга олишда уларнинг олий таълим муассасаларидаги ўқиш муддатлари ва олдинги иш жойларидаги меҳнат стажи ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига ҳамда пенсияни ҳисоблашда ўқишнинг (ишнинг) бир ойи хизматнинг бир ойига ҳисобланган ҳолда қўшилади.

Олий юридик маълумотга эга ҳарбий прокуратуранинг офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат муддатига уларнинг олий таълим муассасасидаги ўқиш, ички ишлар вазирлиги органларидаги ва Миллий гвардия органларидаги хизмат, шунингдек, судлардаги, прокуратура ҳамда адлия органлари ва муассасаларидаги ва бошқа давлат органларидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан боғлиқ бўлган узлуксиз иш стажи қўшиб ҳисобланади»;

б) 238-бандда:

биринчи хатбоши «Ички ишлар вазирлиги» сўзларидан кейин «Миллий гвардияси» сўзлари билан, «махсус унвонларига» сўзларидан кейин «(мартаба даражаларига)» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши «хизмат қилиш муддатига» сўзларидан кейин «(мартаба даражасидаги иш стажига)» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси, прокуратура, суд ва адлия органларининг махсус унвонларига (мартаба даражаларига) эга, ҳарбий хизматга кириш пайтида мавжуд махсус унвонга (мартаба даражаларига) мос келадиган ҳарбий унвон берилмаган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга махсус унвонда хизмат қилиш (мартаба даражасида ишлаш) даврлари кейинчалик аттестациядан қайта ўтказиш тартибида навбатдаги ҳарбий унвонни бериш учун қўшиб ҳисобланиши мумкин»;

в) 249-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўшимча таътилнинг муддатини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси, суд, прокуратура ва адлия органларидаги хизмат ҳам ҳарбий лавозимга тайинланган ходимларга махсус унвонлар (мартаба даражалари) берилган кундан бошлаб ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисобланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**274** Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Юртимизда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5924-сон ва 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6099-сон фармонларига мувофиқ:

1. Қуйидагилар паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни кенгайтириш ҳамда улар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар қамровини янада ошириш;

барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт бўлимларини босқич-ма-босқич ташкил этиш ҳамда иқтидорга эга бўлган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни танлаб олиш, уларни спорт турларига йўналтириш, тайёрлаш ҳамда олий спорт маҳоратига эришишни таъминловчи узлуксиз ягона комплекс тизимни жорий этиш;

ривожлантирилаётган (мавжуд), янги ташкил этилаётган ва келажакда янги ташкил этилиши режалаштирилган паралимпия спорт турларини ҳар томонлама ривожлантириш ва оммалаштириш;

паралимпия спорт турлари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини яратиш ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини рағбатлантириш, жисмоний ва ижтимоий мослашуви интеграциясини дастурий-услубий таъминлаш, касбий реабилитация ва кадрлар тайёрлаш;

спорт таълим муассасаларида (шу жумладан, олий таълим муассасаларида) фаолият юритаётган паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кучайтириш;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида махсус таълим муассасаларида ҳамда маҳаллаларда спорт мусобақаларини мунтазам равишда ўтказиш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 майда эълон қилинган.

барча турдаги спорт таълим муассасаларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланишлари учун замонавий моддий-техник базани шакллантириш.

2. Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси негизида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (кейинги ўринларда — Паралимпия қўмитаси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Паралимпия қўмитаси Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Паралимпия қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

паралимпия спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

ёзги ва қишки паралимпия спорт турларини ривожлантиришга қўмаклашиш, спорт объектлари ва иншоотларининг концепциялари, техник топшириқлари, техник-иқтисодий асослари/параметрлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва чемпионатлар, форумлар, конференциялар, семинарлар ва юклатилган вазифалардан келиб чиқиб бошқа тадбирларни ўтказиш, шунингдек, улар орқали тинчлик, дўстлик ва ўзаро тушуниш ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш;

паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар, услубчи-ўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва касбий ривожлантиришнинг замонавий ва самарали тизимини жорий этиш;

республикада ёки бошқа халқаро спорт федерациялари (ассоциациялари) ва бошқа ташкилотларда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда химоя қилиш, ўз аъзоларини ахборот, илмий-услубий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

паралимпия спорт турларини ривожлантириш бўйича клублар фаолиятини ташкиллаштириш ва самарали бошқариш, миллий ва халқаро спорт ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва тажриба алмашиш.

4. Жойларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Паралимпия қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 йил 1 сентябрга қадар ҳудудий паралимпия бўлинмаларининг молиявий ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тегишли ҳудудда паралимпия спорт турларини ривожлантириш учун ҳомийлар бириктирилишини, шунингдек, уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар ажратирилишини;

Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия қўмитаси билан биргаликда

икки ой муддатда ҳудудларда паралимпия спорт турларини ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиши ва киритилишини;

2022 йилдан бошлаб тасдиқланадиган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ҳудудий паралимпия бўлинмаларига маблағ ажратилишини таъминласин.

5. Паралимпия қўмитасининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 24 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Паралимпия қўмитаси раисига, зарур ҳолларда:

Паралимпия қўмитаси тузилмасига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

мазкур қарорга асосан ташкил қилинаётган Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши билан келишилган ҳолда Паралимпия қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобидан унинг тузилмасига қўшимча лавозимларни киритиш, шунингдек, юқори малакали мутахассислар ва экспертларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Паралимпия қўмитаси 2021 йил якунига қадар Паралимпия қўмитаси ҳузурида паралимпия спорт турлари бўйича клубларни ташкил этсин, улар фаолиятини мувофиқлаштирасин ҳамда сақлаш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

7. Паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар ва услубчи-йўриқчилар, кўзи ожизлар, кар ва заиф эшитувчилар, ампутантлар билан ишловчи мутахассислар (сурдо, тифло-сурдо ва халқаро-сурдо таржимонлари) ҳамда бошқа кадрларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Паралимпия факультети ташкил қилинсин.

8. Паралимпия қўмитаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Институт паралимпия спорт турлари билан шуғулланадиган тренерлар, услубчи-йўриқчилар ҳамда бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисослашган илмий-таълим муассасаси ҳисобланади.

Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

шартнома (пуллик) асосида кўрсатиладиган хизматлар;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Институт фаолиятини кўшимча молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳам йўналтирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Институт фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

9. Туризм ва спорт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Паралимпия қўмитасининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб «Спорт ҳамма учун» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, «Спорт ҳамма учун» лойиҳаси доирасида:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни параспорт турлари билан кенг қамраб олиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятга интеграция қилиш мақсадида бир йилда бир марта Параспорт халқаро фестивали ўтказилади;

хар йили 3 декабрь куни — Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб кўзи ожизлар, заиф эшитувчилар ва ампутантлар ўртасида параспорт турлари туркумига киритилган параспорт тенниси, 5х5 футбол, голбол, параенгил атлетика, парапауэрлифтинг, парабадминтон, шахмат ва бошқа спорт турлари бўйича Тошкент шаҳрида республика параспорт фестивали, шунингдек, бошқа ҳудудларда параспорт фестиваллари ўтказилади;

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқувчилари ўртасида паралимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилади, таниқли спортчилар томонидан мастер-класслар, шунингдек, семинар, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) «Спорт ҳамма учун» лойиҳаси доирасида амалга оширилиши белгиланаётган ва бошқа чора-тадбирларни самарали ва тўлиқ ташкил этсин, уларни ўтказиш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг Нукус ва Фарғона филиалларида, шунингдек, бошқа тегишли олий таълим муассасаларида «Паралимпия» кафедраси, шунингдек, «Адаптив соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт» магистратура мутахассислиги очилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

Паралимпия қўмитаси тавсиясига асосан олимпия захиралари коллежаларининг паралимпия спорт турлари бўлимларига юборилаётган жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган спортчилар учун 5 фоизгача кўшимча квоталар ажратилади;

давлат спорт таълим муассасаларида паралимпия спорт турлари бўйича тренерларнинг лавозим маошини ҳисоблашда базавий тариф ставкалари бир ярим баравар миқдорда қўлланилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг спорт объектлари, иншоотлари ва жиҳозларидан фойдалан-

ган ҳолда улар базасида Паралимпия қўмитаси ҳузурида Паралимпия спорт марказлари ташкил этилсин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳақимов икки ҳафта муддатда Паралимпия спорт марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг аниқ жойлашган жойи, номи ва рўйхатини тасдиқласин.

12. Қўйидагилар Паралимпия спорт марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларда спорт билан шуғулланиш қобилиятларини аниқлаш ва уларни адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган машғулотларга жалб қилиш;

халқаро спорт майдонида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон паралимпия терма жамоалари учун спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш;

зарур замонавий моддий-техника базасини яратиш ҳамда спорт машғулотлари ўтказиш учун малакали тренерлар таркибини танлаш, спорт захираси ва спорт турлари бўйича юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш юзасидан ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш;

спорт тайёргарлиги босқичларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш усуллари ҳамда шаклларининг узвийлигини таъминлаш;

спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорликни ривожлантириш, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турлари бўйича тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг касбий малакасини ошириш.

13. Белгилансинки:

Паралимпия спорт марказлари юридик шахс мақомига эга бўлади, уларнинг фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш Паралимпия қўмитаси томонидан амалга оширилади;

Паралимпия спорт марказларининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб муассиснинг маблағлари, фаолият ихтисослиги бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар, асосий машғулотлар ўтказиладиган вақтда бўш бўлган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобланади.

14. Қўйидагилар:

Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши ташкил қилинсин ва унинг таркиби 2-иловага* мувофиқ;

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгаши (А.А. Абдуҳакимов):

икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2021 йилда паралимпия спорт турларини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича манзилли ҳудудий дастурларни тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин;

паралимпия спорт турларини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, хомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилсин.

Белгилансинки, Паралимпия қўмитасининг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, унга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Республика кенгаши томонидан амалга оширилади.

15. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов) вазирлик марказий аппаратида паралимпия спорт турларини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган таркибий бўлинма ташкил этсин ҳамда камида икки нафар қўшимча штат бирлигини ажратиш орқали малакали мутахассис билан таъминласин.

16. «Чорвоқ» эркин туристик зонаси Маъмурий кенгаши (А.Н. Арипов) 2021 йил якунига қадар мазкур зонада камида 50 гектарга тенг бўлган ер участкасини жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутиш шarti билан тадбиркорлик субъектларига истисно тариқасида бепул ажратиш чораларини кўрсин. Бунда, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар паралимпия спорт турлари билан шуғулланиши учун спорт объектлари ва иншоотларини барпо этишга йўналтириладиган маблағлар тадбиркорлик субъектларининг солиқ солинадиган базасидан белгиланган тартибда чегириб ташланади ҳамда ушбу объектлар ва иншоотлар Паралимпия қўмитасига беғараз берилади.

17. Туризм ва спорт вазирлиги (А.А. Абдуҳакимов):

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Паралимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 июндан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларида назарда тутилган барча спорт мусобақаларини ташкил қилишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ҳам тегишли мусобақаларни ўтказиш чораларини кўрсин;

2022 йилдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларида паралимпия спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун камида 30 миллиард сўм маблағ ажратилишини назарда тутсин;

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Паралимпия кўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар спорт билан шуғулланиши учун зарур бўлган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, жиҳозлари, буюмлари ва бошқа воситалар билан таъминласин. Бунда, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари, инвентарлари, жиҳозлари, буюмлари ва бошқа воситалар 2024 йил 1 январга қадар божхона божидан озод этилсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда республикамызда паралимпия спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида Халқаро паралимпия кўмитаси ва Осиё паралимпия кўмитаси билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда, ушбу ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатлар 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Қурилиш вазирлиги ва Паралимпия кўмитаси билан биргаликда 2021 йил якунига қадар барча мавжуд давлат спорт объектлари ва иншоотларида жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилишини таъминласин;

Паралимпия кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига кўра жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар учун спорт объектлари ва иншоотларидан фойдаланиш бўйича зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

18. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) мазкур қарорга асосан, жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирлар ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағлар 2021 йил Давлат бюджетида Туризм ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

19. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ҳудудларда қурилиши режалаштирилган спорт иншоотлари ва спорт майдончаларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутсин.

Белгилаб қўйилсинки, давлат томонидан молиялаштириладиган спорт иншоотлари ва спорт майдончалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча зарур шарт-шароитлар назарда тутилмаган тақдирда ушбу лойиҳалар учун молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда давлат комиссияси томонидан қабул қилинмайди.

20. Туризм ва спорт вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Иқтисодий тарақ-

қиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда барпо қилинадиган олимпия ва паралимпия шаҳарчаси лойиҳасида Паралимпия спорт марказини ташкил этишни назарда тутсин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Паралимпия қўмитаси билан биргаликда адаптив (мослаштирилган), паралимпия спорт турларини ўргатиш методикаси бўйича телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этсин, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш бўйича алоҳида кўрсатувлар намойиш этиш орқали спортга кенг жалб қилиш медиа-режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига (А.А. Абдуҳакимовга) киритсин.

22. Туризм ва спорт вазирлиги:

уч ой муддатда республикада фаолият юритаётган паралимпия спорт турларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва уларни Спорт турларининг реестрига киритиш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 май,
ПҚ-5114-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**275 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида***

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ:

1. 2020 йил 15 декабрда Тошкент ва Москва шаҳарларида имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида ички ишлар органларининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборот ҳамкорлиги ва электрон шаклда ўзаро ахборот алмашиш тўғрисида»ги Битим тасдиқлансин.

2. Ушбу халқаро шартномани амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси ваколатли органи этиб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида Россия томонига тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда унинг қоидалари амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 май,
ПҚ-5115-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**276 Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази Васийлик кенгашининг:

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика марказини тугатиш;

Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази негизида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази (кейинги ўринларда — Республика маркази) ва унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

Мавжуд 197 та Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларини оптималлаштириш ҳисобига 29 та Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича республика, ҳудудий ва туманлараро намунали марказлар (кейинги ўринларда — марказлар), шу жумладан, 1 та Республика маркази, 14 та ҳудудий марказлар ва 14 та туманлараро намунали марказларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Марказлар бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 63 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 7 нафар этиб белгилансин.

Белгилансинки, ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра марказлар ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари бир ярим барабар миқдорда қўлланилади.

Марказлар фаолиятига, зарур ҳолларда, юристлар, психологлар ва ижтимоий ходимлар жамоатчилик асосида жалб қилиниши мумкин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Республика маркази ва ҳудудий марказлар давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз мустақил балансига, шахсий ғазна ва банк ҳисобварақларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига эга бўлади;

марказлар ўз фаолиятини анонимлик, ахборотнинг махфийлиги, касбий маҳорат ва хавфсизлик тамойиллари асосида амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолиятини марказлар билан уларнинг фаолиятига аралашмаган ҳолда яқин ҳамкорликда олиб боради;

марказлар ўз фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ волонтерларни (қўнгиллиларни) жалб этиши мумкин.

4. Қўйидагилар марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг хотин-қизларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш ҳолатларини ўрганиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган хотин-қизларни нормал ҳаётга қайтариш бўйича фаолиятига яқиндан кўмаклашиш;

«Аёллар дафтари»га киритилган психологик ва ҳуқуқий маслаҳатга муҳтож хотин-қизларни (тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни «Аёллар дафтари»дан чиқариш чораларини кўриш;

низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар билан профилактик тадбирларни ўтказиш;

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтиришга кўмаклашиш;

долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ижтимоий тадқиқотларни ташкил этиш;

зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кафолат-

ларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, ушбу мақсадларда оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоқларидан кенг фойдаланиш.

5. Белгилансинки, марказларга қуйидагилар жойлаштирилади:

зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари;

ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар.

6. Марказлар:

ҳудудий ички ишлар ҳамда тиббиёт бўлинмаларига тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, шунингдек, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳақида зудлик билан хабар беради;

ички ишлар органларига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизлар ҳамда уларнинг фарзандлари марказларга келиб тушиш сабаблари, шунингдек, уларга кўрсатилган ёрдамлар тўғрисидаги статистик-таҳлилий маълумотларни ҳар ойнинг якуни билан киритиб боради.

7. Республика марказига маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тавсиясига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади.

8. Қуйидагилар марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. 2021 йил 1 июндан эътиборан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга биноан:

а) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

марказларга методик ёрдам кўрсатади ва фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

зўравонликнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёки қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади ҳамда ушбу йўналишда илғор хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини жорий этиш чораларини кўради;

б) Ички ишлар вазирлиги:

ҳимоя ордери нусхасини олган, яъни тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравон-

лик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

марказларга мурожаат қилган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг йўқотилган биометрик паспортларини (идентификация ID-карталарини) тиклаб бериш чораларини кўради;

в) Халқ таълими вазирлиги:

ўз жонига қасд қилишга мойил қизлар, шунингдек, руҳиятида ўзгариш кузатилган ўқувчи қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тиббий ва психологик кўмак кўрсатиш бўйича манзилли ишларни ташкил этади;

марказларга жойлаштирилган аёлларнинг вояга етмаган фарзандларини энг яқин ҳудуддаги умумий ўрта таълим муассасаларига вақтинча жойлаштириш чораларини кўради;

г) Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказларга келтирилган хотин-қизлар ва уларнинг фарзандларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни кўриқдан ўтказиш ҳамда жабрланганларни ўзининг тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бепул даволаш чораларини кўради;

д) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган иш қидираётган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш чораларини кўради.

хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, касбга йўналтириш билан боғлиқ харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

е) «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти зўравонликнинг келиб чиқиш омиллари ва сабабларини чуқур ўрганади, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, зўравонликка учраган ёки ўз жонига суиқасд қилган ёхуд ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича таҳлилий материаллар ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади;

ж) «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатишни ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни, уларнинг келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш бўйича сўровлар ўтказиши, таҳлил қилади, умумлаштиради ва уларга барҳам бериш бўйича таклифлар киритади;

з) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

таъйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда фуқаролар йиғинларига мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди ҳамда марказлар ва ички ишлар органларига зудлик билан хабар беради;

маҳалла ҳудудида тазйиқ ва зўравонлик қилган ёки қилишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан олиб бориладиган профилактика ишларида фаол иштирок этади.

10. Бош прокуратура, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан хотин-қизларни турмушга тайёрлаш, уларда фарзанд тарбиясига оид кўникмаларни мукаммал шакллантириш, уларни турли тазйиқ, зўравонликдан ҳимоя қилиш, оилаларда суицид ва ажримларнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, тадбиркорликка жалб этиш мақсадида «AZIZ-AYOL.UZ» ягона интерактив миллий платформа ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига мазкур платформанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва уни такомиллаштириш мақсадида мутасадди вазирлик ва идораларни жалб қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

11. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизлар билан ўзаро алоқани амалга ошириш ва шошилиш руҳий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш учун мўлжалланган, 24 соат узлуксиз ишлайдиган «ишонч телефони»ни (республика доирасида ягона қисқа рақам) ўрнатилган тартибда йўлга қўйсин ва унинг фаолиятдан аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб борсин;

«AZIZ-AYOL.UZ» ягона интерактив миллий платформасига «ишонч телефони» рақамининг киритилишини ва унинг 24 соат узлуксиз ишлашини таъминласин;

б) Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига марказлар ходимлари ҳамда жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш, марказлар биноларини қўриқлаш чораларини кўриш тўғрисида асосланган таклифлар киритсин.

12. Зўрлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ушбу ҳаракатлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бир ой муддатда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

14. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазир-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини кенг ёритиш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов белгилансин.

17. Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 май,
ПҚ-5116-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

277 **Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида***

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ, хорижий тилларни ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ушбу йўналишда таълим сифатини тубдан ошириш, соҳага малакали педагогларни жалб этиш ҳамда аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллари лавозимлари ташкил этилсин.

Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«16. Ихтисослаштирилган таълим муассасасига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган мактаб ёшидаги, тайёрлов гуруҳларига эса — кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига қатнамаган — мактабгача ёшдаги болалар қабул қилинади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июндаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 6-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Болалар уйлари тўғрисидаги низомнинг 40-бандидаги «Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 342-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низом 56-банднинг биринчи хатбошисидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 11-сон, 266-модда):

а) қарор номидаги, 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «муассасалари раҳбар» сўзлари «ташкилотлари директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

9-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Вазирлик тизимига қўйидагилар қиради:

Вазирликнинг марказий аппарати;

худудий бўлинмалар;

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти;

«Ik Qadam» (IQ) журнали таҳририяти;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари;

Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази;

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси;

Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти;

Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси;

Мактабгача таълим вазирлигининг педагогика коллежлари»;

10-бандда:

5, 7 — 9-кичик бандлардаги «муассасаларини», «муассасалари», «муассасаларида» сўзлари тегишли равишда «ташкилотларини», «ташкилотлари», «ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-кичик банддаги «мактабгача таълим муассасалари раҳбар» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«11. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

мактабгача таълим тизими фаолиятини ташкил этиш ва яхшилаш масалаларида давлат бошқарувини амалга оширади;

ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишларига, шу жумладан, мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришни назарда тутувчи давлат дастурларини ва бошқа дастурларни, шунингдек, уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишга доир таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимига қирадиган мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш истиқболларини прогнозлаштиради, давлат дастурларини ва худудий дастурларни ишлаб чиқади;

мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари сифатли бажарилишини таъминлаш борасида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, мактабгача таълим тизими мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари бажарилиши ус-тидан идоравий назоратни ташкил этади;

мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига методик раҳбарлик қилади;

тарбияланувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳамда уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда илмий-техник тараққиётдан, жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари, ўқув дастурлари, дарсликлар узлуксиз тақомиллаштирилишини ташкил этади;

шу жумладан, ахборот технологияларини ва молиявий назоратнинг эътироф этилган халқаро стандартларини жорий этиш йўли билан идоравий мансуб таълим ташкилотларида бюджет қонунчилиги бузилиши профилактикаси ва унинг олдини олишга қаратилган молиявий назоратни амалга оширади;

ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини белгилайди, мактабгача таълимнинг ҳолатини қиёсий таҳлил қилади;

мактабгача таълим ташкилотлари тармоғининг таълим билан боғлиқ фаолиятини ва ижтимоий самарадорлигини таҳлил қилади, уни мақбуллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

журналлар, бланкалар, ўқув-методик комплекслар, бюллетенлар нашр этилишини ва Вазирлик тизими фаолиятига тааллуқли бўлган ўқув қўлланмалари эълон қилинишини, шунингдек, Вазирликнинг веб-сайти ишини ташкил этади;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига умумий раҳбарлик қилади;

идоравий мансуб таълим муассасаларида бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштиради;

таъмирлаш-тиклаш, қурилиш ишларини, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларини куз-қиш фаслига тайёрлаш бўйича ишларни, мактабгача таълим ташкилотлари бинолари ва иншоотларини жорий иш ҳолатида сақланишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ташкилотларининг эҳтиёжларини аниқлайди ва ҳар йили уларни жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) дастурларини ишлаб чиқади;

манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда замонавий мактабгача таълим ташкилотларини қуриш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларига киритилган мактабгача таълим объектларида ҳар йили олиб бориладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг тизимли мониторингини олиб боради;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал савиясини ошириш мақсадида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни ошириш ва мактабгача таълим соҳасидаги муаммоларни аниқлаш бўйича жамоатчилик фикри ўрганилишини ташкил этади;

мактабгача таълим тизимида халқаро алоқаларни кенгайтириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади, мактабгача таълим масалалари бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар ва ҳамкорлик ўрнатади;

3) болаларни мактабгача таълим билан босқичма-босқич тўлиқ қамраб олишни таъминлаш соҳасида:

фуқароларнинг мактабгача таълимдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

мактабгача таълим ташкилотлари базасида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ҳар хил муқобил моделларни ишлаб чиқади;

мактабгача таълим тизими фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг долзарб ва истиқболли эҳтиёжлари таҳлил қилинишини ташкил этади;

мактабгача таълимнинг амалга оширилаётган таълим дастурлари ва умумтаълим мактабларининг I-синфи дастури узвийлигини амалга ошириш масалаларида идоровий мансуб муассасаларга раҳбарлик қилади;

рақобатлашувчи давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширади;

мактабгача таълим тизимига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалаларида кўмаклашади,

конференциялар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, халқаро тадбирларни ташкил этиш орқали мактабгача таълим соҳасида мамлакатимиз ютуқларини кенг тарғиб қилади;

болаларни мактабгача таълим тизимига жалб этиш кўламларини кенгайтириш мақсадида аҳоли орасида ахборот тарғиботини амалга оширади, шу жумладан, рухий-педагогик маърифат бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

болаларни мактабга тайёрлаш бўйича мослашувчан, муқобил моделларни ривожлантириш мақсадида ҳудудий бошқарув органларида, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида прогнозлаштириш бўйича ахборот-таҳлил ишлари ўтказилишини таъминлайди;

давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ривожлантириш масалаларида манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига методик ёрдам беради;

4) замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш соҳасида:

мактабгача таълим ташкилотларида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этишни рағбатлантиради ва мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим сифатини баҳолаш натижаларини таҳлил қилади;

миллий мустақиллик ғоясига, бой миллий маданий-тарихий меросга,

миллий урф-одатларга ва умуминсоний қадриятларга асосланган маънавий баркамол ёш авлод тарбиясининг самарали ташкилий ва педагогик шакллари ҳамда усулларини ишлаб чиқади;

ўқитишнинг замонавий илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш орқали тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайди;

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, самарали шакллар ҳамда усуллардан фойдаланиб, шу жумладан, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишда улар билан якка тартибдаги ишларни таъминлашга кўмаклашади;

илғор педагогик технологияларни, шу жумладан, мактабгача таълим ёшидаги болаларни камол топтириш борасидаги замонавий халқаро тажрибани ўрганади, умумлаштиради ва мактабгача таълим ташкилотларининг таълим-тарбия жараёнига жорий этади;

мактабгача таълим соҳасида мутахассисларнинг халқаро тажрибасини ўрганиш мақсадида ўқув сафарларини ташкил этади;

5) мактабгача таълим ташкилотларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан таъминлаш соҳасида:

ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни педагогика амалиётига жорий этиш устидан назорат қилади;

илғор педагогика технологияларини, замонавий ўқув-методик комплексларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминлайди;

мактабгача таълим ташкилотларини миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқиш уйғотувчи бадиий адабиётлар билан таъминлашни ташкил этади;

болаларни ёт гоёлардан ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий дунёсини ошириш, миллий ва жаҳон адабиётини тарғиб қилиш мақсадида болаларнинг китобхонлик маданиятини шакллантиришга кўмаклашади, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган фаолиятни ташкил этади;

мактабгача таълим тизимининг журналларида Вазирликнинг методик тавсиялари ва буйруқларини нашр этиш орқали илмий-методик ахборотни ёйишга кўмаклашади;

қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар намуналарини ишлаб чиқади ва уларнинг қўпайтирилишини ташкил этади;

болалар бадиий адабиётларини, ўқув-методик қўлланмаларни, дидактик ўйинлар ва ўйинчоқларни яратиш бўйича нашриётлар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

6) замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш масалаларини юқори профессионал даражада ҳал этишга қодир бўлган мактабгача таълим ташкилотла-

ри директор ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

мактабгача таълим ташкилотлари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог кадрлар билан таъминланганлиги мониторингини олиб боради;

мактабгача таълим соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-методик фаолиятни амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида мактабгача таълим соҳасида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, илғор хорижий тажрибани жорий этишга қўмақлашади;

мактабгача таълим ташкилотлари учун педагог кадрларни профессионал тайёрлаш амалга ошириладиган касблар ва мутахассисликлар рўйхатини белгилайди;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорлари ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказиши;

7) мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини яратиш ва тажрибали, юқори малакали ва касбий жиҳатдан пухта тайёрланган педагог кадрлар ҳамда тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнига жалб қилиш соҳасида:

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларини малакали кадрлар билан таъминлайди;

ҳар йили олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш борасида мактабгача таълим соҳасида таклифларни шакллантиради;

ўқув-методик материалларни ишлаб чиқишга, педагогик технологияларни мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув-тарбиявий жараёнига истиқболли жорий этишга таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларини, педагогик жамоатчиликни жалб этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

мактабгача таълим соҳасида мутахассисларни маънавий ва моддий рағбатлантириш бўйича касб маҳорати танловлари ўтказиши, тегишли чоратadbирларни белгилайди;

таълим, илмий-тадқиқот, хорижий ва халқаро ташкилотлар иштирокида узоқ муддатли дастурлар, лойиҳалар, режаларни ишлаб чиқади, уларни бажариш бўйича асосий талабларни белгилайди;

8) мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун муносиб шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш соҳасида мактабгача ёшдаги болаларни камол топтиришда руҳий-педагогик ва ташкилий шароитларни таъминлайди;

мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-коммуникатив, билишни ривожлантириш, нутқ, ўқиш ва ёзишга, чет тилининг дастлабки асосларига тайёрлаш, бадий-эстетик ва мусиқий тарбия соҳасида тўлақонли камол топтиришни таъминлайди;

болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади, болаларнинг психофизик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни турли тўғараклар билан қамраб олиш бўйича тизимли фаолиятни ташкил этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг тўлақонли, оқилона, мувозанатлашган, соғлом овқатланишини таъминлайди;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини ҳар хил йўналишлардаги тўғаракларда шуғулланишга жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқади;

9) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан бирга мактабгача таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш бўйича профилактика чора-тадбирларини мувофиқлаштириш соҳасида:

мактабгача таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштиради;

болаларнинг ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича профилактик чора-тадбирларга раҳбарлик қилади ва уларни мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ташкилотлари тиббиёт ходимларининг малакаси мунтазам оширилишига қўмаклашади.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин».

12-банднинг 5-кичик бандидаги, 13 — 17-бандлардаги, 22-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 24-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 26-банднинг 21-кичик бандидаги, 30-банднинг 4 ва 5-кичик бандларидаги тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда:

тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги йигирманчи хатбоши қўшилсин:

«идоравий мансуб ташкилотларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;»;

59-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Мактабгача таълим раҳбар ва мутахассисларини» ва «муассасалари» сўзлари тегишли равишда «Мактабгача таълим директор ва мутахассисларини» ва «ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

илованинг номидаги, 1 ва 2-бандлардаги «таълим муассасалари раҳбар» ва «таълим муассасалари раҳбарларини» сўзлари тегишли равишда «таълим ташкилотлари директор» ва «таълим ташкилотлари директорларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«а) давлат тилида: тўлиқ номи — Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, қисқартирилган номи — МТТДМҚТМОИ».

8-банднинг учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «муассасалари» сўзи «ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин.

9-бандда:

«а» кичик банднинг иккинчи, учинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги «таълим муассасалари раҳбарлари» сўзлари «таълим ташкилотлари директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банднинг биринчи, учинчи хатбошиларидаги, «в» кичик банднинг еттинчи хатбошисидаги, «г» кичик банднинг биринчи, иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, «д» кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «муассасалари», «муассасаларида» ва «муассасаларига» сўзлари тегишли равишда «ташкилотлари», «ташкилотларида» ва «ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг ўн иккинчи хатбошисидаги «таълим муассасалари раҳбарлари» сўзлари «таълим ташкилотлари директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 18 декабрдаги 991-сон қарорида:

қарор номидаги, муқаддимадаги, 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 4 ва 5-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

илованинг номидаги, 1 — 4-бандлардаги, 5-банднинг биринчи, бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 6 — 11-бандлардаги, 13 — 15-бандлардаги «таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

16 ва 17-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Таълим ташкилотларига қоплаб бериладиган ойлик компенсацияларни тўлаш учун тақдим этилган маълумотларнинг асослилиги ва тўғрилигига таълим ташкилотининг директори шахсан жавоб беради.

17. Таълим ташкилоти томонидан ойлик компенсация тўловларини қоплаш учун молия органига тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сохталлиги аниқланганда, таълим ташкилотининг директори ва тегишли ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда ушбу муассаса электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан ойлик компенсация тўловлари қоплаб бериладиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг реестридан чиқарилади»;

1-илованинг номидаги, «субъект», «тадбирлар» устундаги «таълим

муассасаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг номидаги «таълим муассасаси», «таълим муассасаси раҳбари» ва «таълим муассасаси бош ҳисобчиси» сўзлари тегишли равишда «таълим ташкилоти», «таълим ташкилоти директори» ва «таълим ташкилоти бош бухгалтери» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-илованинг номидаги ва «Нодавлат мактабгача таълим муассасаси номи (тўлиқ кўрсатилади)» устунидаги «таълим муассасаларининг» ва «таълим муассасаси» сўзлари тегишли равишда «таълим ташкилотларининг» ва «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 306-модда) билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги низомнинг 5-банди еттинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-банддаги, 9-банддаги ва Низомга илованинг III позициясидаги ва «Лавозим номи» устунидаги «мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар», «мактабгача таълим муассасаси мудир», «Мудир» сўзлари тегишли келишиқда «мактабгача таълим ташкилотларининг директор», «мактабгача таълим ташкилоти директори», «Директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдорлари ушбу Низомга иловага мувофиқ белгиланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари директор ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда 9 та ва ундан ортиқ гуруҳлари мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотлари I гуруҳ, 8 тагача гуруҳлари мавжуд давлат мактабгача таълим ташкилотлари II гуруҳ ҳисобланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари ходимнинг лавозимига, малака тоифасига ва давлат мактабгача таълим ташкилотининг турига боғлиқ равишда табақалаштирилади»;

5-банддаги, 7-банддаги, 3-боб номидаги, 8 — 10 бандлардаги, 4-боб номидаги, 11-банднинг биринчи хатбошисидаги, 12-банднинг биринчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 14-15-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Йиллик иш режаси ҳар бир педагог ходим учун яқка тартибда

белгиланади ва кенгайтирилган педагогик кенгашда муҳокама қилингандан кейин давлат мактабгача таълим ташкилоти директори томонидан тасдиқланади.

Иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш давлат мактабгача таълим ташкилоти директори томонидан амалга оширилади».

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Концепциясида:

15-банднинг «а» кичик бандидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илованинг «Чора-тадбирлар» устунисидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги 241-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 3-сон, 68-модда) билан тасдиқланган Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди ўнинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 19 майдаги 378-сон қарорида:

2-банднинг учинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг иккинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

илованинг номидаги, 1 — 3-бандлардаги, 4 — 6-бандлардаги, 8-банддаги, 9-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 11-банддаги, 12-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 13 — 20-бандлардаги «таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг номидаги, 2 — 5-позицияларнинг «Тадбирлар» устунисидаги «таълим муассасалари» сўзлари тегишли келишикдаги «таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловада:

илованинг номидаги, «Таълим муассасасида таълим олаётган болаларнинг» устунисидаги «мактабгача таълим муассасасининг» ва «Таълим муассасасида» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотининг» ва «Таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Таълим муассасаси раҳбари» ва «Таълим муассасаси бош ҳисобчиси»

сўзлари тегишли равишда «Таълим ташкилоти директори» ва «Таълим ташкилоти бош бухгалтери» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 3-иловининг номидаги, «Субсидиялар ажратиладиган таълим муассасаси номи» устунидаги, «Хисобот ойдан олдинги чоракдаги таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммаси» устунидаги, «Таълим муассасасига ҳақиқатда қатнаган тарбияланувчилар сони» устунидаги «таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 июлдаги 535-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-бандининг биринчи хатбошидаги «туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича» сўзлари «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича» сўзлари «жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича руҳсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 30 июлдаги 595-сон қарорида:

қарор номидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25 нафаргача болани тарбиялашни назарда тутувчи оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шаклидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси хусусий шерикнинг ташаббуси билан, танлов ўтказилмай ва тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш асосида, улар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали амалга оширилади;»

2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

иловининг номидаги, 1, 4-бандлардаги, 2-боб номидаги, 5 — 7-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги, 3-боб номидаги, 8 — 12 бандлардаги, 14 — 17-бандлардаги, 4-боб номидаги, 19-банддаги, 20 — 22-бандлардаги, 24-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 25-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 26-банддаги, 27-банднинг биринчи хатбошидаги, 28 — 30-бандлардаги, 31-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 32-банднинг биринчи хатбошидаги, 6-боб номидаги, 33 — 36-бандлардаги, 7-боб номидаги, 37-банддаги, 39-банддаги, 41 — 44-бандлардаги, «мактабгача таълим муассасалари», «муассаса» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилотлари», «ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади»;

13-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун хусусий шерик (якка тартибдаги тадбиркор шаклида) давлат шеригига ариза билан мурожаат қилади.

Аризага якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома илова қилинади.

Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги аризаси давлат шериги томонидан ариза тушган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқилади.

Лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида етти кун ичида битим тузилади.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисида тузилган битимларнинг ягона реестри Мактабгача таълим вазирлиги томонидан юритилади»;

18-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотига болаларни қабул қилиш жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, тегишли тиббий хулоса асосида амалга оширилади.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотига болаларни қабул қилиш ва муассасадан чиқариш тартиби оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг қарори билан амалга оширилади.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотидagi болалар сони 7 нафардан кам бўлмаслиги ва 25 нафардан ошмаслиги лозим»;

23-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«23. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан тузилган битимга асосан тарбияланувчилар умумий сонининг 70 фоизи миқдорда ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг ва махсус контингент фарзандларини ўқитиш, улар учун камида 3 йил давомида ота-оналар тўловининг имтиёзли ҳажмларини (шу жойдаги давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган ҳажмлардан ошмайдиган миқдорларда) белгилайди.

Бунда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар — кам таъминланган оилалар, аъзолари ногиронлиги бўлган шахслардан иборат бўлган оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар, боланинг ота-онаси квоталар бўйича минтақаларга тақсимланган ижтимоий соҳа ходимлари бўлган оилалар, тўрт нафар ёки ундан кўп болалари бўлган оилалар.

Махсус контингент — ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг болалари, мактабгача таълим тизими ходимлари ва давлат умумтаълим мактаблари педагог ходимларининг болалари»;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«38. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йилги маҳаллий бюджет маблағларидан иқтисод қилиб қолинган маблағлар доирасида ташкил этиладиган янги оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун мўлжалланган мебель, ашё ва анжомлар билан жиҳозлашга кўмаклашадилар.

Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий органлари томонидан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти учун зарур бўлган ўқув материаллари берилади. Мазкур жиҳозлар ва ўқув материалларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ва уларнинг сақланишига оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти жавоб беради»;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«40. Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига қуйидаги мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади:

тарбиячи ва ёрдамчи хизматларга тегишли тоифа бўйича қисқа муддатли ёки 9 соатлик давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга тўланадиган ҳаққа тенг шартларда ва ҳажмларда иш ҳақи тўлаш;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган нормативлар бўйича овқатланиш, юмшоқ инвентарь ва дори-дармонларга ажратилаётган миқдорларда харажатларни қоплаш.»;

2-иловада:

илованинг номидаги, 1-банддаги, 2-банднинг биринчи хатбошисидаги, 4-банднинг биринчи хатбошисидаги, 5-банддаги, 2-боб номидаги, 6-банднинг биринчи, иккинчи учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 3-боб номидаги, 9-банднинг биринчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 10 ва 11-бандлардаги, 14 — 17-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илованинг номидаги, «тадбирлар» устунининг 1, 3 ва 4-позицияларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илованинг намунавий шаклдаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишикда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 22 ноябрдаги 944-сон қарорида:

2 ва 3-бандлардаги «мактабгача таълим муассасасини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотини» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

илованинг номидаги, 1-банднинг биринчи хатбошисидаги, 2-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 4-банддаги, 5-банднинг биринчи,

олтинчи — саккизинчи хатбошиларидаги, 7-банднинг учинчи хатбошисидаги, 8-банднинг иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга илова номидаги, «тадбирлар» устуни 1-позициясидаги «мактабгача таълим муассасасини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотини» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 8 декабрдаги 999-сон қарори 2-банднинг олтинчи хатбошисидаги, 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 7-банддаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 декабрдаги 1027-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 3-бандининг учинчи хатбошисидаги, 4-банднинг иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларининг», «мактабгача таълим муассасаларини», «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотларининг», «мактабгача таълим ташкилотларини», «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-бандидаги «маъмурий ишлар бўйича» сўзлари «жиноят ишлари бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида» 2019 йил 29 январдаги 65-сон қарорида:

4-илова 8-бандининг «Амалга ошириладиган тадбирлар» устунидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илова 11-бандининг «Амалга ошириладиган тадбирлар» устунидаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти ва инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 2 апрелдаги 274-сон қарори 2-банди «б» кичик бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 3-банд «б» кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасаларини», «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини», «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача ҳамда умумтаълим муасса-

салари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорида:

қарорнинг номидаги «муассасалари» сўзи «ташкилотлари» сўзи билан алмаштирилсин;

1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

илованинг номидаги, 1-банддаги, 2-банд «а» кичик бандининг тўққизинчи хатбошисидаги, 3-банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларидаги, 2-боб номидаги, 4-банддаги, 5-банднинг биринчи, иккинчи, бешинчи — саккизинчи хатбошиларидаги, 3-боб номидаги, 6-банд биринчи хатбошисидаги, 4-боб номидаги, 7-банднинг биринчи хатбошисидаги, 9 — 11-бандлардаги, 12-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 13-14-бандлардаги, 15-банднинг иккинчи — тўртинчи, еттинчи — ўнинчи хатбошиларидаги, 16-17-бандлардаги, 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 21-22-бандлардаги, 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 24-банднинг иккинчи-учинчи хатбошиларидаги, 26-банддаги, 27-банднинг биринчи хатбошисидаги, 29, 31-бандлардаги, 33-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 35-банддаги, 37-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 38 — 40-бандлардаги, 41-банднинг биринчи-иккинчи, тўртинчи-бешинчи хатбошиларидаги, 42-банднинг биринчи — учинчи, бешинчи хатбошиларидаги, 43-банднинг биринчи, саккизинчи хатбошиларидаги, 44-банднинг биринчи, иккинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 45-46-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги, 26-банднинг учинчи хатбошисидаги, 35-банддаги «мактабгача таълим муассасаси раҳбарини (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсни)», «мактабгача таълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс)», «мактабгача таълим муассасаси раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга)» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилоти директорини (директор бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсни)», «мактабгача таълим ташкилоти директори (директор бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс)», «мактабгача таълим ташкилоти директорига (директор бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга)» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-илова номидаги, «Субъект» устунининг 4 ва 5-позицияларидаги, «Тадбирлар» устунининг 1 — 4-позицияларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги, «Тизимида мактабгача таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг текширишда қатнашган ходимлари ҳақида маълумот» ва «Мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг фикри» устунларидаги «мактабгача таълим муассасасининг», «мактабгача таълим муассасалари» ва «Мактабгача таълим

муассасаси раҳбарининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотининг», «мактабгача таълим ташкилотлари» ва «Мактабгача таълим ташкилоти директорининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 18 майдаги 418-сон қарорида:

муқаддимадаги, 3-банднинг учинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасаларини», «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотларини», «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Мактабгача таълим муассасалари раҳбар» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари директор» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарорида:

1-иловада:

муқаддиманинг саккизинчи хатбошисидаги, 5, 6, 8, 9-бандлардаги, 11-банднинг биринчи-иккинчи хатбошиларидаги, 12, 13-бандлардаги, 14, 15-бандларнинг иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқда ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

«Чора-тадбирлар номи» устунининг 1, 3, 27 — 30-бандларидаги, «Амалга ошириш механизми» устунининг 3, 5, 26 — 28-бандларидаги, 30 ва 33-бандлардаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқда ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 470-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 36-бандининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси», «раҳбар» сўзлари тегишли келишиқда ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти», «директор» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим тизимига илғор аҳборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июндаги 487-сон қарори 2-бандининг ўнинчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларини», «мактабгача таълим муассасалари», «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотларини», «мактабгача таълим ташкилотлари», «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорида:

қарор номидаги, муқаддиманинг биринчи, иккинчи, тўртинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан келишган ҳолда туман (шаҳарлар) бўйича»;

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларидаги» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни белгилловчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини уч ой муддатда қайта кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин».

8-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

Низом номидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-боб номидаги, 3 ва 4 бандлардаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларида» ва «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотларида» ва «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари директорлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси ошпази ва омбор мудирлари ёки омборчи» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти ошпази ва хўжалик мудирлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «омбор мудирлари ёки омборчи» сўзлари «хўжалик мудирлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотига» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси раҳбари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «Мактабгача таълим муассасасидаги» ва «муассаса раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Мактабгача таълим ташкилотига» ва «ташкilot директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасаси мудирининг» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти директорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Мактабгача таълим муассасаси» ва «муассаса» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти» ва «ташкilot» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «муассаса раҳбари» сўзлари «ташкilot директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасасида» ва «муассаса» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотида» ва «ташкilot» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотига» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси мудирлари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «мактабгача таълим муассасаси мудирлари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банддаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Мактабгача таълим ташкилотига таъминотчи корхоналар томонидан келтирилган озик-овқат маҳсулотлари бракераж комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан кейин ташкилотнинг хўжалик мудирлари томонидан оморхонага қабул қилиб олинади»;

23-банднинг иккинчи хатбошидаги «омбор мудирлари» сўзлари «хўжалик мудирлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги «мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги «Мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси», «мактабгача таълим муассасаси мудирлари» ва «мудирлари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти», «мактабгача таълим ташкилоти директори» ва «директор» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги «Мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банднинг иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишиқдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банднинг биринчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банддаги «мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

36-бандда:

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассасада» сўзи «ташкилотда» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «муассасага» сўзи «ташкилотга» сўзи билан алмаштирилсин;

37-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасасининг мудирлари»

сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотининг директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «муассасада» сўзи «ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасидаги» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «омбор мудир» сўзлари «хўжалик мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

39-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мактабгача таълим муассасаси» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасидаги» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотидаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мактабгача таълим ташкилотининг озик-овқат маҳсулотлари хўжалик мудир»и энг камида ўрта махсус маълумотга эга бўлиши зарур ва қуйидаги вазибаларни бажаради:»;

тўққизинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

41-банддаги «Мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-боб номидаги «Мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-бандда:

биринчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотида» сўзлари билан алмаштирилсин;

43-банддаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

кўрсаткич қисмидаги «мактабгача таълим муассасаси мудир(ас)и» сўзлари «мактабгача таълим ташкилоти директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳ қисмидаги «мактабгача таълим муассасаларига» ва «Омбор мудир» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» ва «Хўжалик мудир» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 5-иловада:

илованинг номидаги «мактабгача таълим муассасаларининг» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Масъуллар» устуни 1-позициясидаги «Мақтабгача таълим муассасаси» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устуни 3 ва 4-позицияларидаги «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

илованинг номидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «мактабгача таълим муассасаларида», «муассаса» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида», «ташкилот» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаларида», «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида», «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги «Муассасада», «муассасалар раҳбарларини» сўзлари тегишли равишда «Ташкилотда», «ташкilotлар директорларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Муассаса» сўзи «Ташкилот» сўзи билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Муассасада» сўзи «Ташкилотда» сўзи билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Муассасаларда» сўзи «Ташкилотларда» сўзи билан алмаштирилсин;

15-банднинг иккинчи хатбошисидаги «муассасанинг» сўзи «ташкilotнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

16-банддаги «муассасаларда» сўзи «ташкilotларда» сўзи билан алмаштирилсин;

19-бандда:

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасасига» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotига» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «муассасада» сўзи «ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

20-бандда:

иккинчи хатбошидаги «муассасалар» сўзи «ташкilotлар» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «муассаса» сўзи «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «муассасада» сўзи «ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «муассасанинг» сўзи «ташкilotнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

21-банднинг иккинчи хатбошисидаги «муассаса» сўзи «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

22-банддаги «муассасаларда» сўзи «ташкilotларда» сўзи билан алмаштирилсин;

23-банддаги «муассасаларнинг», «муассасасига» сўзи «ташкilotларнинг», «ташкilotига» сўзи билан алмаштирилсин;

24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этиладиган ташкilotларда болаларни овқатлантиришни молиялаштириш ота-оналар тўлов пуллари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, хомийлик маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Бунда аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этилган ташкilotдаги мавжуд ошпаз, ошхона ишчилари штат бирликлари белгиланган тартибда қисқартирилади»;

25-банднинг биринчи хатбошисидаги «муассаса мудир», «муассасанинг» сўзлари «ташкilot директори», «ташкilotнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкilotларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги «муассаса» сўзи «ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

28-банддаги «муассаса раҳбари» сўзлари «ташкilot директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «Муассаса раҳбари», «муассаса раҳбарига» сўзлари тегишли равишда «Ташкilot директори», «ташкilot директорига» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги «Муассасада» сўзи «Ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

35-банднинг биринчи хатбошидаги «муассаса раҳбари» сўзлари «ташкilot директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-бандда:

биринчи хатбошидаги «Муассаса», «муассасада» сўзлари тегишли равишда «Ташкilot», «ташкilotда» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мудира» сўзи «директор» сўзи билан алмаштирилсин;

38-банддаги «Муассаса» сўзи «Ташкilot» сўзи билан алмаштирилсин;

40-банддаги «муассасада» сўзи «ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

41-банддаги «муассасада» сўзи «ташкilotда» сўзи билан алмаштирилсин;

43-банднинг иккинчи хатбошисидаги «муассасасига» сўзи «ташкilotига» сўзи билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловада:

илованинг номидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Иш жойи ва лавозими» устунисидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-илованинг «Тадбирлар» устуни 3 ва 4-позицияларидаги «Муассасаларда», «муассасаларда» сўзлари тегишли равишда «Ташкилотларда», «ташкилотларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-илованинг изоҳ қисмидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорга 3-иловада:

илованинг номидаги «мактабгача таълим муассасаларида» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

I боб номидаги «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар» устуни 1, 4 — 10-позицияларидаги «Мақтабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «Мақтабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Амалга ошириш механизми» устунининг 1, 5 — 8-позицияларидаги «Мақтабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишик ва сонда «Мақтабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

III боб номидаги «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV боб номидаги «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

V боб номидаги «Мақтабгача таълим муассасаларида» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Мақтабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш ва экспертизадан ўтказиш, уларни нашр қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 9 сентябрдаги 746-сон қарорида:

қарор номидаги, муқаддимадаги, 1-банддаги, 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишикдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

илова номидаги, 1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 4-банддаги «мактабгача таълим муассасаси» сўзлари тегишли келишикдаги «мактабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга илованинг номидаги ва «Тадбирлар» устунисидаги «Мақтабгача таълим муассасалари» ва «Мақтабгача таълим муассасаларидаги» сўзлари «Мақтабгача таълим ташкилотлари» ва «Мақтабгача таълим ташкилотларидаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги 754-сон қарорида:

2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг учинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд «б» кичик бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг учинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга илованинг «Аҳоли тоифаси» устуни 2-позицияси ва «Тайёргарликдан ўтадиган гуруҳлар» устуни 5-позициясидаги «Мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «Мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 13 сентябрдаги 769-сон қарорида:

қарор номидаги ва муқаддимадаги «мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларини» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларини (кейинги ўринларда ИИВ МТМ деб аталади)», «мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда ДМТМ деб аталади)» сўзлари тегишли равишда «мактабгача таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — ИИВ МТТ)», «мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда — ДМТТ)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «МТМнинг» аббревиатураси «МТТнинг» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «МТМ ўз фаолиятини давлат мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «МТТ ўз фаолиятини давлат мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «МТМ раҳбарлари» сўзлари «МТТ директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «МТМ ходимларига давлат мактабгача таълим муассасалари» сўзлари «МТТ ходимларига давлат мактабгача таълим ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «МТМнинг» аббревиатураси «МТТнинг» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ИИВ МТМ» аббревиатураси «ИИВ МТТ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ИИВ МТМ» ва «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари тегишли равишда «ИИВ МТТ» ва «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасаларига» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ИИВ МТМ» аббревиатураси «ИИВ МТТ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ИИВ МТМга» аббревиатураси «ИИВ МТТга» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ИИВ МТМни» аббревиатураси «ИИВ МТТни» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «мактабгача таълим муассасалари», «ИИВнинг янги МТМни» сўзлари «мактабгача таълим ташкилотлари», «ИИВнинг янги МТТни» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 320-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 7-сон, 153-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 22 февралдаги 134-сон қарорига илованинг 10-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 майдаги 391-сон қарорининг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида замонавий заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 10 январдаги 16-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**281** Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий этиш ҳамда илғор халқаро тажрибага асосланган буюртмачи хизмати-ни ташкил қилиш шаҳарсозлик фаолиятини самарали амалга оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятининг самарадорлиги тизимли равишда таҳлил қилиб борилмаяпти.

Ўз навбатида, ижтимоий ва инфратузилма объектларида нархларни шакллантириш, қурилиш ишларини ташкил қилиш, техник ва муаллифлик назоратини олиб бориш, қурилиш ишлари сифатини таъминлаш ва объектларни фойдаланишга топширишда қуйидаги масалалар долзарблигича қолмоқда:

биринчидан, вазирликлар ва идораларда давлат аҳамиятига молик қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мониторинг ҳамда назорат қилишни таъминловчи тизим мавжуд эмас;

иккинчидан, буюртмачи хизматининг функциялари, вазифалари, жавобгарлиги, ҳуқуқлари, лойиҳачи ташкилот ва пудратчи ташкилотлар билан ўзаро шартномавий муносабатларини ўзида акс эттирган ягона тартиб мавжуд эмас;

учинчидан, буюртмачи хизмати учун ҳақ тўлаш механизми такомиллашмаган, иш юкламалари, моддий жавобгарлик ва меҳнатга ҳақ тўлаш мутаносиб эмас;

тўртинчидан, соҳада коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар натижадорлигининг пастлиги ма-лакали мутахассис ва раҳбар кадрларни тайёрлаш имконини бермаяпти;

бешинчидан, моддий-техник базани ривожлантиришга қаратилган ишлар тизими шаклланмаганлиги ва замонавий ахборот технологиялари талаб даражасида жорий этилмаганлиги соҳа фаолиятини чуқур таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасида таъсирчан чораларни ишлаб чиқишда ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Буюртмачиларнинг техник назорат бўйича масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, иштирокчилар фаолиятини такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш орқали буюртмачи хизматини ислоҳ қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 майда эълон қилинган.

Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизматининг намунавий тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Қурилиш объектларида муаллифлик ва техник назорат олиб бориш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмачи хизматларнинг:

амалдаги тузилмаларини ҳамда қурилиш соҳасига оид идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

мажбуриятларнинг тўлиқ бажариш имконини беришни назарда тутган ҳолда, улар моддий-техник базасини (маъмурий бино, транспорт воситаси, оргтехника) мустаҳкамласин;

жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш ишлари юзасидан асослантирилган таклифларни бир ой муддатда Иқтисодий тараққиёт ва камбақалликни қисқартириш вазирлигига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

буюртмачи хизматлар жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Молия вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган объектлар қурилишини молиялаштириш тартиби ва объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир намунавий пудрат шартномасини бир ой муддатда тасдиқласин ва ижрога қаратсин.

4. Қурилиши марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича буюртмачи хизматлар раҳбар ходимлари ва мутахассислари учун белгиланадиган ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф коэффициентларига 3 барабар миқдорда оширилган коэффициент қўлланилсин.

5. 2021 йил 1 июндан бошлаб объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари бўйича шартнома мажбуриятларининг бузилганлиги учун буюртмачи фойдасига суд ва судгача ҳал қилиш тартибида ундирилган жарима (санкция) ва пенялар, шунингдек, харидлар жараёни талаблари бузилганда, тендер ва танлов таклифларини гаров, кафолат, закат тарзида таъминлаш учун киритилган давлат харидлари иштирокчилари маблағларининг 50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ҳамда қолган 50 фоизи — буюртмачи хизмати банк ҳисобрақамига йўналтирилади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Белгилансинки, ушбу қарорнинг бешинчи бандига мувофиқ буюртмачи хизмати банк ҳисобрақамига ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадлардан тушадиган маблағлар қўйидагиларни молиялаштиришга йўналтирилади:

буюртмачи хизмати раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларининг ловозим маошларига узоқ муддат ишлаганлиги учун рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда устамалар тўлашга: 2 йилдан 5 йилгача — 0,2; 5 йилдан 10 йилгача — 0,4; 10 йилдан 15 йилгача 0,6 ва 15 йилдан ортиқ — 0,8;

буюртмачи хизмати ходимларига қонунчиликда белгиланган рағбатлантириш ва мукофот пулларини тўлашга ҳамда буюртмачи хизматининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплашга.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги келгуси йиллардаги Инвестиция дастурларини шакллантиришда буюртмачи хизматлар жойлашган мавжуд биноларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда янги бино қуриш ишлари учун марказлашган манбалар ҳисобидан маблағ ажратишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2021 йил 1 июндан бошлаб буюртмачи хизматининг штатлар жадвали ва таъминот харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказишда техник назорат мутахассислари учун хизмат сафари харажатларининг объектлар жойлашган масофадан келиб чиқиб, жорий нархларда белгиланишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан қурилиш объектларида техник назорат соҳасидаги масъул мутахассисларга уларнинг иш тажрибаси, бириктирилган объектларнинг ўз муддатида сифатли топширилганлиги, қурилиш жараёнида бартараф этилган камчиликлар, соҳавий малакаси каби мезонлар асосида малака тоифаси белгиланади.

Буюртмачи хизматлар Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланган малака тоифаси асосида техник назорат соҳасидаги масъул мутахассисларга улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги тариф коэффициентларига 2021 йил 1 августдан бошлаб:

биринчи тоифа учун — 0,2 миқдорда;

иккинчи тоифа учун — 0,5 миқдорда;

учинчи тоифа учун — 0,7 миқдорда;

олий тоифа учун — 1,0 миқдорда коэффициент қўшилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда қурилишда техник назорат бўйича мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда тасдиқланган режа-жадвал асосида 2021 йил сентябрь

ойида буюртмачи хизматларнинг техник назорат бўйича ходимларини аттестациядан ўтказсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аттестация натижаларини инобатга олган ҳолда, техник назорат бўйича ходимларга тегишли малака тоифаларини белгиласин ҳамда буюртмачи хизматларни соҳа бўйича зарур билим, кўникма ҳамда иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Буюртмачи хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Қурилиш вазирлигига қуйидаги вазифалар юклансин:

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини, белгиланган тартибда назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан буюртмачи хизматига юклатилган вазифаларни ўз муддатида ва тўғри ижро этилишини талаб қилиш, улар бўйича ахборотларни йиғиш, умумлаштириш, таҳлил этиш ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чорак якунидан сўнг Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш;

буюртмачи хизмати раҳбар кадрлари ҳамда мутахассисларини шаҳарсозлик соҳасидаги билимларини тизимли равишда аттестациядан ўтказиб бориш, малакасини ошириш ҳамда уларга белгиланган тартибда малака тоифасини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда буюртмачи хизмати фаолиятини амалга ошириш ва қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш учун аккредитациядан ўтиш тартибини бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май,
321-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига
1-ИЛОВА

Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизматининг (кейинги ўринларда — буюртмачи хизмати) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини белгилайди.

Низом талаблари:

а) бюджет буюртмачилари:

давлат органлари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтирилладиган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

б) корпоратив буюртмачилар:

давлат корхоналари;

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондининг 50 фоизига ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларга нисбатан амал қилади.

Мазкур Низом талаблари ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилгандан ташқари бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилладиган қурилиш объектлари учун буюртмачи хизматини ташкил этишда қўлланилиши мумкин.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган манбалар ҳисобига молиялаштирилладиган объектларда қурилиш ишларини амалга оширишда буюртмачи хизматини жалб қилиш мажбурий ҳисобланади.

2. Буюртмачи хизмати объектни таъмирлаб, реконструкция қилиб ёки қуриб фойдаланишга тайёр ҳолда топширишни таъминлайди.

3. Буюртмачи хизмати тузилган шартномаларга мувофиқ ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича инвестиция жараёни қатнашчилари ишини мувофиқлаштиради.

4. Буюртмачи хизмати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

5. Буюртмачи хизмати юридик шахс ҳисобланиб, қонунчиликка мувофиқ ўз мустақил балансига, банк ҳисобрақамига, ўз номи давлат тилида

ёзилган муҳрга (давлат муассасаси шаклидаги юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган), белгиланган намунадаги штамплар ва бланкаларга эга бўлади.

Буюртмачи хизмати бюджет ташкилоти ҳисобланмайди.

2-боб. Буюртмачи хизматининг асосий вазифалари

6. Қуйидагилар буюртмачи хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади: қурилиш объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

бирламчи рухсат берувчи, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган муддатда сифатли тайёрланишини таъминлаш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

лойиҳаларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш, харидларни режалаштириш, харидлар тартиб-таомилларини белгилаш ва унинг шаффофлигини таъминлаш;

лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш ишлари бўйича техник назорат олиб борилишини таъминлаш, муаллифлик назоратини ташкил этиш ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда объектларни фойдаланишга қабул қилиш ишларини ташкил этиш;

субъектларнинг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ўзаро муносабатлари шаффофлигини таъминлаш.

3-боб. Буюртмачи хизматининг асосий функциялари

7. Юқланган вазифаларга мувофиқ буюртмачи хизмати қуйидаги функцияларни бажаради:

а) қурилиш объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идораларнинг топшириғига биноан мақсадли давлат дастурларига киритилган лойиҳаларнинг параметрларини аниқлаштириш ва келгусида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига белгиланган тартибда тақдим этиш учун уларга янги лойиҳаларни қўшиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

молиялаштириш манбаларини белгиловчи ҳужжатлар ва манзилли рўйхат лойиҳаларини ишлаб чиқади, ўрнатилган тартибда келишади ва уларнинг тасдиқланишини таъминлайди;

пудратчи ташкилот билан келишган ҳолда қурилишнинг титул рўйхатини тасдиқлайди;

объект қуриладиган ҳудудда муҳандислик-коммуникация тармоқларини жойлаштириш масалаларини кўриб чиқиш ишларида иштирок этади;

б) бирламчи рухсат берувчи, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган муддатда сифатли тайёрланишини таъминлаш, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилиш соҳасида:

лойиҳаларни ишлаб чиқишга бирламчи рухсат берувчи ҳамда харид бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, шунингдек, харид жараёнларини ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди;

лойиҳачи ташкилотга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан, архитектура-режалаш топшириғини, топографик материалларни, муҳандислик-геологик қидирувларнинг ва таянч қурилиш конструкцияларининг техник ҳолатини текширувдан ўтказиш материалларини, нуқсонларга оид далолатномаларни тақдим этади, ушбу ҳужжатлар асосида ўрнатилган тартибда лойиҳалаштиришга топшириқни тайёрлайди ва тасдиқлайди;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳалаштириш топшириғини тайёрлаб «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида белгиланган тартибда келишади ва тасдиқлайди;

ишларни бажариш ҳамда молиялаштириш жадвалини инобатга олган ҳолда, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш учун шартнома тузади;

тегишли ташкилотлар билан экспериментал, илмий-текшириш, археология ишлари ва бошқа ишларни бажариш учун шартномалар тузади;

лойиҳа-қидирув ишлари ижрочиларининг шартнома мажбуриятларига риоя этилишини назорат қилади;

лойиҳаолди, лойиҳа ва харид бўйича ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, келишади ва уларнинг тасдиқланишини таъминлайди;

ваколатли органлар хулосалари ҳамда пудратчи ташкилотлар таклифлари асосида тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини ташкил этади;

қурилиши марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бошланғич қиймати Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига (stat.uz) қўйиб бориладиган қурилиш материалларининг жорий нархлари, машина ва механизмлар хизмати учун ўртача нархлар ҳамда ўртача иш ҳақидан фойдаланган ҳолда шакллантиради;

бунда нархларни йил давомида ўзгаришини инобатга олиб, муайян давр учун ўртача нарх нархлар ўсиши тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб қилади;

в) объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

қурилиш учун майдон танлаш ва ажратиш бўйича комиссиялар ишида иштирок этади;

қурилиш учун ер участкалари ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни, шунингдек, электр узатиш ҳаво тармоқлари ва алоқа тармоқлари ҳудудида, темир йўллarda, қурилиш майдонида жойлашган ер ости коммуникация тармоқлари (электр энергияси, табиий газ ва канализация тармоқлари) ўтадиган жойларда ишларни бажаради;

қурилиш объектида муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўлмаган

тақдирда, ишларни ташкил этиш учун ушбу ҳудуддаги мавжуд муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш чораларини кўради;

дарахтларни ўтказиш, буташ, зарур ҳолларда дарахтларни кесиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда олинишини таъминлайди;

объект қуриладиган ҳудудда бузиладиган, бошқа жойга кўчириладиган ёки реконструкция қилинадиган аҳоли хонадонларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг мазкур масалалар юзасидан қонуний талаблари бажарилишини таъминлайди;

фуқароларга зарурат бўлганда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган объектнинг умумий қиймати доирасида олиб қўйиладиган мева, резавор мева дарахтлари ва экинлар қийматини, шунингдек, фуқароларга хусусий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган ва бузилиши керак бўлган турар жойлар ва иморатлар қийматини қоплайди;

қурилиш ҳудудида бузиладиган бино ва иншоотларнинг ҳисоб-китоби ҳамда уларни объект қурилиш лойиҳасига киритишнинг асослилигини текширади;

объектларнинг бузилиши натижасида ҳосил бўладиган ҳамда қазиб олинадиган қурилиш материаллари белгиланган тартибда ҳисобга олиниши ва сотилишини таъминлайди;

қурилиш учун геодезик ажратиш асосини ташкил этади;

г) лойиҳалар молиялаштириш манбаларини аниқлаш, харидларни режалаштириш, харидлар тартиб-таомилларини белгилаш ва унинг шаффофлигини таъминлаш соҳасида:

объектни лойиҳалаштириш ва фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажарувчи ижрочиларни белгилаш бўйича тендер савдоларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда белгиланган тартибда шартнома тузилишини таъминлайди;

шартнома асосида ишларни бажариш, молиялаштириш жадвалларини тасдиқлаш, қурилиш ишлари титул рўйхатларини тузиш ва аниқлаштириб борилишини таъминлайди;

молиялаштириш бўйича келишилган жадвални ҳисобга олиб, зарур барча ҳужжатларни мутасадди идорага (банкка, вазначилик бўлимига) тақдим этган ҳолда лойиҳалаш ва қурилиш ишларининг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлайди;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини юритади, тасдиқланган шаклларга мувофиқ фаолият турлари бўйича ҳисоботларни белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этади ҳамда уларнинг ишончилиги учун жавоб беради;

лоyiҳа иштирокчиларининг бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловга тақдим этилган ҳисобварақларини текшириб қабул қилади;

бажарилган ишлар бўйича белгиланган тартибда тўловни амалга оширади;

шартнома мажбуриятлари қисман ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолларда

лойихачи, пудратчи ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда жари-
ма тўлаш тўғрисида даъвони тақдим этади;

д) лойиҳаларни бошқариш ва қурилиш ишлари бўйича техник назорат
олиб борилишини таъминлаш, муаллифлик назоратини ташкил этиш ҳамда
шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда объектларни
фойдаланишга қабул қилиш ишларини ташкил этиш соҳасида:

қурилиш объектларини қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция-
ларида рўйхатдан ўтказиши;

пудрат ишларини бажариш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжат-
ларни ҳамда муаллифлик ва техник назорат мавжудлигини текширади;

лойиҳа бошқарилишини ва объектларда қурилиш ишлари юзасидан
тизимли техник назоратни амалга оширилишини таъминлайди, қурилиш
жараёнида камчиликлар ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, уларни барта-
раф этиш юзасидан чоралар кўради;

қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ қурилиши тугалланган
объектларни фойдаланишга қабул қилиб олади;

объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича тегишли комис-
сияга зарур ҳужжатларни тақдим этади;

фойдаланишга қабул қилинган объектлар бўйича барча тегишли ҳуж-
жатларни фойдаланувчига тақдим этади;

қурилиш нормалари ва қоидалари талаблари бузилган ҳолда қурилган
объектлар фойдаланишга қабул қилиб олинганлиги учун жавоб беради;

е) шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг объектлар қурилиши жа-
раёнида ўзаро муносабатлари шаффофлигини таъминлаш соҳасида:

«Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимига (кейинги ўринларда —
ахборот тизими) зарур ахборотларни киритиб боради;

объектларнинг манзилли дастури, йиллик манзилли рўйхат ва ҳар бир
объект бўйича маълумотларни ахборот тизимига киритади;

бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар тайёрланиши, лойиҳаолди ва
лойиҳа ишларининг амалга оширилиши, экспертиза органлари томонидан
хулосалар берилиши, харидлар жараёни, қурилиш ишларининг олиб бори-
лиши ҳамда молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизими-
га киритади;

лойиҳачи, экспертиза, пудратчи ва бошқа ташкилотлар билан тузил-
ган шартномалар ижроси, бажарилган ишлар, молиялаштириш бўйича
ишончли маълумотларни ахборот тизимига киритади;

қурилиш жараёнларини назорат қилиш, қурилиш устидан муаллифлик,
техник назорат бўйича мутахассислар ва қурилиш соҳасида ҳудудий назо-
рат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувля-
рини ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш-
га доир маълумотларни ахборот тизимига киритади;

қурилиш объектнинг ҳар бир босқичи якуни бўйича маълумотлар ва
асословчи ҳужжатларнинг объектлар фойдаланишга топширилгунга қадар
ахборот тизимига мунтазам киритиб борилиши ва юритилишини таъмин-
лайди.

4-боб. Буюртмачи хизматининг ҳуқуқлари

8. Буюртмачи хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда ваколат доирасига кирувчи масалалар бўйича юқори турувчи идоралар (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар)нинг манфаатларини ифода этади;

юқори турувчи идоранинг топшириғига кўра қурилиш объектлари бўйича буюртмачи хизмати функциясини амалга ошириш;

белгиланган тартибда ўз мол-мулкидан фойдаланиш;

пудрат ишлари ва қурилиш материаллари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ресурсларнинг даврий ўртача нархларини тасдиқлаш;

объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) шартномалар тузиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

ўзига юкланган вазифалар доирасида ишларни бажариш учун белгиланган тартибда хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб этиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар киритиш;

объект фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати тугагунга қадар назорат ўлчовини ўтказишни ташкил этиш.

Буюртмачи хизмати ўз функцияларини амалга ошириш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5-боб. Буюртмачи хизматининг мажбуриятлари

9. Буюртмачи хизматининг мажбуриятлари:

шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этмаганлиги ва ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига ва тузилган шартномаларга мувофиқ жавоб бериш;

шаҳарсозлик ҳужжатларининг белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини таъминлаш;

лойиҳалаштириш жараёнини текшириб бориш, муаллифлик назорати олиб борилишини таъминлаш ва қурилишни техник назорат қилиш, қурилиш жараёнида ва кафолат муддатида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш чораларини кўриш;

белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда статистика ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни амалга ошириш;

мақсадли дастурлар доирасида белгиланган тартибдаги маблағлар Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази ҳисобрақамига ўтказилишини таъминлаш;

ахборот тизимида фаолияти тўғрисидаги тегишли маълумотларнинг жойлаштирилишини таъминлаш.

Буюртмачи хизматига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

10. Буюртмачи хизмати ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради. Бу мол-мулклар етарли бўлмаса, тегишли муассис унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

11. Буюртмачи хизмати унга юкланган вазифа ва функциялар самарали бажарилиши учун жавобгардир.

6-боб. Буюртмачи хизматининг жавобгарлиги

12. Буюртмачи хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ: ишларни бажаришга бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши кечиктирилганлиги;

геодезия — бўлиш асослари ҳамда қурилиш ҳудудига бириктирилган пунктлар ва белгилар берилиши кечиктирилганлиги;

қурилиши тугалланган объект, унинг айрим навбатлари, ишга тушириш комплекси, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқаришга тайёрланган маҳсулотлар ёки хизматлар шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиб олинishi асоссиз равишда кечиктирилганлиги;

шартномага асосан белгиланган муддатда маблағ билан таъминланмаганлиги, бажарилган ишлар тасдиқланмаганлиги ва уларга ҳақ тўланмаганлиги;

шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун мулкий жавоб беради.

7-боб. Хўжалик фаолияти асослари

13. Буюртмачи хизмати юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулқа эгалик қилади, мустақил баланс юритади.

14. Буюртмачи хизмати таъминоти унинг юқори турувчи органи томонидан тасдиқланган (марказлаштирилган манбалар бўйича белгиланган тартибда молия органида рўйхатдан ўтказилган) харажатлар сметасига мувофиқ унга ажратилган капитал қўйилмалар ҳисобига амалга оширилади.

15. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган буюртмачи хизматига бириктирилган мол-мулк давлат мулки ҳисобланади ва мулк ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган тартибда берилади.

16. Буюртмачи хизматларининг фаолиятини маблағ билан таъминлаш қўйидаги даромадлар ҳисобидан молиялаштирилади:

марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалар;

бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар ҳамда бошқа юридик шахслар билан шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

шартнома асосида мажбуриятларни бажармаганлиги учун суд ва суд-гача ҳал қилиш тартибида ундирилган жарималар (санкциялар) ва пенялардан ажратмалар;

бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан келиб тушадиган маблағлар; хомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган буюртмачи хизмати тузилмаси ва штатлар жадвали, лавозим маошлари жадвали, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби юқори турувчи органлар томонидан тасдиқланади ва жойлашган жойидаги молия органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Бунда, буюртмачиларнинг раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларига:

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича разрядлари ва тариф коэффициентлари ҳамда қонунчилик бўйича оширилган миқдордаги коэффициентлари;

бюджет муассасалари ва ташкилотлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қонунчиликда белгиланган миқдорида моддий рағбатлантириш махсус фонди;

икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридаги маблағларни йўналтирган ҳолда мукофотлаш ҳамда бир ойлик иш ҳақи фондини йўналтирган ҳолда ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш шартлари қўлланилади.

Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари объектлар қурилиш қийматига киритилади.

18. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги буюртмачи хизмати раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларига ушбу вазирлик ва идоралар ва уларнинг тизим ташкилотлари учун қўлланиладиган кўп йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилади.

19. Марказлашган манбалар ҳисобидан жорий сақлаш харажатлари учун маблағ билан таъминланувчи буюртмачи хизматлари — бюджет маблағлари олувчи ташкилот ҳисобланади, унинг сақлаш учун харажатлари объект қийматида кўзда тутилган маблағлар буюртмачи хизматининг банк ҳисоб рақамларига келиб тушади.

20. Буюртмачи хизматлари марказлашган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ажратмалардан ташқари мазкур Низомнинг 16-бандига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан юқори турувчи ташкилот билан келишган ҳолда қуйидагиларни молиялаштиришга йўналтирилади:

буюртмачи хизмати раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларининг лавозим маошларига узоқ муддат ишлаганлиги учун рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда устамалар тўлашга: 2 йилдан 5 йилгача — 0,2; 5 йилдан 10 йилгача — 0,4; 10 йилдан 15 йилгача 0,6 ва 15 йилдан ортиқ — 0,8;

буюртмачи хизмати ходимларига қонунчиликда белгиланган рағбатлантириш, премия, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш учун пул маблағлари ва мукофот пуллари тўлашга ҳамда буюртмачи хизматининг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни қоплашга.

21. Молия йили якунига кўра бюджет маблағлари ҳисобидан банк ҳисоб рақамига келиб тушган, бироқ ишлатилмай қолган маблағлар давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва ушбу маблағлар мазкур Низомга мувофиқ буюртмачи хизматининг раҳбарлари, ходимлари ва мутахассисларини моддий рағбатлантириш ва жорий сақлаш билан боғлиқ харажатларга сарфланади.

8-боб. Буюртмачи хизмати фаолиятини ташкил этиш

22. Буюртмачи хизматини бошқариш унинг қарори билан ташкил этилган тегишли органнинг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан амалга оширилади.

23. Буюртмачи хизмати раҳбарларини (директор, директор ўринбосари ва бош муҳандис) лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти билан келишган ҳолда, Қурилиш вазирининг тақдимномаси асосида юқори турувчи вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли буйруғи асосида белгиланган тартибда;

буюртмачи хизматининг техник назорат бўйича мутахассисни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги буюртмачи хизматининг тегишли буйруғи асосида амалга оширилади.

24. Шаҳарсозлик соҳасидаги қонун талабларини тизимли равишда бузаётган, бу борада расмий талабларни бажармаётган техник назорат бўйича мутахассислар Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ёзма кўрсатмасига мувофиқ буюртмачи хизмати раҳбари томонидан лавозимдан озод этилади.

25. Вазифаларни тақсимлаш ва ходимлар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш тартиби буюртмачи хизмати директори томонидан амалга оширилади.

26. Буюртмачи хизмати директори:

буюртмачи хизмати фаолиятига раҳбарлик қилади ва буюртмачи хизматига юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича шартномалар тузади;

ташкilot номидан иш олиб боради, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда буюртмачи хизматини ифода этади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

27. Пул ва мулкый тусдаги барча ҳужжатлар буюртмачи хизмати директори ёки унинг ўринбосарларидан бири, бош бухгалтер ёки директор ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ишончнома билан ваколат берилган шахс томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади.

9-боб. Буюртмачи хизмати фаолиятини назорат қилиш

28. Буюртмачи хизматининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, текшириш ёки тафтиш қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади.

10-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Буюртмачи хизмати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади.

30. Буюртмачи хизмати белгиланган тартибда давлат рўйхати реестридан чиқарилган пайдан бошлаб тугатилган деб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига
З-ИЛОВА

Қурилиш объектларида муаллифлик ва техник назорат олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом қурилиш объектларида буюртмачи хизмати томонидан объектларда қурилиш ишлари бўйича муаллифлик ва техник назорат олиб бориш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари молиялаштириш манбаидан қатъи назар, қурилиш объектларида муаллифлик ва техник назоратни ташкил этишда мажбурий ҳисобланади.

2-боб. Асосий тушунчалар

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
муаллифлик назорати — объектларда қурилиш — монтаж ишларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқлигига доир устидан шаҳарсозлик ҳужжатини ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти томонидан амалга ошириладиган назорат;

техник назорат — буюртмачи хизмати томонидан объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ва қабул қилишда қурилиш соҳасида олиб бориладиган умумий назорат;

қурилишни ташкил этиш лойиҳаси — лойиҳанинг таркибий қисми бўлиб, унда қурилишнинг умумий давомийлиги ва оралиқ муддатлари, капитал маблағлар ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларининг тақсимланиши, моддий-техник ресурслар ва уларни қоплаш манбалари, қурилиш-монтаж

ишларини бажаришнинг асосий усуллари ва объект қурилишини бошқариш тузилмаси белгиланади;

ишларни бажариш лойиҳаси — қурилиш-монтаж ишлари технологиясини, бажариш муддатлари ва ресурслар билан таъминлаш тартибини белгилаб берувчи лойиҳа бўлиб, бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмларини қуришга доир ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий раҳбарлик ҳужжати сифатида хизмат қилади.

3-боб. Муаллифлик назорати

3. Буюртмачи хизмати қурилиш ишлари бўйича муаллифлик назоратини (кейинги ўринларда — муаллифлик назорати) шаҳарсозлик ҳужжатини ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан қурилиш ишлари бутун даври давомида амалга оширилишини таъминлайди. Бунда шаҳарсозлик ҳужжатини ишлаб чиқувчи қурилишда муаллифлик назоратини юритиш бўйича ўз ваколатини бошқа лицензияланган шаҳарсозлик ҳужжатини ишлаб чиқувчига шартнома асосида топшириши мумкин.

4. Буюртмачи хизмати мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, объект қурилиши тегишлилиги бўйича объект жойлашган ҳудуддаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар лойиҳачи ташкилот билан объект қурилиши бўйича муаллифлик назорати олиб бориш тўғрисида шартнома тузиши шарт.

Башарти муаллифлик назорати олиб бориш бўйича шартнома тузилмасдан объектда қурилиш ишлари бошланганлиги аниқланса, буюртмачи хизмати ва пудратчи ташкилот амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5. Муаллифлик назоратини амалга ошириш қиймати қурилиш объектининг мураккаблик, хавфлилик даражалари ва объектга бориш мунтазамлигидан келиб чиқиб ҳисобланади ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш шартномаси таркибида кўзда тутилади.

6. Муаллифлик назорати олиб боришга лойиҳачи ташкилот томонидан шаҳарсозлик фаолияти соҳасида махсус маълумотга, камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган ва белгиланган тартибда сертификатланган мутахассис (лойиҳачи) тайинланади.

7. Муаллифлик назорати бўйича мутахассис:

шартномага асосан тасдиқланадиган календарь режалар, режа-жадваллар ёки шу каби бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган муддатларда, шунингдек, буюртмачининг чақируви билан ўзаро келишилган муддатларда қурилиш объектига ташриф буюради;

қурилиш объектида пудратчи ташкилот масъул ходимларининг лойиҳада назарда тутилган талаблар билан таништирганлигини расмийлаштириб боради;

объектнинг технологик, меъморий-қурилиш ва бошқа техник ечимлари ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичлари тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган ечимлар ва кўрсаткичларга мувофиқлигини текширади;

бино ва иншоотларни қуриш бўйича ишларнинг ишчи чизмаларда кўзда тутилган лойиҳа ечимлари ва технологияга (шу жумладан, қурилишни ташкил этиш лойиҳаларига) риоя қилиниши, қурилиш-монтаж ишлари ҳамда технологик ва бошқа турдаги ускуналарни монтаж қилиш ишларининг сифатини текширади;

қурилиш иштирокчилари томонидан ёнғинга қарши ва портлаш хавфсизлиги тадбирлари, атроф-муҳит ва экологияни муҳофаза қилиш талаблари, антисейсмик тадбирлар, ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси талаблари ва бошқа талабларга риоя қилинишини текширади;

муаллифлик назорати дафтарида қайд этилган кўрсатмаларнинг буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади;

айрим муҳим конструкцияларни (кўприкларнинг таянчлари ва оралик қурилмалари, аркалар, гумбазлар, тиргак деворлар, тутиб турувчи металл ва темир-бетон конструкциялар ва бошқа элементлар) қабул қилишда, кейинги ишлар ва конструкциялар билан бириктириладиган ва сифати қурилаётган бино ва иншоотнинг мустаҳкамлиги билан боғлиқ асосий ишларни техник назорат бўйича мутахассиснинг кўрикдан ўтказиш далолатномаларини тузишда иштирок этади;

қурилишда давлат стандартларига, техник шартларга ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган конструкциялар, деталлар, буюмлар, қурилиш материаллари ва ускуналарни қўллашни тақиқлайди;

объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича пудратчи ташкилотнинг ички назоратини ташкил этилганлигини, шунингдек, ички назорат бўйича мутахассис белгиланган тартибда сертификатланганлигини текширади;

муаллифлик назорати дафтари юритади, унда аниқланган қурилиш пайтидаги лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг қурилиш ва монтаж ишларини бажаришга доир талабларининг бузилиши, уларни бартараф этиш муддатларини кўрсатади;

лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, тасдиқлаш ва қайта тасдиқлашни, экспертиза хулосаси ва пудратчи ташкилотларнинг таклифлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритишни ташкил этишда ўрнатилган тартибда иштирок этади;

қурилиш объектларида барча шахарсозлик нормалари ва қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, авария ҳолатлари ва аварияларни бартараф этиш ишлари натижалари тўғрисида қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясига хабар беради;

бино ва иншоотларнинг конструкциялари ишончлилигига ва зилзила-бардошлилигига таъсир кўрсатувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатлар аниқланганда, қурилиш-монтаж ишларини тўхта-тиб туради ва қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясини бу ҳақда хабардор қилади;

муаллифлик назорати дафтарига тасдиқланган лойиҳа ечимларидан

чекланиш ҳолатлари тўғрисида буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзувларни киритади;

объектлар тайёрлигига қараб, пудратчи ташкилот вакиллари иштирокида бино ва иншоотлар конструкциялари, кўприклар таянч устунлари, оралик қурилмалари, ҳажмли иншоотлар, кўтариб турувчи металл, темир бетон конструкциялари ва бошқаларни масъулларнинг оралик қабул қилишларини текширади;

ваколатли органлар томонидан объектларда ўтказиладиган текшириш ва назорат тадбирларида иштирок этади;

қурилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан буюртмачи ва пудратчи ташкилотнинг назорат бўйича мутахассисларига ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар беради.

8. Муаллифлик назорати бўйича мутахассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

пудратчи ташкилотдан муаллифлик назорати журналини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва юритиш учун талаб қилиш;

тегишли органларга қурилиш-монтаж ишларининг мунтазам равишда сифатсиз бажарилишига йўл қўйган ёки лойиҳа ечимларига ўзбошимчалик билан ўзгартиришлар киритган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш;

қурилиш таннархини камайтириш, сифатини ошириш, давомийлигини қисқартириш ва объектлар бўйича қурилиш ишларини бажариш технологияларини такомиллаштириш тўғрисида таклифлар киритиш;

пудратчи ташкилотдан қурилиш ишларининг қатъий лойиҳа бўйича ва материалларга қўйиладиган меъёрий талаблар ва ишлар технологиясига мувофиқ бажарилишини талаб қилиш;

иш журналларига ва бошқа ижро ҳужжатларда аниқланган лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиқиш ҳолатларини қайд этиш;

зарур ҳолларда камчиликлар бартараф этилгунга қадар қурилиш ишларини вақтинча тўхтатиб қўйиш;

яшаш ва ишлаш хоналари, транспорт, алоқа воситалари ҳамда зарур жиҳозлар ва асбоблар билан таъминлаш.

9. Муаллифлик назоратини олиб бориш учун лойиҳачи ташкилот томонидан муаллифлик назорати журнали тайёрланади, ҳар бир бети рақамланади, лойиҳачи ташкилот ва буюртмачининг масъул шахслари томонидан имзоланади ва муҳрланади.

Расмийлаштирилган муаллифлик назорати журнали буюртмачи томонидан бош пудратчи ташкилотга объектда қурилиш ишлари якунига етгунга қадар сақлаш учун топширилади. Лойиҳа ташкилотида журналнинг иккинчи нусхаси сақланади.

Объект фойдаланишга қабул қилингандан сўнг бош пудратчи ташкилот муаллифлик назорати журналини сақлаш учун буюртмачи хизматига топшириши шарт.

10. Пудратчи ташкилот ва буюртмачи хизмати муаллифлик назоратини олиб бораётган лойиҳачи ташкилот томонидан қайд этган муаллифлик

назорати журналига кўрсатмаларни бажариш ҳамда ижроси тўғрисида қайдларни киритиши шарт.

11. Муаллифлик назорати бўйича мутахассислар уч йилда камида бир маротаба Қурилиш вазирлиги шаҳарсозлик фаолияти соҳасида малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, билимлари текширилиши ва тегишли сертификат олишлари шарт.

4-боб. Техник назорат

12. Буюртмачи хизматининг қурилиш ишлари устидан техник назорати (кейинги ўринларда — техник назорат) буюртмачи хизмати томонидан қурилиш ишлари бутун даври давомида амалга оширилади.

13. Техник назорат буюртмачи хизматида доимий фаолият олиб боровчи (ёки шартнома асосида жалб қилинган) ва ташкилот раҳбари буйруғи билан қурилиш объектига бириктирилган, сертификат олган мутахассис томонидан амалга оширилади.

14. Техник назоратни олиб боришга дипломи бўйича шаҳарсозлик фаолияти соҳасида олий маълумотли мутахассисликка эга бўлган ва камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган, сертификат олган мутахассис тайинланади.

15. Техник назорат бўйича мутахассис мажбуриятлари:

Бирламчи рухсат берувчи ҳужжатларни (ер ажратиш, муҳандислик тармоқларига уланиш техник шартлари, архитектура-режалаштириш топшириғи, лойиҳалаштириш топшириғи) тайёрлашда иштирок этиш;

қурилиш объектларини қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтказишда иштирок этиш;

қурилиш объекти учун ер танлаш ва ажратиш бўйича комиссия ишида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қурилиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорлари ва ҳужжатларини расмийлаштириш, ўрнатилган тартибда пудратчи ташкилотларга топширишда иштирок этиш;

тасдиқланган лойиҳа — смета ҳужжатларини, муҳандислик коммуникация тармоқларига уланиш, улардан фойдаланиш ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни пудрат ташкилотига топширилишини таъминлаш;

пудратчи ташкилотларга электр узатиш ҳаво тармоқлари, алоқа тармоқлари зонасида, темир йўл учун ажратилган минтақада, қурилиш майдончасидаги ер ости ва усти коммуникациялари ўтган жойларда ишларни бажариш учун рухсатномаларни топшириш;

пудратчи ташкилотларга қурилиш даврида қурилишни ташкил этиш лойиҳасига мувофиқ мавжуд электр энергияси манбаларидан, табиий газ, ичимлик сув, иссиқликдан фойдаланиш учун рухсатномалар топшириш;

бош пудратчи ташкилотга дарахтларни ўтказиш, буташ ва кесиш учун рухсатномалар топшириш;

қурилиш объектидаги қурилмалар ва мавжуд коммуникацияларни кўчиришга доир юридик ва техник ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва қурилиш ташкилотига топширишда иштирок этиш;

қурилиши тугалланган объектлар бўйича зарур ҳужжатларни пудратчи ташкилот билан биргаликда умумлаштириш ва уларни давлат қабул комиссиясига тақдим этиш;

қурилиши тугалланган объектлар бўйича барча ижро ҳужжатларини ўрнатилган тартибда фойдаланувчи ташкилотларга топширишни ташкил этиш.

16. Техник назорат бўйича мутахассис ваколатлари:

қурилиш жараёнида геодезия ишларини назорат қилиш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, тасдиқлаш ва қайта тасдиқлашни, шунингдек, экспертиза хулосаси ва пудратчи ташкилотларнинг таклифлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритишни ташкил этишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа ечимларида конструкциялар, ускуналар, материаллар ва ўрнатиладиган жиҳозларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, стандартлар, техник шартлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш;

иншоотлар асосий ўқларининг жойида геодезик тўғри белгиланганлиги, улар реперлар ва координаталар билан маҳкамланганлигини назорат қилиш;

қурилишда фойдаланиладиган конструкциялар, ускуналар ва материалларни (техник паспортлар, сертификатлар, лаборатория синовлари натижалари ва бошқалар) сифат гувоҳномаси ҳужжатлари мавжудлигини текшириш;

стандартлар талабларига, техник шартлар, сертификатларга мос келмайдиган материаллар, конструкциялар, буюмлар ва ускуналарни нуқсон далолатномалари билан расмийлаштириш ва уларнинг объектда ишлатилишини тақиқлаш;

пудратчи ташкилотлар томонидан қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ташиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, ташиш қоидаларининг бузилишини, материаллар ва буюмлар бузилиши ва сифатининг пасайишига олиб келадиган тарзда сақланишини тақиқлаш;

пудратчи ташкилотларнинг масъул мутахассислари билан бажарилган ишлар ва конструктив элементлар сифати ва ҳажми, ишлаб чиқаришни ташкил этишда ишлар кетма-кетлигини, ёпиқ ишлар далолатномаси расмийлаштирилгунга қадар келгуси ишларни олиб боришни тақиқлаш талаблари бажарилганлигини кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш;

объектлар тайёрлигига қараб, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар вакиллари иштирокида бино ва иншоотлар конструкциялари, кўприклар таянч устунлари ва оралиқ қурилмалари, ҳажмли иншоотлар, кўтариб турувчи металл ва темир бетон конструкциялар ва бошқаларни масъулларнинг оралиқ қабул қилишларини текшириш;

олиб келинган ускуналарнинг ўрнатилишини ташкил этиш, ўрнатиш сифатини баҳолаш, комплекс синаб кўриш ва қабул қилишнинг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини ва ҳолатини текшириш;

бажарилган ва тўловга тақдим қилинган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ва сифати тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

қабул қилинган ва тўлови амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, пудратчи ташкилотлар томонидан сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ва нуқсонларни бартараф этиш ва қайта ишлов бериш ишлари ҳажми ва қиймати ҳисобини юритиш;

бирламчи ижро техник ҳужжатларни, уларга қурилиш-монтаж ишларини олиб боришда аниқланган камчиликлар ва нуқсонлардан келиб чиқиб киритилган ўзгартиришлар мавжудлиги ва тўғри юритилишини назорат қилиш;

бирламчи ижро ҳужжатларининг (жумладан, умумий ва махсус иш журналлари, монтаж қилинган конструкциялар ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун ижро схемалари) мавжудлиги ва уларнинг пудратчи ташкилот томонидан тўғри юритилишини назорат қилиш, иш журналларига сифатсиз бажарилган конструктив элементлар ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш технологияларининг бузилиши тўғрисида йўл қўйилган нуқсонлар бартараф этилишини талаб қилган ҳолда қайд этиб бориш;

муаллифлик назорати ва қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг кўрсатма ва ёзма кўрсатмалари, шунингдек, буюртмачи техник назорати талабларининг пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

алоҳида конструкциялар ва узеллар, қурилиш-монтаж ишлари турларини, жиҳоз ва механизмлар сифатини уларни қабул қилиш жараёнида ишчи комиссиялар билан бирга текшириш;

ўз ваколати доирасида мусодара қилинадиган объектлар, бино ва иншоотларни кўриқдан ўтказиш, бино ва иншоотлар қурилишини вақтинча тўхтатиб туриш ёки мусодара қилишга ҳужжатларни расмийлаштириш, шунингдек, пудратчи ташкилотларга ишларни давом эттириш учун қайта топшириш жараёнида объектлар ҳолатини баҳолаш;

ваколатли органлар томонидан объектларда ўтказиладиган текшириш ва назорат тадбирларида иштирок этиш;

қурилиш объектларида барча шахарсозлик нормалари ва қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, авария ҳолатлари ва аварияларни бартараф этиш ишлари натижалари тўғрисида қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясига хабар бериш;

бино ва иншоотларнинг конструкциялари ишончилигига ва зилзилабардошлилигига таъсир кўрсатувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳолатлар аниқланганда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясини бу ҳақда хабардор қилиш;

объектларда қурилиш-монтаж ишлари сифатининг мунтазам техник назоратини олиб бориш;

қурилиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан пудратчи ташкилотларга ва лойиҳачи ташкилотларнинг муаллифлик

назорати мутахассисларига ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

буюртмачи хизмати буйруғига асосан унга юкланган қурилиш объекти билан боғлиқ бошқа вазифалар доирасида бажариладиган ишлар.

17. Техник назорат бўйича мутахассис қуйидаги ҳуқуқларга эга:

объектлар қурилиши бўйича пудратчи ташкилотлар томонидан камчиликларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш ва бу каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан пудратчи ташкилотнинг ички назорати ташкил этилганлигини, ички назорат бўйича мутахассисга белгиланган тартибда сертификат берилганлигини текшириш;

пудратчи ташкилотдан қурилиш ишларининг қатъий лойиҳа бўйича ва материалларга қўйиладиган меъёрий талаблар ва ишлар технологиясига мувофиқ бажарилишини талаб қилиш;

иш журналларига ва бошқа ижро ҳужжатларга аниқланган лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиқиш ҳолатларини қайд этиш;

зарур ҳолларда камчиликлар бартараф этилгунга қадар қурилиш ишларини вақтинча тўхтатиб қўйиш;

лойиҳадан ва меъёрий талаблардан четга чиққан ҳолда бажарилган ишларга ҳақ тўлаш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолашдан бош тортиш;

қурилиш-монтаж ишлари ижрочилари техник назорат талабларидан норози бўлган ҳолларда, пудратчи ташкилот ва буюртмачининг юқори ташкилотларига белгиланган тартибда шикоят билан мурожаат қилиш.

18. Техник назорат бўйича мутахассиснинг асосий иш жойи бўйича назорати остидаги объектлар қурилишини бажараётган ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади.

19. Объектлар қурилиш ишлари бўйича техник назорат олиб бориш учун масъул мутахассисларга иш тажрибаси, уларга бириктирилган объектлар сифатли ва муддатида топширилганлиги, қурилиш жараёнида бартараф этилган хато ва камчиликлар, соҳавий малакаси ва бошқа мезонлар асосида Қурилиш вазирлиги томонидан малака тоифаси белгиланади ва буюртмачи хизмати томонидан уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда тоифага қараб ўсиб боровчи рағбатлантирувчи коэффициент қўлланилади.

20. Техник назорат бўйича мутахассислар уч йилда камида бир марта Қурилиш вазирлиги томонидан шаҳарсозлик фаолияти соҳасида малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, билимлари текширилиши ва тегишли гувоҳнома берилиши шарт.

5-боб. Яқуний қоидалар

21. Техник ва муаллифлик назорати белгиланган тартибда таъминламаганлиги учун тегишли равишда буюртмачи хизмати ва лойиҳачи ташкилот раҳбарлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

22. Ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги ёки бажарма-

ганлиги учун техник назорат ва муаллифлик назорати ходимлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

23. Ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида содир этилган ҳуқуқбузарликлари учун техник назорат ва муаллифлик назорати ходимлари амалдаги қонунчиликка асосан жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига
4-ИЛОВА

Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом молиялаштириш манбаидан қатъи назар қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартибини белгилайди ва қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказишда мажбурий ҳисобланади.

2. Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича лицензияга эга бўлган ва қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш учун аккредитация қилинган, шаҳарсозлик соҳасида камида уч йиллик тажрибага эга бўлган юридик шахслар, тижорат банклари ҳамда бошқа ваколатли органлар қурилишда назорат ўлчовини ўтказиш ҳуқуқига эга ташкилотлар (кейинги ўринларда — ваколатли ташкилот) ҳисобланади.

Қурилиш объектларида ваколатли ташкилот томонидан назорат ўлчовини ўтказиш шаҳарсозлик соҳасида сертификатланган мутахассисларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

3. Ваколатли ташкилот ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиладилар.

4. Назорат ўлчови қурилиш объектидаги ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмини аниқлаш мақсадида объект фойдаланишга топширилгандан ва/ёки қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг ҳамда бошқа ҳолатларда пудрат шартномасига асосан қуйидаги асосларга мувофиқ ўтказилади:

буюртмачи хизмати, назорат органлари ёки бошқа манфаатдор органлар талабига;

пудратчи ташкилот ташаббусига;

буюртмачи хизмати ва пудратчи ташкилот ўзаро келишувига асосан.

5. Назорат ўлчови қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

назорат органлари фаолиятининг қонунийлиги, ҳолислиги ва ошқоралиги;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмаслик.

2-боб. Назорат ўлчовини ўтказиш тартиби

6. Ваколатли ташкилот белгилаган тартибда танланиб, шартнома тузилгандан сўнг назорат ўлчовини ўтказишнинг шартномавий қиймати танлов натижалари якунига ёки томонлар келишувига кўра аниқланади ҳамда ташаббускор томонидан маблағ билан таъминланади.

7. Назорат ўлчови ўтказишда иштирок этиш учун буюртмачи хизматининг техник назорат бўйича мутахассиси, лойиҳачи ташкилотнинг муаллифлик назорати бўйича мутахассиси ва пудратчи ташкилотнинг масъул мутахассислари жалб қилинади. Ушбу мутахассислар иштирокининг асосиз таъминланмаслиги назорат ўлчовини ўтказмасликка сабаб бўлмайди.

8. Назорат ўлчовини ўтказиш, қоида тариқасида, шартнома асосида аванс маблағлари ўтказилгандан сўнг бошланади.

9. Ваколатли ташкилот назорат ўлчовини ўтказиш объекти манзили ва муддатини аниқ кўрсатган ҳолда тегишли ташкилотларни (буюртмачи, пудрат ташкилоти, лойиҳа ташкилоти ва объектдан фойдаланувчини) назорат ўлчови бошланишидан ўн кун олдин хабардор қилади.

10. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, назорат ўлчови ўтказишда қурилиш объектларининг смета ҳужжатларида иш турларини ҳисоблашда меъёрлар асосида қўлланилган бир бирлик одам/соат ва машина/соат учун ҳақиқатда (қурилиш ишлари технологияси ва хусусиятига таъсир этган ҳолатлардан ташқари) бажарилган ишларга асословчи ҳужжатлар талаб қилиш тақиқланади.

11. Назорат ўлчови натижаси тегишли далолатнома билан 3 нусхада расмийлаштирилади ва назорат ўлчовини ўтказиш бўйича манфаатдор ташкилот, пудратчи ташкилотда ва ваколатли ташкилотда бир нусхадан сақланади.

12. Далолатномада қуйидагилар кўрсатиб ўтилиши шарт:

қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотлар (жумладан, объект номи, манзили, қурилишга асос, буюртмачи хизмати, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар реквизитлари, лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий экспертиза ҳулосаси, пудратчи ташкилотни белгилаш бўйича асос, пудрат шартномаси саналари ва рақамлари ва шу кабилар);

қурилиш объектида пудрат шартномасига асосан белгиланган иш ҳажмлари ва назорат ўлчови натижасида аниқланган ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмлари миқдори ҳамда ҳар бир иш тури бўйича фарқи;

аниқланган камчиликларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асоси;

лойиҳа ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар ва уларни расмийлаштиришда белгиланган талабга риоя этилиши.

Далолатномага ташаббускор талаблари асосида ва объект хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа маълумотларни ҳам киритиши мумкин.

13. Далолатнома ваколатли ташкилот раҳбари, мутахассиси, буюртмачи хизматининг раҳбари, бош муҳандиси, техник назорат бўйича мутахассиси, лойиҳачи ташкилот раҳбари ва муаллифлик назорати бўйича мутахассиси ҳамда пудратчи ташкилот раҳбари, масъул мутахассислари, шунингдек, буюртмачи хизмати талабига биноан қурилиш объекти бўйича жалб қилинган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

14. Қурилиш объекти ўрнатилган тартибда фойдаланишга топширилиб, кафолат муддати тугагандан сўнг назорат ўлчови ўтказиш тақиқланади.

Кафолат муддатидан сўнг объект билан боғлиқ форс-мажор, давлат ва жамиятга зарар етказадиган ҳамда бошқа шу каби ҳолатларда назорат ўлчовлари ўтказилиши мумкин.

3-боб. Назорат ўлчовини ўтказиш бўйича мутахассис вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

15. Назорат ўлчовини ўтказиш бўйича мутахассис (кейинги ўринларда — назоратчи):

қурилиш объекти бўйича тайёрланган шаҳарсозликка оид ҳужжатлар ва ҳисоботлар тўлиқ ва тўғрилигини текширади;

қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган физик иш ҳажмларни лойиҳа ҳужжатлари, оферта ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура асосида ўлчовдан ўтказади;

назорат ўлчови натижасига кўра пудрат шартномаси асосида лойиҳа ҳужжатларида, офертада ва ҳисоботларда назарда тутилган иш турларининг ҳақиқатда бажарилганлигини иш турлари бўйича аниқлайди;

назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмларида лойиҳадан четга чиқиш ҳолатларини кўрсатиб беради;

қурилиш объектларида қурилиш материалларининг ҳажмини, калькуляциясини, техник параметрларини ва сифатини буюртмачи ва пудратчи ташкилот ўртасида ўзаро расмий келишув, пудрат шартномаси, оферта, лойиҳа ҳужжатлари ва ҳисоботлар асосида қўлланилганлигини текширади;

ҳақиқатда бажарилиб, ҳисоботларда акс эттирилган асбоб-ускуналар ва коммуникация тизимларининг синовдан ўтказилганлигини текширади;

назорат ўлчови натижаларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳисоботларда арифметик хатоларнинг мавжудлиги ва бошқа ҳисоб-китобларни текширади.

16. Назоратчи ҳуқуқлари:

назорат ўлчови ўтказилаётган қурилиш объекти билан боғлиқ ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш;

назорат ўлчови ўтказилаётган объект қурилиши билан боғлиқ бўлган

маълумотларнинг тўғрилигини текшириб бериш учун тегишли вазирликлар ва идораларга сўровларни юбориш;

вазирликлар ва идоралардан фаолият билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тушунтиришлар сўраш;

махсус билим ва кўникмага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш; аниқланган тизимли камчиликларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга асослантирилган таклифларни киритиш.

17. Назоратчи назорат ўлчовини амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри ўтказилганлигига ҳамда назорат ўлчови натижасига кўра аниқланган камчиликлар, ҳисоб-китоблар ва далолатномани қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тўғри расмийлаштирилганлигига жавобгар ҳисобланади.

18. Қурилиш объектида миқдорни аниқлаш ва ўлчаш мураккаб бўлган конструкциялар ҳақиқатда бажарилган ишларнинг ишчи чизмалари ва таснифлари билан мувофиқлигини текшириш асосида тасдиқлашни мумкин.

Бунда қурилишда бажарилган ишларнинг ҳажмлари ва таркибини асослайдиган мавжуд бирламчи ҳужжатлардан, шу жумладан, бажарилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда буюртмачи ва лойиҳачи ташкилот билан мувофиқлаштирилган ижро чизмаларидан фойдаланилади.

19. Бажарилган ёпиқ ишларнинг ҳажмларини текшириш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ёпиқ ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари ҳамда ижро чизмалари асосида амалга оширилади.

Объект қурилиши бўйича далолатномалар мавжуд бўлмаган тақдирда, зарур ҳолларда назоратчи бош пудратчи ҳисобидан қилинган ишларни очиқ текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

20. Объектларда бузиш ва демонтаж ишлари бўйича назорат ўлчови улар бўйича тақдим қилинган далолатномаларга асосан қурилишнинг техник ҳолати, фойдаланишда бўлган қирим қилинган қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

21. Объектларда бажарилган қурилиш-монтаж ишлари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида расмийлаштирилмаган тақдирда, улар ҳақиқатда бажарилмаган деб ҳисобланади.

4-боб. Назорат ўлчовини ўтказишда шахарсозлик субъектлари манфаатлари

22. Назорат ўлчови ўтказилаётган объект бўйича буюртмачи хизмати ва пудратчи ташкилот мансабдор шахслари назорат ўлчовини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга мажбурдирлар.

23. Назоратчи томонидан буюртмачи хизмати ва пудратчи ташкилотга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганда, буюртмачи хизмати ва пудратчи ташкилот назоратчининг юқори турувчи органига ва (ёки) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга ҳақли.

24. Назорат ўлчови ўтказишда шахарсозлик субъектлари томонидан мустақил экспертлар жалб қилиниши мумкин.

25. Назорат ўлчовини ўтказишда шахарсозлик субъектлари манфаатлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

26. Назорат ўлчовини ўтказувчи юридик шахснинг ваколатлари доирасидаги кўрсатма ва тақдимномаларини бажармаслик, унга маълумот тақдим этмаслик ёхуд била туриб нотўғри маълумотларни тақдим этиш, ҳар қандай шаклдаги таъсир кўрсатиш қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

27. Назорат ўлчови натижалари бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 321-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2003 й., 9-сон, 83-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 12 майдаги 226-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2004 й., 19-сон, 222-модда) илованинг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2009 йил 15 октябрдаги 274-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2009 й., 43-сон, 456-модда) илованинг 2-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2014 й., 10-сон, 105-модда; 2017 й., 26-сон, 589-модда, 36-сон, 951-модда) 1-илованинг 14-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш ишларини ва экспертизадан ўтказишни такомиллаштиришга доир қўшим-

ча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2016 й., 1-сон, 6-модда) 3-банди ва 4-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда унга 5 ва 5а-иловалар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2017 й., 19-сон, 345-модда, 25-сон, 542-модда) 1-илованинг 66-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2017 йил 7 июлдаги 472-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ 2017 й., 28-сон, 649-модда) 1-илованинг 9-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 25 декабрдаги 1019-сон қарорига илованинг 12-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 январдаги 34-сон қарорига 1-илованинг 19-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2018 йил 13 мартдаги 197-сон қарорига 1-илованинг 2-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 26 мартдаги 254-сон қарорига 1-илованинг 3-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги 961-сон қарорига илованинг 2-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 19 декабрдаги 1014-сон қарорига илованинг 48-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2020 йил 14 декабрда 777-сон қарорига 1-илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**282** Мажбурий рақамли маркировкаланиши лозим бўлган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мажбурий рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, айрим турдаги маҳсулотларнинг янги тоифаларини рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг айрим турдаги маҳсулотлар янги тоифаларини рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба лойиҳаларини (кейинги ўринларда — тажриба лойиҳалари) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Мажбурий рақамли маркировкалаш жорий этиладиган ҳамда тажриба лойиҳалари амалга ошириладиган айрим турдаги маҳсулотлар рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

Рақамли маркировкалашни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва дастурий таъминотлар билан жиҳозланадиган тадбиркорлик субъектлари — тажриба лойиҳаси иштирокчилари рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 3-иловага мувофиқ;

Сув ва салқин ичимликларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 4-иловага мувофиқ;

Маиший техникаларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 5-иловага мувофиқ;

Айрим турдаги маҳсулотлар янги тоифаларини рақамли маркировкалаш механизмларини ишлаб чиқиш тажриба лойиҳасини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси («Йўл харитаси») 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектларининг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида ихтиёрий иштирок этиши уларни қонунчиликда белгиланган ишлаб чиқариш ва мажбурий маркировкалаш талабларига риоя этишдан озод этмайди;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 майда эълон қилинган.

** 1-2, 6-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мажбурий рақамли маркировкаладиган маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кейинчалик товар айланмасининг барча босқичларини кузатиш тўғрисидаги маълумотлар «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизимида (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ) жамланади ва қайта ишланади.

4. Тажриба лойиҳаларни амалга ошириш даврида «CRPT TURON» масъулияти чекланган жамиятга (кейинги ўринларда — «Asl belgisi» МАТ оператори) қуйидаги вазифалар юклансин:

тажриба лойиҳаларида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларига маркировкалаш кодларини бепул тарзда тақдим этиш;

мазкур қарорга 2-иловада келтирилган тажриба лойиҳаси иштирокчилари — тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатаётган битта ишлаб чиқариш линиясида маҳсулотларни рақамли маркировкалаш учун зарур бўлган ускуналарни ва дастурий таъминотни ўз маблағлари ҳисобидан ўрнатиш ва созлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тажриба лойиҳаларини амалга ошириш даврида:

тажриба лойиҳалари ишга туширилишини ва келгусида мониторинг юритилишини, методик қўллаб-қувватланишини, шунингдек, тажриба лойиҳалари иштирокчилари — тадбиркорлик субъектлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишини;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали тажриба лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан кенг камровли тушунтириш ва маслаҳат ишлари олиб борилишини;

тадбиркорлик субъектлари — тажриба лойиҳалари иштирокчилари томонидан мазкур қарор билан тасдиқланган вақтинчалик низомлар талабларига риоя этилиши назорат қилинишини таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тажриба лойиҳалари амалга оширилишига фаол кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат марказига тажриба лойиҳаларида иштирок этувчи, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатдан ўтказиш ва гувоҳнома олиш учун мурожаат қилувчи тадбиркорлик субъектларининг аризасига мувофиқ улардан йиғим ундирмасдан, маҳсулотларнинг бирламчи ва иккиламчи қадоқларидаги рангли схемаларга оид маълумотлар ўзгартирилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатига асосан уларни белгиланган тартибда зарур телекоммуникация хизматлари билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасида айрим турдаги маҳсулотларни рақамли маркировкалаш меха-

низмларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш бўйича тажриба лойиҳалари бошланганлиги ҳақида хорижий давлатлар хабардор қилинишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Қудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 май,
322-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига
З-ИЛОВА

Дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисида ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низоми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш бўйича тажриба лойиҳасини ўтказиш тартибини (кейинги ўринларда — тажриба лойиҳаси) шунингдек, маркировка кодларини тақдим этиш ва маркировкалашни амалга оширишда ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳамда тажриба лойиҳасини иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Тажриба лойиҳасининг мақсадлари:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш ҳамда кузатиб бориш механизмларининг тўлиқлиги, самарадорлиги ва етарлилигини баҳолаш учун:

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинганларининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ноқонуний олиб киришга (импорт қилиш), ишлаб чиқариш (шу жумладан, контрафакт маҳсулотларни) ва айланмасига қарши курашиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган дори воситалари ва

тиббий буюмларни олиб кириш (импорт қилиш), ишлаб чиқариш ва айланмадан чиқариш схемаларидан фойдаланишни тақиқлаш мақсадида дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчиларининг ўзаро алоқасини таъминлаш;

рақамли идентификациялаш воситалари билан белгиланган дори воситалари ва тиббий буюмларни олиб кириш (импорт қилиш), ишлаб чиқариш ва айланмасини ҳисобга олиш тартибини стандартлаштириш ва унификация қилиш;

б) дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалашга ўтишни мақсадга мувофиқлиги ва кетма-кетлигини аниқлаш.

3. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тажриба лойиҳаси — дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳаси;

ММК МАТ — «Asl belgisi» маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатилиши бўйича миллий ахборот тизими;

оператор — «CRPT TURON» масъулияти чекланган жамият ММК МАТни яратиш, эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатишни, шу жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рақамли ёрлиғи ва изланишини таъминлаш учун зарур бўлган барча таркибий қисмларни ўрнатиш ва созлашни амалга оширади;

дори воситалари (ДВ) — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш, шунингдек, одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори моддалари (субстанциялар) ва ёрдамчи моддалар асосида олинган воситалар, дори моддалари (субстанциялар), дори препаратлари;

дори препаратлари (ДП) — дозаланган, идишга жойланган — ўралган, қўлланилиш учун тайёр дори воситалари;

дори моддалари (субстанциялар) — фармакологик, иммунологик ёки метаболик фаолликка эга бўлган ёхуд ташхис қўйиш мақсади учун фойдаланиладиган, тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик моддалар;

тиббий буюмлар — касалликлар профилактикаси, уларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун, шунингдек, одам организмнинг ҳолати ва функцияларини ўзгартириш учун тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган буюмлар;

серия — бир ёки бир қатор кетма-кет технологик жараёнларда маҳсулот бир хиллигини кутиш мумкин бўлган тарзда қайта ишланадиган маълум миқдордаги хом ашё, ўрамлаш материаллари ва маҳсулотлар;

партия рақами — доривор маҳсулотнинг партиясини аниқ аниқлашга ва ишлаб чиқариш ва бошқариш операцияларининг тўлиқ кетма-кетлигини аниқлашга имкон берадиган рақамли, алифбо ёки ҳарфий-рақамли белги;

сақлаш муддати — доривор препарат дори воситаларининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мос келадиган барча талабларга тўлиқ жавоб бериши керак бўлган давр;

дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати — ушбу вақтинчалик низомга 2-иловага* мувофиқ тажриба лойиҳаси доирасида рақамли маркировкаланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар;

дори воситалари ва тиббий буюмларни олиб кириш (импорт қилиш) — дори воситалари ва тиббий буюмларни эркин муомалага чиқариш (импорт) учун божхона режимига ёки реимпорт божхона режимига жойлаштириш мақсадида уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш — ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сифат назорати қоидаларига мувофиқ тўлиқ технологик цикл бўйича ёки унинг алоҳида босқичларида ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмларни серияли ишлаб чиқариш;

дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш — дорихоналар томонидан дори воситаларини ва тиббий буюмларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фойдаланишга рухсат берилган дори моддаларидан (субстанциялардан) тайёрлаш;

дори воситалари ва тиббий буюмлар улгуржи савдоси — лицензияда кўрсатилган манзил (манзиллар) бўйича омордан дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳажмини чекламаган тарзда тарқатиш;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдоси — дорихоналар ва уларнинг филиаллари томонидан савдо майдончаси ва назорат-касса техникаси билан жиҳозланган стационар биноларда амалга ошириладиган дори воситаларини ва тиббий буюмларни сотиш;

дори воситалари ва тиббий буюмларни муомалага киритиш — дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — товарларни бундай шахсга бегоналаштириш ёки кейинчалик сотиш учун уни ишлаб чиқарувчидан янги эгасига ёки бошқа шахсга бирламчи пуллик ёки бепул бериш, уни тарқатиш ва (ёки) фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида — божхона органлари томонидан товарларни эркин муомалага (импортга) ёки реимпортга чиқариш;

дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласи — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш (импорт қилиш), дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқиш, сақлаш, ташиш, қабул қилиш ва топшириш, шу жумладан, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш ва реализация қилиш (сотиш);

дори воситалари ва тиббий буюмларни муомаладан чиқариш — охириги истеъмолчига (юридик шахсларга, яқка тартибдаги тадбиркорларга, жисмоний шахсларга) дори воситаларини ва тиббий буюмларни сотиш, дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш (зарар етказиш, йўқотиш), дори воситалари ва тиббий буюмларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарида сотиш (экспорт қилиш), намуна олиш, тиб-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бий ёрдам кўрсатишда дори воситалари ва тиббий буюмлардан фойдаланиш;

дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси билан шуғулланувчи юридик шахслар;

маҳсулотни рақамли маркировкалаш — ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ рақамли идентификация воситаларини маҳсулотга ёки унинг ўрамларига ёки бошқа моддий ташувчига елимлаш;

рақамли идентификация воситалари — маҳсулотга ёки унинг ўрамланишига ёки бошқа моддий ташувчига татбиқ этиш учун мўлжалланган икки ўлчовли штрих-код шаклида тақдим этилган машинада ўқиладиган шаклда маркировка коди;

маркировка коди — товарларнинг ҳар бир бирлигини идентификациялаш мақсадида тузилган идентификация коди ва тасдиқлаш коди тўплами;

идентификация коди — маҳсулот кодини ва маҳсулот рақамини ўз ичига олган рамзий кетма-кетлик;

хавфсизлик коди — идентификация коди асосида тақлид қўшиш режимида оператор томонидан шаклландиган ва идентификация коднинг сохталаштирилганлигини аниқлашга имкон берадиган рамзий кетма-кетлик;

маҳсулот коди — товар айланмаси иштирокчилари томонидан GS1 Ўзбекистон ассоциациясининг ахборот ресурсида тавсифланганда маҳсулотга ва/ёки товар гуруҳига берилган логистик бирликларнинг бухгалтерия коди;

МСТ — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолияти турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарларнинг, ишларнинг, хизматларнинг) статистик таснифи;

ТИФ ТН коди — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг маҳсулот номенклатураси;

сериялаш — оператор томонидан маркировка кодларини яратиш жараёни;

буюртмаларни бошқариш станцияси (ББС) — товар айланмаси иштирокчиси ва ММК МАТ ўртасида ахборот алмашинуви учун мўлжалланган ва товар айланмаси иштирокчиси томонидан маркировка кодларини олиш ва идентификация воситалари орқали товарларни маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни ММК МАТга узатиш учун фойдаланиладиган дастурий таъминот воситаси;

дори воситалари ва тиббий буюмларни кузатиб бориш — ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари томонидан ММК МАТда рўйхатдан ўтган маълумотлар асосида дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасини таҳлил қилиш;

бирламчи (ички) ўрам — дори воситаси ёки тиббий буюм билан бевосита алоқада бўлган контейнер ёки ўрам;

иккиламчи (ташқи) ўрам — бирламчи (ички) ўрамда дори воситаси ёки тиббий буюмни ўз ичига олган дори воситаси ёки тиббий буюмнинг контейнери ёки ўрами;

истеъмол ўрами — пировард истеъмолчига сотиш учун мўлжалланган дори воситасининг ёки тиббий буюмларнинг иккиламчи (ташқи) ўрами, у бўлмаган тақдирда, бирламчи (ички) ўрам;

транспорт ўрами — дори воситаларини ёки тиббий буюмларни бирламчи ёки иккиламчи ўрамларнинг, ихтиёрий тўпламларини бирлаштириш, сақлаш ва ташиш, шунингдек, жойини ўзгартиришда уни шикастланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун мўлжалланган ва мустақил транспорт бирлигини ҳосил қиладиган ўрам;

агрегирлаш — идентификация қилиш кодлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ маълумотларни сақлаб қолиш орқали истеъмол ўрамларини транспорт ўрамига, шунингдек, транспорт ўрамларини кейинги босқичдаги транспорт ўрамига киритилган ва яратиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг айланма занжири бўйлаб ҳаракатини транспорт ўрамини очишга эҳтиёж қолдирмасдан кузатиб боришни таъминлаш.

Агрегирлаш ҳар қандай даражадаги киритиш имкониятига эга:

биринчи даражали агрегирлаш — истеъмол ўрамларини биринчи даражали транспорт ўрамига, масалан, қутига бирлаштириш;

иккинчи ва ундан кейинги даражаларни агрегирлаш — транспорт ўрамларини юқори даражадаги бошқа транспорт ўрамига, масалан, палет ёки контейнерга бирлаштириш;

агрегирланган божхона коди — оператор томонидан шакллантириладиган, маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан маҳсулотларни божхона декларациясидан ўтказишда қўлланилувчи рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида қоидаларга мувофиқликда маҳсулотларни идентификациялаш мақсадлари учун агрегирлаш жараёнида маҳсулотларни бирлаштирувчи, ўзи билан ҳар бир маҳсулотнинг идентификациялаш кодларини, жумладан, ўрамнинг идентификациялаш кодлари бирлаштирилишини тақдим этувчи маҳсулотларнинг алоҳида мажмуаси учун белгиларнинг ноёб кетма-кетлиги;

шахсий кабинет — тажриба лойиҳа иштирокчисига тақдим этилган ММК МАТнинг махсус ахборот хизмати;

каталог — рақамли маркировкаланган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни каталоглаштириш ва сақлаш учун ишлатиладиган ММК МАТнинг қўйи тизими;

иштирокчилар рўйхати — тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг рўйхати;

ИБ регистри — идентификация қилиш воситаларининг рўйхати;

электрон ҳужжат (ЭҲ) — электрон ҳужжат тафсилотларига эга бўлган, уни аниқлашга имкон берадиган электрон шаклда қайд этилган маълумотлар;

электрон ҳисобварақ — фактура (ЭҲФ) — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилувчи, электрон ҳисобварақ-фактуралар айланмаси тизими операторлари орқали чиқарилувчи ва олинувчи маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишини ва харид қилинишини тасдиқловчи электрон ҳужжат (жумладан, қўшимча ҳисобварақ-фактура ва тўғриланган ҳисобварақ-фактура);

назорат-касса техникаси — фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал хотирадаги маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек, фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

фискал маълумотлар оператори — онлайн тартибда фискал маълумотларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ва сақланишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» давлат унитар корхонаси;

хизмат кўрсатувчи «сервис» провайдер — маҳсулотлар айланмаси иштирокчисининг топшириғи бўйича маркировкалаш кодининг идентификациялаш воситасига ўзгартирилишини ва идентификациялаш воситасининг истеъмол ўрамига ва (ёки) гуруҳланган ўрамига ва (ёки) ёрликқа ва (ёки) стикерга оператор томонидан тақдим этилувчи дистрибуциянинг, нашрнинг ва валидациянинг дастурий-аппарат мажмуасини қўллаш билан туширилишини ҳамда идентификациялаш воситаларининг валидациясини амалга оширувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор.

4. Тажриба лойиҳасининг иштирокчилари:

а) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (Қўмита);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Соғлиқни сақлаш вазирлиги);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика саноатини ривожлантириш агентлиги (Агентлик);

б) дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари, шу жумладан;

ишлаб чиқарувчилар;

импорт қилувчилар;

улгуржи савдо корхоналари;

чакана савдо корхоналари;

тиббиёт ташкилотлари ва бирлашмалари;

в) «SRPT TURON» МЧЖ — ММК МАТ оператори;

г) фискал маълумотлар оператори;

д) электрон ҳисоб-фактураларнинг роуминг оператори.

5. Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари ихтиёрий равишда тажриба лойиҳасида қатнашадилар. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари операторга ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловада* келтирилган намуна бўйича тўлдирилган тажриба лойиҳада иштирок этиш учун аризани тақдим этадилар. Иштирок этиш учун аризаларни қабул қилиш тажриба лойиҳасини бошлаш билан чекланмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг рақамли маркировкаланиши ва кузатиб борилиши ушбу Вақтинчалик низомга 3-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

7. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчиси қўйидаги шартларни таъминлайди:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар:

ташкilotнинг амалдаги раҳбари номига расмийлаштирилган электрон рақамли имзо (ишончномасиз имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) мавжудлиги (рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг хорижий эгалари учун электрон рақамли имзо мавжудлиги зарур эмас);

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сақлаш бўйича ишлар олиб бориладиган ишлаб чиқариш майдончаларида ва омборларда, ММК МАТга уланиш ва электрон ҳужжат алмашиш учун Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш нуқталари мавжудлиги;

ММК МАТ билан ўзаро алоқа учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни яратиш ва қабул қилиш имконига эга бўлган компьютер тизимининг мавжудлиги (шу жумладан, маркировка кодларини бериш юзасидан сўровни яратиш, маркировка кодларини олиш, маркировка кодларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни расмийлаштириш, электрон ҳисобварақларни яратиш);

дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалашни таъминлаш учун зарур бўлган маркировкалаш ускуналари ва дастурий таъминотнинг мавжудлиги (шу жумладан, маркировка кодларини рақамли идентификация воситаларига айлантириш ва уларни елимлаш), шунингдек, уларнинг кейинчалик ММК МАТга уланиши;

фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия мавжудлиги;

б) дори воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси корхоналари:

ташкilotнинг амалдаги раҳбари номига берилган электрон рақамли имзо (ишончномасиз имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) мавжудлиги;

дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва сотиш бўйича фаолият олиб бориладиган омборлар ва савдо биноларида, ММК МАТга уланиш ва электрон ҳужжат алмашиш учун Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш нуқталари мавжудлиги;

ММК МАТ билан ўзаро алоқа учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни яратиш ва қабул қилиш имконига эга бўлган компьютер тизимининг мавжудлиги (шу жумладан, электрон ҳисоб-фактуралар билан ишлашда);

Назорат-касса техникасига уланган рақамли идентификациялаш воситаларини сканерлаш ва таниб олиш ускуналари мавжудлиги (чакана савдо корхоналари учун);

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги;

в) тиббиёт ташкилотлари:

ташкилотнинг амалдаги раҳбари номига берилган электрон рақамли имзо (ишончномасиз имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлган шахс) мавжудлиги;

тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тадбирлар олиб бориладиган биноларда, ММК МАТга уланиш ва электрон ҳужжатлар алмашиш учун Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш нуқталарининг мавжудлиги;

ММК МАТ билан ўзаро алоқа учун зарур бўлган электрон ҳужжатларни яратиш ва қабул қилиш имконига эга бўлган компьютер тизимининг мавжудлиги (шу жумладан, электрон ҳисоб-фактуралар билан ишлашда);

дори воситалари ва тиббий буюмлар тиббий мақсадларда фойдаланиш сабабли айланмадан олиб қўйилишини қайд этиш учун махсус (мобил) дастур ўрнатиш учун мўлжалланган мобил қурилма.

3-боб. Маълумотни рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва аниқлаштириш, шунингдек, иштирокчини тажриба лойиҳасидан четлаштириш

8. Иштирокчилар рўйхатига киритиш учун тажриба лойиҳасида иштирок этиш истагини билдирган дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасининг иштирокчиси ММК МАТ расмий веб-сайтида қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган аризани шакллантиради:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи ва (ёки) импорт қилувчи:

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг номи;

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг СТИРи;

дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш ва сақлаш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган ишлаб чиқариш майдонлари ва омборларнинг манзили (манзиллари);

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами;

фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

б) дори воситалари ва тиббий буюмларнинг улгуржи ва чакана савдоси корхоналари:

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг номи;

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг СТИРи;

дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва реализация қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган омбор ва чакана биноларнинг манзили (манзиллари);

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами;

фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар;

дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчилари аризада қўшимча бошқа маълумотларни кўрсатишга ҳақлидир;

в) тиббиёт ташкилотлари:

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг номи;

тажриба лойиҳаси иштирокчисининг СТИРи;

дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш ва реализация қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган омбор ва чакана биноларнинг манзили (манзиллари);

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами;

фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тўғрисидаги маълумотлар.

9. Агар ариза ушбу Вақтинчалик низомнинг 8-бандига мос келадиган бўлса, оператор реал вақт режимида:

дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчисини иштирокчилар реестрига киритади;

дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасининг иштирокчиси учун шахсий ҳисоб рақамни очади;

дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасидаги иштирокчини иштирокчилар реестрига киритилганлиги ва шахсий кабинет очилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Хабарномада иштирокчилар реестрида дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасининг иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларга берилган рўйхатга олиш рақамлари кўрсатилади.

10. Тажриба лойиҳаси иштирокчиси ўзининг шахсий кабинетидан унинг номидан электрон ҳужжатларни имзолаш ва (ёки) уларни ММК МАТга юбориш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ушбу шахсларнинг электрон рақамли имзо сертификатлари шакллари яратади ва иштирокчилар реестрида қайд этади.

11. Дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси субъектини тажриба лойиҳасининг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос ушбу Вақтинчалик низомнинг 8-бандида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маълумотларнинг кўрсатилиши, зарур маълумотлар тақдим этилмаслиги ва (ёки) оператор тажриба лойиҳаси иштирокчисини рўйхатдан ўтказишга тўсқинлик қиладиган маълумотларни олиши деб ҳисобланади.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчиси судгача (даъво тартибидан) ёки судда рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

12. Иштирокчилар реестридаги маълумотлар ушбу Вақтинчалик низомда белгиланган дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасида қатнашувчини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда ўзгартирилади.

13. Оператор дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчисини ўзининг шахсий кабинети орқали тақдим этилган аризасига биноан бундай ариза берилганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида иштирокчилар реестридан чиқариб ташлайди.

14. Фармацевтика фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар Агентлик томонидан операторга реал вақт режимида тақдим этилади. Ахборот алмашиш протоколи оператор ва Агентлик томонидан Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади.

**4-боб. Дори воситаси ёки тиббий буюм ҳақида
маълумотларни рўйхатдан ўтказиш**

15. Дори воситалари ёки тиббий буюмлар тўғрисидаги маълумотларни маҳсулотлар каталогига киритиш учун дори воситалари ёки тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчиси ёки импорт қилувчиси қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган дори воситалари ёки тиббий буюмларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида ММК МАТга аризани шакллантиради:

маҳсулот коди (GTIN);

МСТ коди;

ТИФ ТН коди;

GTIN коди (GS1 коди);

дори воситаси ёки тиббий буюмнинг рўйхатга олиш рақами;

дори воситасининг патентланмаган халқаро номи;

дори воситаси ёки тиббий буюмнинг савдо номи;

дори воситаси ёки тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи мамлакат;

дори воситасини ёки тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчининг номи;

дозалаш шакли;

фармакотерапевтик гуруҳ;

Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатига киритиш;

дори воситаси ёки тиббий буюмнинг ўрами тури;

истеъмол ўрамидаги бирламчи (ички) ёки иккиламчи (ташқи) ўрамлар сони (истеъмол ўрами учун);

транспорт ўрамидаги истеъмол ўрамлари сони (транспорт ўрамлари);

ўрам фотосурати (олдинги кўриниш, орқа кўриниш).

Дори воситалари ёки тиббий буюмларни маҳсулот каталогига рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатига оператор томонидан тажриба лойиҳасини амалга ошириш жараёнида аниқлик киритилиши мумкин.

16. Агар аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Вақтинчалик низомнинг 15-бандида белгиланган талабларга жавоб берса, Оператор ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида:

дори воситалари ёки тиббий буюмлар ҳақидаги маълумотларни текширишни (модерация қилишни) амалга оширади;

тажриба лойиҳаси иштирокчисига дори воситалари ёки тиббий буюмлар ҳақидаги маълумотларни текшириш (модерация) натижалари тўғрисида хабар беради;

дори воситалари ёки тиббий буюмларни маҳсулот каталогига киритади.

17. Дори воситалари ёки тиббий буюмлар маҳсулот каталогига киритилиши оператор томонидан маҳсулотнинг карточкасида ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи электрон рақамли имзо билан имзолангандан сўнг амалга оширилади.

18. Дори воситалари ёки тиббий буюмлар тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот каталогига ўзгартириш ва ушбу маълумотларни маҳсулот каталогидан чиқариш маҳсулот каталогига маълумот киритиш билан бир хил кетма-кетликда амалга оширилади.

19. Дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномалар ҳақидаги маълумотлар операторга Агентлик томонидан реал вақт режимида такдим этилади. Ахборот алмашиш протоколи оператор ва Агентлик томонидан Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланади.

5-боб. Маркировкакаш кодига киритилган маълумотларнинг таркиби, истеъмолчиларга дори воситалари ва тиббий буюмларни ўрамлашда идентификация воситаларини шакллантириш ва қўллаш

20. Дори воситалари ва тиббий буюмларни маркировкакаш GS1 DataMatrix кўринишидаги икки ўлчовли штрих-код шаклида истеъмол маҳсулотида рақамли идентификациялаш воситасини (маркировкакаш кодини машинада ўқиладиган шаклда) шакллантириш ва қўллаш орқали амалга оширилади.

21. Рақамли идентификация қилиш воситаси оператор томонидан яратиладиган маркировкакаш кодини ва 4 та гуруҳ маълумотини ўз ичига олади, улардан биринчи ва иккинчи гуруҳ истеъмол маҳсулотининг идентификация кодини, учинчи ва тўртинчи гуруҳ эса текшириш кодини шакллантиради:

маълумотларнинг биринчи гуруҳи — олдинги идентификатори (01) бўлиб, 14 та рақамли белгидан иборат бўлган савдо бирлигининг глобал идентификациялаш рақами;

маълумотларнинг иккинчи гуруҳи — олдинги идентификатори (21) бўлиб, 13 та рақамли белги ёки ҳарфли-рақамли кетма-кетликдан (лотин алифбосида) иборат савдо бирлигининг индивидуал серия рақами. Ушбу гуруҳ маълумотлари учун ASCII белгилар жадвалида 29 кодли белги мавжуд бўлган махсус ажратувчи белги, тугатувчи белги сифатида қўлланилиши лозим.

маълумотларнинг учинчи гуруҳи — 4 та белгидан иборат (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) текшириш калитининг идентификатори (индивидуал тартиб рақами) ва дастур қўллаш коди билан идентификацияланади (91);

маълумотларнинг тўртинчи гуруҳи — 44 та белгидан (рақамлар, лотин алифбосининг кичик ва катта ҳарфлари, шунингдек, махсус белгилар) иборат текшириш коди ва қўллаш коди билан идентификацияланади (92).

Маълумотлар гуруҳлари биринчисидан тўртинчисигача кетма-кет жойлаштирилиши керак.

22. Маркировка кодими рақамли идентификация қилиш воситасига айлантириш тажриба лойиҳаси иштирокчиси — истеъмолчилар ўрамларини шакллантирувчи дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи томонидан амалга оширилади.

23. Рақамли идентификациялаш воситалари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ИСО/МЭК 16022:2006 халқаро стандартига мувофиқлиги «Ахборот технологиялари. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Data Matrix штрих-кодинг симбологияси» (ISO/IEC 16022:2006 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Data Matrix bar code symbology specification»);

хатоларни аниқлаш ва тузатиш функцияси DataMatrix ECC 200 га тенг ёки ундан яхшироқ;

ASCII кодлашдан фойдаланиш;

истеъмол маҳсулоти ва гуруҳ ўрами учун камида 0,255 миллиметрли, транспорт ўрами учун — камида 2 миллиметрли модул қўлланилади;

рақамли идентификаторнинг тахмин қилиш эҳтимоли жуда кам бўлиши, яъни барча ҳолларда 10000 дан 1 дан кам бўлиши керак;

идентификация кодида, текширув кодида ва текширув калитининг идентификаторида фойдаланишга рухсат берилган белгилар ABCDEFGHIJKLMNOPQRSTUVWXYZabcdefghijklmnopqrstuvwxyz0123456789!%&'*+./_.,:;<>? қаторида келтирилган.

6-боб. Дори воситалари ва тиббий буюмларни маркировкалаш қоидалари

24. Дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчилари дори воситалари ва тиббий буюмларни мустақил равишда маркировкалайди ва рақамли идентификация воситаларини елимлаш тўғрисидаги маълумотларни ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ ММК МАТга тақдим этадилар.

25. Тажриба лойиҳасини амалга ошириш даврида оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиларига — дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилари ва импортёрларга қуйидагиларни тақдим этади:

маркировкалаш кодларини буюртма қилиш ва қабул қилиш учун маркировкалаш ускуналари ва дастурий таъминоти, маркировкалаш кодларини рақамли идентификация воситаларига айлантириш, рақамли идентификация воситаларини истеъмол ўрамларида елимлаш ва елимланган рақамли идентификация воситалари тўғрисида маълумотни ММК МАТга юбориш.

буюртмаларни бошқариш станцияси — ММК МАТ билан маълумот алмашиш учун зарур бўлган дастурий-аппарат комплекси, шу жумладан, буюртма бериш ва маркировкалаш кодларини олиш.

26. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш қуйидаги тарзда амалга оширилади:

рақамли идентификация воситалари типографик усулда тайёрланган

махсус белгиланган майдонда омборга жўнатишдан олдин тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш линиясида елимланади (ўлчами камида 10*10 миллиметр);

рақамли идентификациялаш воситаларининг ўлчами ва жойлашиши истеъмом ўрамларини очишга ҳожат қолдирмасдан маълумотларни йиғиш терминаллари, махсус (мобил) дастурлар, лазерли сканерларни ўз ичига олган рақамли идентификация воситаларини бевосита визуал кўриш ва тўғри ўқиш имкониятини таъминлаши керак;

рақамли идентификация қилиш воситаси дори воситаси ёки тиббий буюмнинг бутун яроқлилик муддати давомида рақамли идентификациялаш воситасини истеъмом ўрамларидан ажратиб олишга имкон бермайдиган усулда елимланади;

рақамли идентификация воситалари шаффоф плёнкада ёки бошқа ҳар қандай ташқи ўраш материалида босилмаслиги ва бошқа маълумотлар билан қопланмаслиги керак;

рақамли идентификация қилиш воситаси истеъмом ўрамларига, маълумотларнинг яхлитлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бузилмайдиган қилиб жойлаштирилиши керак.

27. Рақамли идентификациялаш воситаларини елимлаш усулини танлашда ўрамлаш материали ва ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган маркировкалаш ускуналари борасида чекловлар йўқ.

7-боб. Дори воситалари ва тиббий буюмларни рақамли маркировкалаш учун маркировка кодларини тақдим этиш

28. Рақамли идентификация қилиш орқали маҳсулотларни маркировкалаш мақсадида маҳсулот айланмасининг иштирокчиси операторга маркировкалаш кодларини олиш учун ариза юборади. Ушбу аризалар буюртмаларни бошқариш станциясидан фойдаланган ҳолда маҳсулот айланмаси иштирокчиси томонидан электрон шаклда юборилади.

29. Белгилаш кодларини олиш учун ариза қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

маҳсулот коди тайинланган дори ёки тиббий асбоб маҳсулот каталогига киритилганида;

талаб қилинган маркалаш кодлари сони.

30. Агар аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Вақтинчалик низом билан белгиланган талабларга жавоб берса, оператор кўрсатилган аризани рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб 4 соатдан кечиктирмай:

керакли микдордаги маркалаш кодларини сериялаштиради;

буюртмаларни бошқариш станцияси орқали тажриба лойиҳаси иштирокчисига маркировкалаш кодларини тақдим этади;

чиқарилган белги кодлари тўғрисидаги маълумотларни ИВ рўйхатига киритади.

31. Тажриба лойиҳаси иштирокчиси — дори воситалари ва тиббий

буюмларни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маркировка кодларини олгандан сўнг:

а) маркировкакаш кодларини рақамли идентификация воситаларига айлантириш ва улар истеъмолчиларнинг ўрамлашига татбиқ этилишини таъминлайди;

б) буюртмаларни бошқариш станцияси орқали маркировкакаш кодларини қўллаш тўғрисидаги маълумотларни ММК МАТга юборди (кўрсатилган маълумотлар электрон шаклда юборилади):

маҳсулотни маркировкакаш санаси ва вақти;

рақамли идентификация қўлланиладиган воситалар рўйхати.

32. Оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиси — дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчидан рақамли идентификациялаш воситалари елимланиши тўғрисида маълумотларни олгандан сўнг, реал вақт режимида тегишли маркировка кодларининг ҳолатлари ИВ реестрида акс эттирилишини ҳамда ушбу маълумотлар тажриба лойиҳаси иштирокчиларига тақдим этилишини таъминлайди.

8-боб. Дори воситалари ва тиббий буюмларни агрегирлаш, тажриба лойиҳаси доирасида улар айланмасини кузатиш

33. Дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасининг иштирокчиси дори воситалари ва тиббий буюмларни транспорт ўрамига агрегирлаш жараёнини, импорт қилинган тақдирда — агрегирланган божхона коддини яратиш жараёнини амалга оширади.

ММК МАТга транспорт ўрами ёки агрегирланган божхона коди тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ММК МАТ маълумотларига кўра бундай транспорт ўрами ёки агрегирланган божхона кодида мавжуд бўлган агрегирланган истеъмол ва транспорт ўрамлари тўғрисидаги маълумотларни узатишга тенг ҳисобланади.

ММК МАТда транспорт ўрами ёки агрегация божхона коди ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш ММК МАТга кўра, бундай транспорт ўрами ёки агрегация божхона кодида жойлашган истеъмол ва транспорт ўрами ҳақидаги маълумотларни узатишга тенг деб ҳисобланади.

34. Агрегирлаш тартиб-таомилини амалга ошириш учун маҳсулот айланмасининг иштирокчиси бирлашма тўғрисидаги маълумотларни ММК МАТга электрон шаклда киритади:

а) истеъмол пакетларини транспорт ўрамларига йиғиш операциясини бажариш натижаси:

йиғиш тартибини амалга оширган маҳсулот айланмаси иштирокчисининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

бирлаштирилган истеъмол пакетлари сони;

тўпланган истеъмол пакетлари учун идентификация кодлари;

ҳосил қилинган транспорт пакетининг идентификация коди;

б) транспорт ўрамларини кейинги даражадаги транспорт ўрамларига агрегирлаш жараёнини бажариш натижаси:

йиғиш тартибини амалга оширган маҳсулот айланмаси иштирокчисининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

йиғилган транспорт пакетлари сони;

йиғилган транспорт пакетлари учун идентификация кодлари;

хосил қилинган транспорт пакетининг идентификация коди;

в) йиғиш божхона кодини шакллантириш операциясининг натижаси:

йиғиш тартибини амалга оширган маҳсулот айланмаси иштирокчисининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

истеъмолчилар ва транспорт пакетлари учун идентификация кодлари.

35. Транспорт ўрамининг идентификациялаш коди бир ўлчамли штрих код кўринишида Давлатлараро ГОСТ ISO 15394-2013 «Ўрам. Юклар жўнатиш, транспортда ташиш ва қабул қилиш учун ёрликларда штрих коднинг чизиқли белгилари ва икки ўлчамли белгилар. Умумий талаблар» стандартига мувофиқ тақдим этилади (ISO 15394:2009 «Packaging — Bar code and two-dimensional symbols for shipping, transport and receiving labels»).

36. Операцияларни амалга оширадиган маҳсулот айланмасининг иштирокчилари транспорт воситаси ичида маҳсулотларни олиб қўйиш ва (ёки) ўтказиш тўғрисида ММК МАТга қўйидаги маълумотлар электрон шаклда юборди:

олиб чиқиш, топшириш операциясини амалга оширган маҳсулот айланмаси иштирокчисининг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

ўзгартириладиган истеъмолчилар ёки транспорт пакетлари учун идентификация кодлари рўйхати;

трансформация операциялари тури (ўтказиш, олиб қўйиш).

37. Истеъмол маҳсулотларини бошқа транспорт пакетига ўтказишда ўтказилаётган маҳсулотларнинг тегишли идентификация кодлари рўйхати, шунингдек, ушбу транспорт ўтказилган транспорт пакетининг идентификация коди кўрсатилади.

38. Оператор реал вақт режимида маҳсулотларни йиғиш, олиб қўйиш ва (ёки) ўтказиш тўғрисида маълумот олганидан сўнг уларнинг ИВ реестрида акс эттирилишини таъминлайди.

39. Тажриба лойиҳасида иштирок этадиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомалага киритилиши ва айланиши мониторинги оператор томонидан ММК МАТ орқали амалга оширилади.

40. Дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаласи иштирокчилари ўртасида дори воситалари ва тиббий буюмларни ўтказиш (қабул қилиш) пайтида дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмасининг кузатилиши:

сотишни (жўнатишни) амалга оширадиган маҳсулот айланмасининг иштирокчиси сотилган (жўнатилган) транспорт воситаларининг дори воситалари ва тиббий буюмларни идентификациялаш воситаларини текширади ва тан олади ва маҳсулотларни сотиш тўғрисида электрон ҳисоб-фактура (ЭҲФ) шаклида хабарнома ишлаб чиқаради маҳсулотлар жўнатилган (топширилган) кундан бошлаб 3 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида электрон рақамли имзо билан имзолайди;

маҳсулотни сотиб олувчи (қабул қилувчи) маҳсулот айланмаси ишти-

рокчиси маҳсулот тўлиқ қабул қилинган тақдирда, маҳсулотни реализация қилиш тўғрисидаги хабарномани ўзининг электрон рақамли имзоси билан 3 иш кундан кўп бўлмаган муддатда, электрон ҳисоб-фактура шаклида 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда, ушбу маҳсулотни қабул қилган кундан бошлаб, жумладан, учинчи шахсларга топширган кундан кеч бўлмаган муддатда имзолайди;

электрон ҳисоб-фактураларнинг роуминг оператори реал вақт режимида ММК МАТга маҳсулотларнинг сотилиши тўғрисидаги барча хабарномаларни (электрон ҳисоб-китоб шаклида) юборади;

маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан имзоланган маҳсулотларни реализация қилиш тўғрисидаги хабарнома (электрон ҳисоб-фактура шаклида) олинганда, оператор реал вақт режимида ММК МАТда маҳсулот айланмасининг битта иштирокчиси томонидан маҳсулотларни бошқа иштирокчига топшириш фактини акс эттиради.

9-боб. Дори воситалари ва тиббий буюмларни муомалага киритиш, уларни муомаладан чиқариш ва жараённи назорат қилиш

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббий буюмларни муомалага чиқариш қўйидагича амалга оширилади:

а) ишлаб чиқарувчи маҳсулотларни сотиш тўғрисида электрон ҳисоб-фактура (ЭХФ) шаклида хабарномани ишлаб чиқади, маҳсулотлар жўнатилган (топширилган) кундан бошлаб 3 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида электрон рақамли имзо билан имзолайди;

б) маҳсулотларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан сотиб оладиган (қабул қиладиган) маҳсулот айланмаси иштирокчиси ўз электрон рақамли имзоси билан маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги хабарномани имзолайди;

в) электрон ҳисоб-фактураларнинг роуминг оператори реал вақт режимида ММК МАТга маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги барча хабарномаларни (электрон ҳисоб-фактура шаклида) юборади;

г) маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан имзоланган маҳсулотларни сотиш тўғрисидаги билдиришнома (электрон ҳисоб-фактура шаклида) тақдим этилгандан сўнг оператор реал вақт режимида дори воситалари ва тиббий буюмлар муомаладан чиқарилганлигини ММК МАТда акс эттиради.

42. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) дори воситалари ва тиббий буюмларни муомалага чиқариш қўйидагича амалга оширилади:

а) тажриба лойиҳасининг иштирокчиси — дори воситалари ва тиббий буюмлар импортёри импорт қилинадиган маҳсулотларни эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режими остида жойлаштиради;

б) тажриба лойиҳаси иштирокчиси эркин муомалага (импортга) чиқариш ёки реимпорт қилиш мақсадида юк божхона декларациясини рўйхат-

дан ўтган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай ММК МАТГа қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон шаклда олиб кириш (импорт) тўғрисида хабарномани юборади:

эркин айланмага (импортга) чиқариш мақсадида божхона органи томонидан қабул қилинган юк божхона декларациясининг маълумотлари;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар пакетларининг идентификация кодлари ёки йиғма божхона коди тўғрисидаги маълумотлар;

в) Олиб кириш (импорт) тўғрисидаги хабарнома олингандан сўнг оператор реал вақт режимида ММК МАТДа рақамли идентификация воситаси айланмага киритилганлигини акс эттиради.

43. Дори воситалари ва тиббий буюмларни муомаладан чиқариш мақсадида:

а) дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда:

маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширадиган маҳсулот айланмасининг иштирокчиси, ўрнатилган ва рўйхатдан ўтган назорат-касса техникаси билан боғлиқ бўлган техник воситалар (назорат-касса техникаларни сканерлаш воситалари ёки алоҳида ўрнатилган сканерлаш ускуналари) ёрдамида рақамли идентификациялаш воситаларини сканер қилади ва ўқийди;

фискал маълумотлар оператори реал вақт режимида ММК МАТГа ҳар бир сотилган маҳсулот бирлиги тўғрисидаги маълумотларни узатади (электрон фискал ҳужжат шаклида);

маҳсулотларнинг чакана савдоси тўғрисида хабарнома (электрон фискал ҳужжат шаклида) олинганидан сўнг оператор реал вақтда рақамли идентификация қилиш воситаси муомаладан чиқарилганлигини ММК МАТДа акс эттиради;

б) тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори воситалари ва тиббий буюмлардан фойдаланилган тақдирда:

тиббий ёрдам хизматларини кўрсатувчи тиббий ташкилоти рақамли идентификациялаш воситасини маркировкалаш кодларининг айланмадан чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун маълумотни юборишни таъминловчи усқунанинг махсус (мобил) ўрнатилган мобил иловаси ёрдамида сканерлайди ва танийди;

ушбу мақсадда тиббий ёрдам кўрсатилиши сабабли дори воситасини ёки тиббий буюмни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотларни олгандан сўнг оператор реал вақтда рақамли идентификация қилиш воситасини муомаладан олиб қўйиш фактини ММК МАТДа акс эттиради;

в) бошқа сабабларга кўра (зарар, ўғирлик, яроқлилик муддати ва ҳ.к.) дори воситалари ва тиббий буюмларни ҳисобдан чиқаришда:

дори воситалари ёки тиббий буюмларни ҳисобдан чиқарадиган маҳсулот айланмасининг иштирокчиси ташлаб юборилган дори пакетларидаги рақамли идентификациялаш воситаларини текширади ва танийди;

ҳар бир ҳисобдан чиқарилган маҳсулот бирлиги, шу жумладан, айланмадан олиб қўйилган идентификация кодлари, айланмадан чиқариш сабаб-

лари, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини йўқ қилиш (ҳисобдан чиқариш) тўғрисидаги дастлабки ҳужжат реквизитларини ўз ичига олган ҳар бир маҳсулот бирлиги тўғрисидаги электрон маълумот ММК МАТга ўтказилишини амалга оширади;

бошқа сабабларга кўра дори воситасини ёки тиббий буюмни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги маълумотларни олгандан сўнг оператор реал вақтда рақамли идентификация воситасининг муомаладан чиқарилиши фактини ММК МАТда акс эттиради.

44. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг мониторинги истеъмолчилар томонидан махсус (мобил) дастур орқали истеъмол маҳсулотига қўлланиладиган рақамли идентификация воситасини сканерлаш орқали амалга оширилади.

Махсус (мобил) дастур ишлаб чиқилади ва оператор томонидан тарқатилади.

45. Оператор истеъмолчига маҳсулот каталогига киритилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ўрамланиши, унинг ҳозирги ҳолати, шунингдек, ишлаб чиқарилган санаси ва жойи тўғрисида маълумот берилишини таъминлайди.

46. Истеъмолчи сотиб олинган дори маҳсулотлари ёки тиббий буюмлар тўғрисида оператордан олинган ҳақиқий маълумотлар билан нотўғри маълумотларни аниқласа, истеъмолчи «Asl belgisi» ва «Soliq» мобил дастурлари орқали ММК МАТга хабарнома юборади.

ММК МАТ ушбу хабарномани қабул қилиб, қайд этилган ҳолатлар юзасидан чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун расмий маълумотларни белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Қўми-тага юборади.

10-боб. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг ахборот алмашинувини таъминлаш

47. Тажриба лойиҳасини амалга ошириш доирасида оператор қуйидаги функцияларни бажаради:

тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг реестрини юритиш;

маҳсулотлар каталогини юритиш;

ИБ реестрини юритиш;

тажриба лойиҳаси иштирокчиларига ММК МАТ маълумотларини тақдим этиш (тижорат ва бошқа қонун билан ҳимояланган сирларни тарқатишда чекловлар ҳисобга олинган ҳолда);

истеъмолчиларга дори воситалари ва тиббий буюмлар ва уларнинг ММК МАТдаги ҳолати тўғрисида маълумот бериш.

48. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг оператор билан ўзаро алоқаси электрон ҳужжатларни, шу жумладан, электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳужжатларни алмашиш орқали амалга оширилади.

49. Электрон ҳужжатларни алмашиш ММК МАТ орқали алоқа каналлари ёрдамида ҳамда шахсий кабинет орқали ҳам амалга оширилади.

50. Электрон ҳужжатларга киритилган маълумотларнинг, шу жумладан, шахсий кабинетда яратилган маълумотларнинг мувофиқлиги автоматик равишда ММК МАТ ёрдамида текширилади.

51. Агар ММК МАТга нотўғри маълумотларга эга бўлган электрон ҳужжат тақдим этилган тақдирда, оператор аниқланган номувофиқликларни кўрсатган ҳолда дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчисига ҳамда белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Қўмига хабарнома юборади.

52. Агар ММК МАТга тўғри маълумотларга эга бўлган электрон ҳужжат тақдим этилган тақдирда, оператор дори воситалари ва тиббий буюмлар айланмаси иштирокчисига маълумотларнинг ММК МАТга киритилганлиги тўғрисида хабарнома юборади.

53. ММК МАТга узатиладиган электрон ҳужжатларнинг форматлари оператор томонидан ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги оператор расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Вази́рлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Сув ва салқин ичимликларни рақамли маркировкаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга ошириш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган идишда қадоқланган сув ва салқин ичимликларни (кейинги ўринларда — маҳсулотлар) рақамли маркировкаш ва кейинчалик кузатиб бориш тажриба лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба лойиҳаси) амалга ошириш тартибини, шунингдек, маркировка кодларини тақдим этиш ва маркировкашни амалга оширишда ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳамда тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Тажриба лойиҳасининг мақсадлари:

а) Рақамли идентификациялаш ва кузатиб бориш воситалари ёрдамида маркировкаш механизмнинг самардорлиги, натижадорлиги, тўлиқлиги ва етарли даражада эканлигини синаш орқали:

маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашдан;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулотларнинг ноқонуний олиб кирилишига, ишлаб чиқарилишига ва айланмасига қарши курашиш;

маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасида

қонунчиликда назарда тутилмаган схемалардан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида маҳсулот айланмаси иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини таъминлашдан;

б) маҳсулот айланмасини ҳисобга олиш тартибларини стандартлаш ва унификация қилишдан иборат.

3. Ушбу Вақтинчалик низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

тажриба лойиҳаси — идентификациялаш воситалари ёрдамида маҳсулотни маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳаси;

маҳсулотлар — ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловада* белгиланган сув ва салқин ичимликлар;

оператор — «CRPT TURON» масъулияти чекланган жамият ММК МАТни яратиш, эксплуатация қилиш ва унга техник хизмат кўрсатишни, шу жумладан, рақамли маркировкалаш ва кузатиб боришни таъминлаш учун зарур бўлган барча таркибий қисмларни ўрнатишни ва созлашни амалга оширувчи;

ММК МАТ — «Asl belgisi» маҳсулотларни рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича миллий ахборот тизими;

маҳсулот айланмаси мониторинги — ММК МАТда маҳсулот айланмаси субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказилган маълумотлар асосида маҳсулотларнинг айланмаси ва ишлаб чиқарилишини таҳлил қилиш;

маҳсулотни маркировкалаш — маҳсулотларга истеъмол ва (ёки) гуруҳланган қадоққа рақамли идентификациялаш воситаларини елимлаш ва уларнинг ММК МАТга киритилиши тўғрисида ишончли маълумотларни тақдим этиш;

рақамли идентификациялаш воситалари (ИВ) — икки ўлчовли штрих-код кўринишидаги ускунада ўқиладиган шаклда маркировкалаш коди;

маҳсулот коди — ахборот ресурсида маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан тавсифланган маҳсулот гуруҳига берилган ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот турини белгилайдиган, «GSI Uzbekistan» ассоциациясининг тегишли маҳсулот номенклатурасига мувофиқ логистика бирликларини ҳисобга олиш коди;

идентификация коди — маҳсулот намунаси рақамини ўз ичига олган рамзий кетма-кетлик;

текшириш коди — тақлид режимида идентификация коди ва маҳсулот коди маълумотлари асосида оператор томонидан шаклландиган рамзий кетма-кетлик;

маркировкалаш коди — идентификация ва текшириш кодлари тўплами;

маҳсулотларнинг истеъмол қадоғи — якуний истеъмолчига сотишга ёки маҳсулотларни бирламчи қадоқлашга мўлжалланган қадоқ;

маҳсулотларнинг гуруҳланган қадоғи — полимер плёнка ёки қоғозга ўралган ёки қоғоз лентага ўралган истеъмол қадоқларининг маъ-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лум сонини бирлаштирадиган қадок. Гуруҳланган қадокларни охириги истеъмолчига реализация қилишга рухсат этилади;

маҳсулотларнинг транспорт қадоғи — жойдан жойга кўчиришда маҳсулотни шикастланишдан ҳимоялаш учун унинг сақланиши ва транспортда ташишда қўлланиладиган ва мустақил транспорт бирлигини ҳосил қилувчи, қадокланган истеъмол ёки гуруҳланган қадокда, шунингдек, транспорт қадоғида маҳсулотларни бирлаштирувчи қадок;

агрегирлаш — гуруҳланган ва (ёки) транспорт қадоғини очиш шартисиз товар айланмаси занжирини кузатиб бориш мақсадида идентификациялаш коди билан яратиладиган истеъмол қадоғи, гуруҳланган қадок, транспорт қадоғининг идентификациялаш кодларининг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотларни сақловчи, гуруҳланган қадок ва (ёки) транспорт қадоғига босиб тушириш билан истеъмол қадоғининг биринчи даражали гуруҳланган қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига ҳамда биринчи даражали транспорт қадокларининг кейинги даража транспорт қадоғига маҳсулотларни бирлаштириш жараёни;

сериализация — маркировкалаш кодларини яратиш жараёни;

ТИФ ТН коди — Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг маҳсулот номенклатураси;

МСТ — Ўзбекистон Республикасида маҳсулотларнинг (маҳсулотларнинг, ишларнинг, хизматларнинг) иқтисодий фаолият турлари бўйича статистик таснифлагичи;

иштирокчилар рўйхати — тажриба лойиҳасида ихтиёрий иштирок этиш истагини билдирган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар рўйхати;

каталог — рақамли маркировкаланган маҳсулотлар рўйхати ва тавсифини ўз ичига олган ММК МАТ тизим ости;

ИБ реестри — рақамли идентификациялаш воситалари реестри;

СТИР — солиқ тўловчининг идентификация рақами;

электрон рақамли имзо (ЭРИ) — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

электрон ҳисобварақ — фактура (ЭХФ) — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилувчи, электрон ҳисобварақ-фактуралар айланмаси тизими операторлари орқали чиқарилувчи ва олинувчи маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишини ва харид қилинишини тасдиқловчи электрон ҳужжат (жумладан, қўшимча ҳисобварақ-фактура ва тўғрилланган ҳисобварақ-фактура);

назорат-касса техникаси — фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал хотирадаги маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда

уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

фискал маълумотлар оператори — онлайн тартибда фискал маълумотларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ва сақланишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» давлат унитар корхонаси;

хизмат кўрсатувчи «сервис» провайдер — маҳсулотлар айланиши иштирокчисининг топшириғи бўйича маркировкалаш кодининг идентификациялаш воситасига ўзгартирилишини ва идентификациялаш воситасининг истеъмол қадовига ва (ёки) гуруҳланган қадовига ва (ёки) ёрликқа ва (ёки) стикерга оператор томонидан тақдим этилувчи дистрибуциянинг, нашринг ва валидациянинг дастурий-аппарат мажмуаси ёрдамида туширилишини ҳамда идентификациялаш воситаларининг валидациясини амалга оширувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

бююртмаларни бошқариш станцияси (ББС) — маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси ва ММК МАТ ўртасида маълумот алмашиш учун мўлжалланган ҳамда маҳсулотлар айланмаси иштирокчиси томонидан маркировкалаш кодларини олиш ва рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маркировкалаш тўғрисидаги маълумотларни ММК МАТга юбориш учун фойдаланиладиган дастурий-техник восита.

4. Тажриба лойиҳасининг иштирокчилари:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита);

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

в) маҳсулот айланмаси субъектлари:

маҳсулот ишлаб чиқарувчилар;

улгуржи савдо корхоналари;

чакана савдо ташкилотлари;

маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт қилувчилар;

г) «CRPT TURON» МЧЖ — ММК МАТ оператори;

д) фискал маълумотлар оператори;

е) ЭХФ-роуминг оператори.

Тажриба лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ушбу рўйхатни тўлдириш имконияти мавжуд.

5. Маҳсулотлар айланмаси субъектлари тажриба лойиҳасида ихтиёрий равишда қатнашадилар.

Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун маҳсулот айланмаси субъекти операторга ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловада* келтирилган аризани тақдим этади.

Иштирок этиш учун ариза қабул қилиш тажриба лойиҳасининг бошланганлиги билан чекланмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Маҳсулотлар айланмаси субъектларига қўйиладиган талаблар

6. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш учун маҳсулот айланмаси субъектлари қуйидаги шартларни таъминлаши керак:

а) маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва (ёки) импорт қилувчи:

электрон рақамли имзо мавжудлиги;

ишлаб чиқариш ва сақлаш жойлари Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланганлиги;

электрон ҳужжатларни яратишга ва уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлашга, шунингдек, ММК МАТ билан ўзаро ҳамкорлик учун зарур ҳужжатларни қабул қилишга имкон берадиган компьютер тизимининг мавжудлиги (шу жумладан, маркировкалаш кодларига буюртма бериш, маркировкалаш кодлари ишлатилиши тўғрисида хабарнома, ЭХФ);

ҳўжалик операцияларини бошқариш ва омборлар бухгалтериясини назорат қилиш, шунингдек, рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида сканерлаш ва таниб олиш учун автоматлаштирилган тизим мавжудлиги;

рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида маҳсулотларни маркировкалаш учун керакли маркировка, сервер, телекоммуникация ва бошқа ускуналарнинг мавжудлиги, шунингдек, уни кейинчалик ММК МАТга улаш имконияти мавжудлиги;

б) улгуржи савдо ташкилотлари:

электрон рақамли имзо мавжудлиги;

электрон ҳужжатларни яратиш ва уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш, шунингдек, ММК МАТдан керакли ҳужжатларни қабул қилиш, шу жумладан, шахсий кабинет орқали ишлаш имкони мавжуд компьютер тизимининг мавжудлиги;

ҳўжалик операцияларини бошқариш ва омборлар бухгалтериясини назорат қилиш, шунингдек, рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида сканерлаш ва таниб олиш учун автоматлаштирилган тизим мавжудлиги;

в) чакана савдо ташкилотлари:

электрон рақамли имзо мавжудлиги;

электрон ҳужжатларни яратиш ва уларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш, шунингдек, ММК МАТдан керакли ҳужжатларни қабул қилиш, шу жумладан, шахсий кабинет орқали ишлаш имкони мавжуд компьютер тизимининг мавжудлиги;

назорат-касса техникаси, шунингдек, рақамли идентификациялаш учун сканерлаш ва таниб олиш воситаларининг мавжудлиги.

3-боб. Маълумотларни рўйхатдан ўтказиш, ўзгартириш ва аниқлаштириш, шунингдек, иштирокчини тажриба лойиҳасидан четлаштириш

7. Тажриба лойиҳасида иштирок этиш истагини билдирган маҳсулот-

лар айланмаси субъекти иштирокчилар рўйхатига маълумот киритиш учун операторга хабар беради ва қўйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ММК МАТнинг веб-сайтида рўйхатдан ўтади:

а) маҳсулот ишлаб чиқарувчи тажриба лойиҳаси иштирокчиси:

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номи;

ишлаб чиқарувчининг СТИРи;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган ишлаб чиқариш майдонлари, шунингдек, сақлаш манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами.

б) тажриба лойиҳаси иштирокчиси — улгуржи савдони ташкил этиш:

улгуржи савдо ташкилотининг номи;

улгуржи савдо ташкилотининг СТИРи;

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият олиб борилаётган омборларнинг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами.

в) тажриба лойиҳаси иштирокчиси — чакана савдо ташкилоти:

чакана савдо ташкилоти номи;

чакана савдо ташкилотининг СТИРи;

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият олиб борилаётган омборлар ва савдо объектларининг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами.

г) тажриба лойиҳаси иштирокчиси — маҳсулот импортёри:

маҳсулотни импорт қилувчининг номи;

маҳсулот импортёрининг СТИРи;

маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириладиган омборларнинг манзиллари;

электрон почта манзили;

алоқа қилинадиган телефон рақами.

8. Агар ариза ушбу Вақтинчалик низомда белгиланган талабларга жавоб берса:

а) оператор маълумотлар олинган пайтдан бошлаб:

маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни текширади;

маҳсулотлар айланмаси субъектини иштирокчилар рўйхатига киритади; иштирокчи учун шахсий кабинетни очади;

маҳсулот айланмаси субъектини иштирокчилар рўйхатига киритилганлиги ва шахсий кабинет очилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

Хабарномада иштирокчилар рўйхатида маҳсулот айланмаси иштирокчиси тўғрисидаги маълумотларга берилган рўйхатдан ўтиш рақамлари кўрсатилади;

б) тажриба лойиҳа иштирокчиси — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ маҳсулот айланмаси субъекти номидан иш юриштишга, шахсий кабинетда тажриба лойиҳаси иштирокчиси — бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришга ва рўйхатдан ўтказишга, ўз номидан электрон ҳужжатларни имзолаш ва (ёки) ММК МАТга юбориш ҳуқуқига эга бўлган маҳсулот айланмаси субъекти, шунингдек, ушбу шахслар учун берилган электрон рақамли имзо сертификатларидан фойдаланишга ваколатли шахс.

10. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бандида белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маълумотлар кўрсатилиши, нотўғри маълумотлар тақдим этилиши ва (ёки) керакли маълумотлар тақдим этилмаслиги, шунингдек, оператор томонидан ЭРИ сертификатининг яроқсизлиги ёки тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига мувофиқ фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида маълумот олиниши, маҳсулотлар айланмаси иштирокчисини тажриба лойиҳаси иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади.

Маҳсулотлар айланмаси субъекти рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорга нисбатан оператор билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали ёки суд орқали шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Иштирокчилар рўйхатида маълумотларни ўзгартириш маҳсулот айланмаси субъектлари — тажриба лойиҳаси иштирокчиларини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Маҳсулот айланмаси субъекти — тажриба лойиҳаси иштирокчисини рўйхатдан чиқариш, лойиҳа иштирокчисининг шахсий кабинет орқали тақдим этган аризасига биноан оператор томонидан ариза берилгандан сўнг беш иш куни давомида амалга оширилади.

4-боб. Маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш

13. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот каталогига киритиш учун тажриба лойиҳаси иштирокчиси — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи ММК МАТ веб-сайтида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган аризани яратади:

- маҳсулот номи;
- маҳсулот коди («GS1 Uzbekistan» ассоциацияси томонидан ўзлаштирилган маҳсулот штрих-коди);
- маҳсулотни қадоқлаш тури;
- маҳсулот тавсифи;
- маҳсулотга рухсатномалар тўғрисида маълумот;
- ТИФ ТН коди;
- МСТ коди;
- маҳсулотнинг сурати;
- оператор томонидан белгиланадиган бошқа маълумотлар.

14. Аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Вақтинчалик низомнинг

13-бандида белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, оператор беш иш куни ичида:

маълумотларни текширади (модерация);

тажриба лойиҳа иштирокчисининг ЭРИ картасига имзо қўйгандан сўнг аризада тақдим этилган маълумотларни маҳсулот каталогига киритади;

тажриба лойиҳа иштирокчиси — ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчини маҳсулотлар каталогига киритилганлиги тўғрисида хабардор қилади.

15. Хабарномада каталогда маҳсулот ҳақидаги маълумотларга берилган рўйхатдан ўтиш рақамлари кўрсатилади.

16. Маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотни ўзгартириш, ушбу маълумотни ўчириш, маҳсулотлар каталогига маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

5-боб. Маҳсулотларни рақамли маркировкалаш тартиби

17. Маҳсулот айланмасининг иштирокчилари мустақил равишда маркировкалашни амалга оширадилар ва ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ ММК МАТга маҳсулотларни маркировкалаш тўғрисида маълумот тақдим этадилар.

18. Оператор тажриба лойиҳаси даврида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда ускуна ва дастурий таъминотни импорт қилувчилар орасидан тажриба лойиҳаси иштирокчиларига ММК МАТга юбориш учун маҳсулотларни маркировкалаш учун рақамли идентификация воситаларини елимлаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

19. Маҳсулотларни маркировкалаш қўйидагича амалга оширилади:

а) тажриба лойиҳа иштирокчиси ёрлиқ дизайнини ўзгартириш орқали оператор тавсиялари асосида рақамли идентификация воситаларини елимлаш жойини мустақил равишда белгилайди;

б) Тажриба лойиҳаси иштирокчиси (ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи) операторга маркировкалаш кодларини буюртма қилади;

в) ишлаб чиқарувчи рақамли идентификациялаш воситасини:

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш линиясида маҳсулот қадоғига елимланадиган, техник қурилмалар қадоғининг махсус белгиланган дизайн жойида ёки ёрликда (қарши ёрлик) қадоқлаш орқали;

стикерни рақамли идентификация қилиш воситаси билан ёпиштирилган маҳсулот қадоқларга елимлаш орқали елимлайди;

г) импорт қилувчи маҳсулотни олиб киришда рақамли идентификациялаш воситасини:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулотни олиб киришдан олдин тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш линиясида қадоққа ёпиштирилган истеъмолчи ва гуруҳ қадоқларини ёки ёрликни (қарши ёрлик) махсус белгиланган жойга елимлаш орқали;

маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришдан олдин рақамли идентификация қилиш воситаси ёпиштирилган стикерни қадоққа елимлаш орқали ёпиштиради.

20. Маҳсулотни агрегирлашни содалаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчининг қарорига биноан идентификациялаш воситаси маҳсулот истеъмол ва гуруҳли қадоқларининг олд ёки ён қисмига ёпиштирилади;

21. Идентификация воситаларини қадоққа ёпиштириш ва ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган ускуналарни танлаш лойиҳа иштирокчилари томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

6-боб. Маркировкакаш кодига киритилган маълумотлар таркиби, маҳсулотни қадоқлашда рақамли идентификация воситаларини шакллантириш ва қўллаш тартиби

22. Истеъмол қадоқларидаги рақамли идентификация қилиш воситаси уч гуруҳдаги маълумотларни қамраб олган маркировкакаш коддини ўз ичига олади. Биринчи ва иккинчи гуруҳ — маҳсулот идентификация коди, учинчи гуруҳ — текшириш коди маълумотларини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, унинг олдинги идентификатори бўлган (01), тегишли GS1 маҳсулот номенклатураси бўйича маҳсулот бирлигининг глобал идентификация рақамини (GTIN) ўз ичига олади, ушбу код оператор томонидан маҳсулот каталогига маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 13 та белгидан (лотин алифбосидаги рақамлар, кичик ва катта ҳарфлар, шунингдек, махсус белгилар) иборат ва маҳсулот қадоғининг индивидуал серия рақамини ифодалайди, қайси бирида қўллаш идентификатори (21) олдин келади ва оператор ва маҳсулот айланмасининг иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалидаги 29 кодли белги ушбу маълумот гуруҳи учун охириги белги);

учинчи гуруҳ 4 та белгидан (лотин алифбосидаги рақамлар, кичик ва катта ҳарфлар, шунингдек, махсус белгилар) иборат ва текшириш коддини ўз ичига олади, қайси бирида қўллаш идентификатори (93) олдин келади ва Оператор томонидан шакллантирилади.

Маҳсулотнинг истеъмол қадоқларини рақамли идентификация қилиш воситаси «GS1 Uzbekistan» DataMatrix форматада икки ўлчовли штрих-код шаклида қўлланилади.

23. Маҳсулотларнинг гуруҳли қадоқлари рақамли идентификация қилиш воситаси учта гуруҳ маълумотларини қамраб олган маркировкакаш коддини ўз ичига олади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ маълумотлари — маҳсулот гуруҳли қадоғи коддини, учинчи гуруҳ — текшириш коддини ташкил этади. Бунда:

биринчи гуруҳ 14 та рақамдан иборат бўлиб, унинг олдинги идентификатори бўлган (01) маҳсулот коддини ўз ичига олади, ушбу код оператор томонидан маҳсулот каталогига маҳсулот айланмаси иштирокчилари томонидан киритилган маълумотлар асосида шакллантирилади;

иккинчи гуруҳ 13 та белгидан (лотин алифбосидаги рақамлар, кичик ва катта ҳарфлар, шунингдек, махсус белгилар) иборат ва маҳсулот қадо-

фининг индивидуал серия рақамини ифодалайди, қайси бирида қўллаш идентификатори (21) олдин келади ва оператор ва маҳсулот айланмасининг иштирокчилари томонидан шакллантирилади (ASCII белгилар жадвалидаги 29 кодли белги ушбу маълумот гуруҳи учун охирги белги);

учинчи гуруҳ 4 та белгидан (лотин алифбосидаги рақамлар, кичик ва катта ҳарфлар, шунингдек, махсус белгилар) иборат ва текшириш кодини ўз ичига олади, қайси бирида қўллаш идентификатори (93) олдин келади ва оператор томонидан шакллантирилади.

Маҳсулотнинг гуруҳли қадоқларини рақамли идентификация қилиш воситаси «GS1 Uzbekistan» DataMatrix форматида икки ўлчовли штрих-код шаклида қўлланилади.

24. Транспорт қадоқларини рақамли идентификациялаш воситалари, ГОСТ ISO 15394-2013га мос келадиган «Қадоқ», бир ўлчамли штрих-код кўринишида тақдим этилади. Ёрлиқларда юклаш, транспортда ташиш ва қабул қилиш учун штрих-коднинг чизиқли белгилари ва икки ўлчамли белгилар «Умумий талаблар». Ташиш қадоғи идентификация коднинг таркиби, қадоқланган сувни транспорт қадоғига агрегирлашни амалга оширадиган қадоқланган сув айланмаси иштирокчиси томонидан белгиланади.

Транспорт қадоғининг идентификация кодида ҳар бир ёпиқ қадоқланган сув ёки транспорт қадоқлаш бирлигининг идентификация кодлари яратилаётган транспорт қадоғининг идентификация коди билан ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

25. Маркировкалаш кодини рақамли идентификация қилиш воситасига айлантириш тажриба лойиҳаси иштирокчиси — ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи, истеъмол, гуруҳ ёки транспорт қадоқларини бутловчи томонидан амалга оширилади.

26. Штрих-код форматидаги рақамли идентификациялаш воситалари қуйидаги талабларга жавоб беради:

а) истеъмол ва гуруҳли қадоқлар учун 0,35 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги модул ишлатилади;

б) истеъмол қадоғининг рақамли идентификация қилиш воситаси 14 x 14 миллиметрдан кам бўлмаган ўлчамдаги махсус ажратилган контрастли жойга жойлаштирилади;

в) гуруҳ қадоғининг рақамли идентификация қилиш воситаси қадоқнинг олд томонига ёки ён томонига жойлаштирилади ва агрегирлаш жараёнини ўтказиш учун мос ўлчамга эга бўлиши керак

г) идентификациялаш воситасини бепарволик билан танлаш орқали қалбакилаштириш эҳтимоли паст ва ҳар қандай ҳолатда ўн мингдан биридан кам;

д) хатоларни аниқлаш ва тузатиш функцияси DataMatrix ECC200 га тенг ёки яхшироқ.

7-боб. Маркировкалаш кодларини тақдим этиш

27. Маркировкалаш кодларини олиш учун тажриба лойиҳаси иштирок-

чиси — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи, ББС орқали операторга маркировкалаш учун кодларни олиш учун ариза юборади, бунда: ушбу Вақтинчалик низомнинг 13-бандига мувофиқ маҳсулот каталогига киритилганда маҳсулотга берилган маҳсулот коди;

сўралган кодлар сони;

кадоқлаш тури: истеъмол, гуруҳ;

оператор томонидан белгиланган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

28. Аризада кўрсатилган маълумотлар ушбу Вақтинчалик низомнинг 29-бандига белгиланган талабларга жавоб берган тақдирда, оператор ариза қабул қилинган кундан бошлаб 4 соатдан кечиктирмай:

керакли миқдордаги маркировкалаш кодларини сериялаштиради;

тажриба лойиҳаси иштирокчисига — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маркировка кодлари рўйхатини тақдим этади;

тақдим этилган маркировкалаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни МИ рўйхатига киритади.

ММК МАТ муомаладан чиқарилмаган маҳсулотлар қадоғига жойлаштирилган кодни қайта сериялашга йўл қўймайди;

29. Тажриба лойиҳаси иштирокчиси — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи рақамли идентификация воситаларини жойлаштиришга тайёр бўлган пайтдан бошлаб:

а) ушбу Вақтинчалик низомнинг 6-боби талабларига мувофиқ маркировкалаш кодларини рақамли идентификациялаш воситаларига ўзгартиради;

б) рақамли идентификациялаш воситаларини маҳсулот қадоқларида елимлашни таъминлайди;

в) рақамли идентификациялаш воситалари маҳсулот қадоқларида елимлангандан сўнг елимланган рақамли идентификациялаш воситалари тўғрисидаги маълумотни ММК МАТга юборади.

30. Оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиси — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчидан ушбу Вақтинчалик низомнинг 29-банди «в» кичик бандига назарда тутилган маълумотларни олганидан сўнг «онлайн» режимда маркировкалаш кодларининг тегишли ҳолатлари ИВ реестрида акс эттирилишини, шунингдек, ушбу маълумотларнинг тажриба лойиҳаси иштирокчилари учун очиқлигини таъминлайди.

8-боб. Маҳсулотларни агрегирлаш, тажриба лойиҳаси доирасида уларнинг ишлаб чиқарилиши ва айланмаси мониторингини олиб бориш

31. Тажриба лойиҳасининг иштирокчиси — маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи маҳсулотни гуруҳ ва (ёки) транспорт қадоқларига агрегирлаштиради, шундан сўнг ММК МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган агрегирлаш тўғрисидаги ҳисоботни юборади:

яратилган гуруҳ ёки транспорт қадоғи идентификация коди;

истеъмол, гуруҳ ва (ёки) транспорт қадоқларининг идентификация кодлари.

Агрегирлаш исталган даражада киритиш имкониятини назарда тутати: биринчи даражали агрегирлаш — истеъмол кадоқларини бирлаштириш, масалан, маҳсулотларни гуруҳ кадоғига (блок);

иккинчи даражали агрегирлаш — истеъмол ёки гуруҳ кадоқларини транспорт кадоғига бирлаштириш, масалан, посилкада ёки қутида;

учинчи ва ундан кейинги даражали агрегирлаш — транспорт кадоқларини юқори даражадаги бошқа транспорт кадоғига бирлаштириш, масалан, брусок ёки контейнерга;

32. Оператор маълумот олганидан сўнг уларни ИВ реестрида акс эттирилишини таъминлайди.

Маҳсулот айланмаси иштирокчиси ММК МАТга гуруҳли кадоқлаш ёки транспорт кадоқлаш тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши ММК МАТга истеъмол кадоқлари тўғрисидаги маълумотларни беришга тенг ҳисобланади, қайси ММК МАТ маълумотларига кўра гуруҳ ёки транспорт кадоқларида мавжуд.

33. Маҳсулотларнинг айланмага чиқарилиши ва ҳаракатланишини назорат қилиш мақсадида:

а) маҳсулотни тажриба лойиҳаси иштирокчилари — маҳсулот айланмаси субъектлари ўртасида ўтказишда (қабул қилишда) дастлабки ҳужжат мазмуни асосида эгалик ҳуқуқи ёки реализация қилиш учун маҳсулотларнинг ўтказилишини тасдиқлаш, битим қатнашчилари:

реализация қилинаётган маҳсулотларнинг маркировкалаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ЭХФ шаклида хабарнома яратиш;

кўрсатилган хабарномани ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан ЭРИ билан имзолаш;

роуминг оператори операторга ЭХФ юборади.

Тажриба лойиҳасининг бир иштирокчисидан — маҳсулот айланмаси субъектидан бошқасига, лекин ушбу маҳсулотга эгалик ҳуқуқи олувчидан учинчи шахсларга ўтган пайтдан кечиктирмасдан хабарномада акс этган, топшириш (қабул қилиш) тўғрисида хабарнома маҳсулотга эгалик ҳуқуқи берилган пайтдан бошлаб 72 (етмиш икки) соатдан кўп бўлмаган муддатда (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) шакллантирилади.

б) ўтказиш (қабул қилиш) тўғрисида хабарнома олганда:

Оператор ИВ реестрида хабарномада келтирилган барча маълумотларни кўрсатиб, тажриба лойиҳасининг бир иштирокчисидан — бошқасига маҳсулот айланмасига оид маҳсулотлар тўғрисида эгалик ҳуқуқини ўтказиш фактини акс эттиради.

9-боб. Маҳсулотни айланмага киритиш, чиқариш ва мониторинг олиб бориш

34. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган маҳсулотларни муомалага киритиш қўйидагича амалга оширилади:

а) тажриба лойиҳаси иштирокчиси — маҳсулотни импорт қилувчи:

олиб кирилатган маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш (импорт) учун божхона режимига жойлаштиради;

эркин муомалага чиқариш ёки қайта импорт қилиш мақсадида юк божхона декларацияси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ММК МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳолда олиб кириш (импорт) тўғрисида электрон хабарнома юборади:

божхона органи томонидан эркин муомалага (импорт) чиқариш учун қабул қилинган юк божхона декларацияси тўғрисидаги маълумотлар;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилган идентификациялаш қадоқлари кодлари тўғрисидаги маълумотлар.

б) оператор ушбу банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган маълумотларни олганидан сўнг ИВ реестрида ушбу маҳсулот айланмага чиқарилганлигини акс эттиради.

35. Оператор тажриба лойиҳаси иштирокчиси томонидан тақдим этилган қуйидаги маълумотлар асосида маҳсулотларнинг муомаладан чиқарилишини назорат қилади:

чакана савдони амалга оширишда тажриба лойиҳаси иштирокчиси — чакана савдо ташкилоти, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган назорат-касса техникаси билан боғлиқ бўлган техник воситалар орқали сотиладиган маҳсулотларни қадоқлаш учун елимланган рақамли идентификация воситасини сканердан ўтказди ва аниқлайди.

маҳсулот коди ва идентификация коди тўғрисидаги маълумотлар назорат-касса техникаси томонидан яратиладиган «касса чеки» фискал ҳужжатига киритилади;

фискал маълумотлар оператори реал вақт режимда ММК МАТга маҳсулотларнинг чакана савдоси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон фискал ҳужжатлар (касса чеклари) тўғрисидаги маълумотларни узатади;

оператор ИВ реестрида фискал маълумотлар операторидан олинган маълумотларга мувофиқ рақамли идентификация қилиш воситаси билан белгиланган маҳсулотлар айланмадан чиққанлиги тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

36. Маҳсулотлар чакана савдодан (ҳисобдан чиқариш) бошқа сабабларга қўра айланмадан чиқарилгандан сўнг ушбу маҳсулотларни ҳисобдан чиқарадиган маҳсулот айланмаси субъекти бўлган тажриба лойиҳаси иштирокчиси ММК МАТга қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган маҳсулотни чиқариш тўғрисида хабарнома юборади:

айланмадан чиқарилаётган маҳсулотларнинг маҳсулот кодлари ва идентификация кодлари;

маҳсулотларни айланмадан чиқариш учун расмийлаштирилган ҳужжатнинг номи, санаси ва рақами;

маҳсулотларни айланмадан чиқариш амалга оширилган жой манзили; маҳсулотларнинг муомаладан чиқарилиши сабаби.

37. Айланмага чиқарилган маҳсулотлар айланмаси мониторинги истеъмолчилар томонидан оператор томонидан тақдим этилган бепул мобил илова орқали амалга оширилади.

38. Оператор истеъмолчига маҳсулот ишлаб чиқарилган жой, маҳсулотнинг қадоқланган жойи ва унинг ҳолати тўғрисида маълумот берилишини таъминлайди.

Агар истеъмолчи оператордан олинган маълумотлар ва маҳсулотларнинг ҳақиқий маълумотлари ўртасида тафовутни аниқлаган бўлса, у «Asl belgisi» ва «Soliq» мобил дастурлари орқали ММК МАТга хабарнома юборади.

ММК МАТ ушбу хабарномани қабул қилиб, қайд этилган ҳолатлар юзасидан чора-тадбирларни амалга оширилиши таъминлаш учун расмий маълумотларни белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Давлат солиқ қўмитасига юборади.

10-боб. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг маълумот алмашинувини таъминлаш

39. Тажриба лойиҳасини амалга ошириш ва ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида оператор кўйидаги функцияларни бажаради:

иштирокчилар реестрини юритади;

маҳсулотлар каталогини юритади;

ИБ реестрини юритади;

тажриба лойиҳаси иштирокчиларига ушбу иштирокчилар ваколатига кирувчи ММК МАТ регистрларида мавжуд бўлган маълумотларни тақдим этади;

маҳсулот истеъмолчиларига маҳсулотни истеъмол ва (ёки) гуруҳли қадоқлашнинг рақамли идентификациялаш воситалари ва уларнинг ишлаб чиқариш ва айланма жараёнидаги ҳолати тўғрисида маълумотни беради.

40. Тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг оператор билан ўзаро алоқаси электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон ҳужжатларни алмашиш орқали амалга оширилади.

41. Электрон ҳужжатлар алмашинуви тажриба лойиҳаси иштирокчисига тақдим этилган ММК МАТнинг «Шахсий кабинет» махсус маълумот хизматига мурожаат қилиш орқали амалга оширилади.

42. Электрон ҳужжатларга киритилган маълумотларнинг, шу жумладан, тажриба лойиҳаси иштирокчилари — маҳсулот айланмаси субъектлари томонидан Шахсий кабинетда яратилган маълумотларнинг мувофиқлиги автоматик равишда ММК МАТ воситалари ёрдамида текширилади.

43. Агар тажриба лойиҳаси иштирокчилари томонидан ММК МАТга нотўғри маълумотларга эга бўлган электрон ҳужжат тақдим этилган тақдирда оператор аниқланган номувофиқликларни кўрсатган ҳолда тажриба лойиҳаси иштирокчисига ҳамда белгиланган тартибда алоқа каналлари орқали Қўмига хабарнома юборади.

44. Агар тажриба лойиҳаси иштирокчилари томонидан тўғри маълумотлар тақдим қилинган бўлса, тажриба лойиҳаси иштирокчисига — маҳсулот айланмаси субъектига маълумотлар ММК МАТга киритилганлиги тўғрисида хабарнома юборилади.

45. Агар ушбу Вақтинчалик низомда хабар беришнинг бошқа муддати

назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобда кўрсатилган хабарномалар оператор томонидан онлайн равишда тажриба лойиҳа иштирокчисига — маҳсулот айланмаси субъектига юборилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Маиший техникаларни рақамли маркировкалаш ва
кузатиб бориш бўйича тажриба лойиҳасини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган маиший техника маҳсулотларини (кейинги ўринларда — маҳсулотлар) рақамли маркировкалаш ва кейинчалик кузатиб бориш воситалари ёрдамида тажриба лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба лойиҳа) амалга ошириш тартибини, маиший техникани маркировкалаш воситаларининг хусусиятларини, ахборот тизимининг давлат ахборот тизимлари ва тажриба иштирокчиларининг ахборот тизимлари билан ўзаро алоқаси тартибини, шунингдек, маркировка кодларини тақдим этиш ва маркировкалашни амалга оширишда ҳаракатлар кетма-кетлигини ҳамда тажриба лойиҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Тажриба лойиҳасининг мақсадлари:

а) маркировкалаш ва кузатиб бориш воситалари ёрдамида маркировкалаш механизмининг самарадорлиги, натижадорлиги, тўлиқлиги ва етарли даражада эканлигини синаш орқали қўйидагиларни амалга ошириш: маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига маҳсулотларнинг ноқонуний олиб кирилишига, ишлаб чиқарилишига ва айланмасига қарши курашиш;

маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва айланмасида қонунчиликда назарда тутилмаган схемалардан фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида маҳсулот айланмаси иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини таъминлаш;

б) маҳсулот айланмасини ҳисобга олиш тартибларини стандартлаш ва унификация қилиш.

3. Тажриба лойиҳаси жараёнида ушбу Вақтинчалик низомда белгиланган тартибда қўшимчалар киритилиши мумкин.

4. Ушбу Вақтинчалик низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

маиший техника — ишлаб чиқариш усули ёки тайёрланган материал-

лардан қатъи назар, ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловага* мувофиқ тажриба лойихаси доирасида рақамли маркировкаланадиган маҳсулотлар;

агрегациялаш — маиший техникани биринчи даражали транспорт қадоғига, шунингдек, биринчи даражадаги транспорт қадокларини кейинги даражадаги транспорт қадоғига бирлаштириш жараёни, транспорт воситаларининг қадоғини идентификация кодини ўз ичига олган транспорт қадоғида ҳар бир ўрнатилган маиший техника маҳсулотини, транспорт воситасини учун идентификация кодларининг ўзаро боғлиқлиги;

агрегацияланган божхона коди — оператор томонидан шакллантириладиган, маҳсулотлар айланмаси иштирокчилари томонидан ички истеъмол учун чиқарилиши ёки қайта олиб кириш, экспорт қилиш, вақтинча экспорт қилиш ва қайта экспорт қилиш учун маҳсулотларни божхона декларациясидан ўтказишда қўлланилувчи рақамли идентификациялаш воситалари ёрдамида мазкур Вақтинчалик низом билан мувофиқликда маҳсулотларни идентификациялаш мақсадлари учун агрегациялаш жараёнида маҳсулотларни бирлаштирувчи, ўзи билан ҳар бир маиший техниканинг идентификациялаш кодларини, жумладан, қадокнинг идентификациялаш кодлари бирлаштирилишини тақдим этувчи маҳсулотларнинг алоҳида мажмуаси учун белгиларнинг ноёб кетма-кетлиги;

маиший техникани муомалага киритиш — маиший техника ишлаб чиқаришда:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида (шу жумладан, шартнома асосида ишлаб чиқаришда) — ишлаб чиқарувчи томонидан маиший техниканинг чакана реализацияси (сотиш) ёки маиший техникани ишлаб чиқарувчидан янги шахсга ёки бошқа шахсга уларни бегоналаштириш мақсадида ёки кейинчалик сотиш учун бериш, улар эса ушбу маҳсулотларни тарқатиш ва (ёки) фойдаланиш учун таклиф қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида — юридик ёки жисмоний шахс томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахс томонидан маиший техниканинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши;

маиший техника, юридик ёки жисмоний шахс томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши билан боғлиқ ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида.

Ушбу методик тавсияларни амалга ошириш учун маиший техникаларни етказиб бериш, уларнинг сотув жойида намуналарини намойиш этиш жойида, уларни сотув жойида жойлаштириш, намуналарини намойиш этиш ёки маълумот бериш учун шунингдек, кейинчалик ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан илгари сотиб олинган маҳсулотлар айланмага киритилган ҳисобланади;

маиший техникани муомаладан чиқариш — маркировкаланган маиший техникани жисмоний шахсга шахсий истеъмол учун сотиш; маиший техника буюмларига эгалик ҳуқуқини бериш, беғараз равишда топши-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ришни, ҳуқуқларни бериш, товон пули ёки новацияни назарда тутадиган шартномалар асосида маркировкаланган маиший техника воситаларини шахсий истеъмол қилиш учун жисмоний шахсларга бериш; маиший техникани юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ўз эҳтиёжлари учун ишлатиш мақсадида уларни кейинчалик сотиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда сотиш, шу жумладан, маиший техникани йўқ қилиш, қайтариб бўлмайдиган йўқотиш, ўзлари учун фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш эҳтиёжлари, шунингдек, маркировкаланган маиший техника воситаларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарида сотиш, маиший техникани уларни намуналар бўйича сотиш ёки истеъмолчиларга этказиб бериш учун маиший техника омборидан жўнатишда масофадан сотиш йўли билан сотиш;

ахборот тизими — «Asl belgisi» маҳсулотларини рақамли маркировкалаш ва кузатиб бориш бўйича миллий ахборот тизими (кейинги ўринларда — ММК МАТ);

маиший техника импорт қилувчи — Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган ва ички истеъмол ёки реимпорт учун божхона тартиб-қоидалари остида жойлаштирилган маҳсулотларни қабул қилувчи бўлган яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс;

индивидуал серия рақами — маҳсулот коди асосида маиший техника бирлигини ноёб тарзда аниқлайдиган белгилар кетма-кетлиги;

электрон ўзаро таъсир интерфейси — тажриба лойиҳаси иштирокчилари ва ММК МАТнинг дастурий таъминоти ва техник воситаларининг ўзаро таъсирини таъминлайдиган воситалар ва қоидалар тўплами;

тузатувчи электрон ҳисоб-фактура — маиший техника муомаласи иштирокчилари томонидан илгари тузилган, хато ва (ёки) ноаниқликларни ўз ичига олган ҳужжатнинг ўрнини босиш учун тузилган, шакли Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган электрон ҳисоб-фактура;

маркировкаланган маҳсулотлар каталоги — маркировкаланган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни каталоглаш ва сақлаш учун ишлатиладиган ва маҳсулот кодининг ягона манбаи бўлган ММК МАТнинг қуйи тизими;

идентификация коди — ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бобида назарда тутилган талабларга мувофиқ маиший техникани аниқлаш мақсадида оператор томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ноёб нусхаси бўлган белгилар қатори;

транспорт қадок идентификация коди — ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ шаклланган маиший техника транспорт қадок нусхасининг ноёб сонини ифодаловчи белгилар кетма-кетлиги;

маркировкалаш коди — оператор томонидан ушбу Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ маиший техникани аниқлаш мақсадида ишлаб чиқарилган идентификация коди ва тасдиқлаш кодидан ташкил топган ноёб белгилар кетма-кетлиги;

текшириш коди — идентификация кодини ўзгартириш натижасида

ҳосил бўлган белгилар кетма-кетлиги бўлиб, идентификация кодини текшириш пайтида сохталаштирилганлигини аниқлашга имкон беради, фискал модул ёки текшириш кодини текширишнинг техник воситалари ёрдамида оператор томонидан ушбу Вақтинчалик низом 7-бобида назарда тутилган талабларига мувофиқ шакллангантирилади;

маҳсулот коди — тегишли маҳсулот номенклатураси бўйича маҳсулотлар тўғрисидаги ишончли маълумотларни ҳисобга олиш ва сақлашни таъминлайдиган ахборот ресурсида тавсифланганда маҳсулотлар гуруҳига берилган ноёб код;

шартнома асосида ишлаб чиқариш — учинчи ишлаб чиқарувчининг корхоналарида буюртмачининг савдо белгиси остида буюртма асосида тайёрланган маиший техника ишлаб чиқариш, бу технологик циклга тўлиқ мос келишини ва буюртмачининг талабларига мувофиқ тайёр маиший техника сифатини назорат қилишни таъминлайди.

шахсий кабинет — оператор расмий веб-сайтида Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган ахборот хизмати, оператор томонидан тажриба лойиҳаси иштирокчисига белгиланган тартибда тақдим этилади ҳамда оператор ва тажриба лойиҳаси иштирокчиси томонидан фойдаланилади;

маркировкаланган маиший техника маҳсулотлари — мазкур Вақтинчалик низом талабларига мувофиқ идентификация воситалари билан маркировкаланган маиший техника ҳақида ишончли (уларга қўлланиладиган идентификация қилиш воситалари ва (ёки) маиший техникани идентификациялаш воситаларини ўз ичига олган моддий ташувчилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади) маълумотларнинг ММК МАТда мавжудлиги;

маиший техникани идентификация воситалари билан маркировкалаш — мазкур Вақтинчалик низомга мувофиқ маиший техника маҳсулотларида ёки маҳсулот ёрлиғида идентификация воситаларини қўллаш;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш жойлари — ишлаб чиқарувчилар маиший техника ишлаб чиқаришда фойдаланадиган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар ва бошқа биноларни ўз ичига олган маиший техника ишлаб чиқариш жойлашган ҳудуд;

маиший техника айланмаси — Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, маиший техникани сақлаш, ташиш, қабул қилиш ва топшириш, шу жумладан, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш ва сотиш;

ММК МАТнинг оператори (кейинги ўринларда — оператор) — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, ахборот мониторинги тизимини яратиш, ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлашини амалга оширувчи, унинг узлуксиз ишлашини таъминловчи тегишли ахборотларни қабул қилувчи, сақловчи ва қайта ишловчи юридик шахс;

маиший техникани қайта маркировкалаш — илгари қўлланилган идентификация воситаларининг йўқолиши ёки бузилиши муносабати билан ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ маҳсулотларга ёки маиший техника маҳсулотларининг ёрлиғига идентификация воситаларини қайта татбиқ этиш;

маиший техника буюмларини ишлаб чиқарувчи — маиший техника ишлаб чиқарадиган ва сотадиган, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти бўлган яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс;

маълумотлар узатиш протоколи — маълумотлар тўпламининг тузилиши ва маълумотлар узатиш тармоғи қурилмалари ўртасида маълумотлар тўпламларини алмашиш алгоритми учун талабларнинг расмийлаштирилган тўплами;

маиший техникани идентификация қилиш воситалари — маҳсулотга ёки маҳсулотга татбиқ этиш учун ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бобида назарда тутилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилган штрих-код шаклида тақдим этилган машинада ўқиладиган шаклда ёрликда маркировкалаш коди;

маиший техниканинг транспорт қадоғи — маиший техникани ҳаракатланиш пайтида ва мустақил транспорт бирлигини шакллантиришда уларни сақлаш ва ташиш учун ишлатиладиган маиший техникани бирлаштирган қадок. Транспорт қадоғи ўз ичига кичикроқ транспорт қадоғини (ҳажмини) олиши мумкин.

маҳсулот ёрлиғи — тўғридан-тўғри маҳсулотга бириктирилган маҳсулот ҳақида маълумотни, шу жумладан, маҳсулотни идентификация қилиш воситасини қўллаш учун мўлжалланган ахборот ташувчи;

тузатиш ҳужжати — илгари етказиб берилган билан боғлиқ харажатларининг ўзгариши факти ва (ёки) уни қабул қилишда маҳсулот миқдори (сифати)даги тафовутлар фактини ҳужжатлаштиришга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан формати тасдиқланадиган ҳисоб-фактура, электрон ҳужжат.

электрон ҳисобварақ — фактура (ЭҲФ) — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан белгиланган шакл бўйича расмийлаштирилувчи, электрон ҳисобварақ-фактуралар айланмаси тизими операторлари орқали чиқарилувчи ва олинувчи маҳсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) сотилишини ва харид қилинишини тасдиқловчи электрон ҳужжат (жумладан, қўшимча ҳисобварақ-фактура ва тўғриланган ҳисобварақ-фактура);

назорат-касса техникаси — фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машиналари, фискал хотирадаги маълумотлар ёзиб олиниши ва сақланишини таъминловчи, фискал ҳужжатларни шакллантирувчи ҳамда уларнинг солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали топширилишини, шунингдек фискал ҳужжатлар назорат-касса техникасини қўллаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ қоғозда чоп этилишини таъминловчи бошқа қурилмалар ҳамда дастурий-техник мажмуалар;

фискал маълумотлар оператори — онлайн тартибда фискал маълумотларнинг қабул қилиниши, уларга ишлов берилиши ва сақланишини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар илмий-ахборот маркази» давлат унитар корхонаси;

Ўзбекистон Республикаси маҳсулот айланмаси иштирокчилари — Ўзбекистон Республикасининг солиқ резидентлари бўлган тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, маиший техникани айланмага киритадиган ва (ёки) айланмадан чиқарадиган юридик ва жисмоний шахслар;

5. Тажриба лойиҳаси иштирокчилари:

тажриба лойиҳасини ўтказиш учун қарор асосида ваколат берилган ижро этувчи ҳокимият органлари;

маиший техника айланмаси иштирокчилари;

«CRPT TURON» МЧЖ — ММК МАТ оператори;

назорат-касса машиналаридан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фискал маълумотларни қайта ишлашга рухсат олган ташкилотлар (кейинги ўринларда — фискал маълумотлар оператори, техник хизмат кўрсатиш марказлари);

электрон ҳужжат айланиши операторлари.

6. Маиший техника айланмаси иштирокчилари ва электрон ҳужжат айланиши операторлари тажриба лойиҳасида қатнашиши ихтиёрийдир. Уни амалга ошириш давомида товар айланмасининг янги иштирокчиларининг тажриба лойиҳасига қўшилиш имкониятига йўл қўйилади.

7. Мазкур кўрсатмалар қуйидагиларга тааллуқли эмас:

а) Вақтинчалик сақлашда бўлган ёки божхона омборининг божхона тартибда жойлаштирилган маиший техника;

б) маиший техникаларнинг хорижий маҳсулотларини келиб тушиш жойидаги божхона органидан чиқариш жойидаги божхона органига ташиш учун божхона транзитининг божхона тартиби бўйича жойлаштириладиган маиший техника маҳсулотлари.

в) божхона транзити божхона тартибда жойлаштирилган чет эл маиший техника маҳсулотларини божхона ҳудуди орқали ташиш (бир жойдан иккинчи жойга кўчириш) учун келган жойидаги божхона органидан ички божхона органига);

г) божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсадида божхона тартиблари остида жойлаштирилган маиший техника;

д) сақлаш ва ташиш пайтида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, стандартлаштириш соҳасидаги норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида синов учун мўлжалланган маиший техника намуналари;

е) халқаро кўргазма ва ярмаркалар ташкилотчилари ва қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ва сотиш учун мўлжалланмаган маиший техника;

ж) божсиз савдо (Duty free) дўконларида сотиладиган (савдо қилинадиган) маиший техника;

з) ишлаб чиқарувчи томонидан сақланадиган маиший техника;

и) олиб қўйилган, мусодара қилинган ёки бошқа йўл билан давлат даромадига айланган маиший техника, бажарилмаган мажбуриятлардан олинадиган маиший техника, Ўзбекистон Республикасининг божхона тўғри-

сидаги ва солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, уларни сақлаш, ташиш, ваколатли орган томонидан реализация қилиш (сотиш) пайтида, шунингдек, йўқ қилиниши керак бўлган маиший техника, уларни сақлаш ва ташиш пайтида;

л) жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган ва улар томонидан шахсий фойдаланиш учун сотиб олинган маиший техника;

м) дипломатик ваколатхоналар, консуллик идоралари, халқаро, давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари, шунингдек, улар билан бирга бўлган давлатлар вакиллари томонидан уларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш пайтида расмий фойдаланиш учун мўлжалланган маиший техника;

н) Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда амалга оширилган товарларни сақлаш ва ташиш пайтида қайтариб берилишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда чакана савдо доирасида сотиб олинган ва харидорлар томонидан сотувчиларга қайтарилган маиший техника.

2-боб. Идентификация воситалари ёрдамида маркировкаланган маиший техника айланмаси иштирокчилари тўғрисида

8. Маиший техникани ишлаб чиқарувчи ушбу Вақтинчалик низомнинг талабларига мувофиқ маиший техникани идентификация қилиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган маиший техникани маркировкалаши керак.

Маиший техника маҳсулотларини импорт қилувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинган) маиший техника ёрликларини тақдим этади.

Улгуржи ва чакана савдони амалга оширадиган маиший техника айланмасининг иштирокчилари идентификация воситаларини ўқиш имконсиз бўлганда маиший техника қайта маркировкаланишини таъминлаш илгари маиший техника маҳсулотларига жойлаштирилган идентификация воситаларининг шикастланиши ёки йўқолиши, сотиб олиш-сотиш операциялари доирасида, шу жумладан, маиший техника маҳсулотларини истеъмолчи қайтариб берганидан кейин сотишга (сотишда) тақдим этишда.

Воситачи айрим турдаги юридик шахсларнинг воситачилик шартномалари доирасида яқка тартибдаги тадбиркор бўлмаган жисмоний шахслардан сотиш учун қабул қилинган маркировкасиз маиший техника маркировкасини тақдим этади, уларни реализация қилиш (сотиш) таклифидан олдин маркировкасиз маиший техника маркировкасини таъминлайди, шу жумладан, уларни реализация қилиш (сотиш) жойида намойиш этишдан олдин уларнинг намуналарини намойиш қилиш ёки реализация қилиш (сотиш) жойида улар ҳақида маълумот беради.

Маиший техника идентификация қилиш воситалари йўқотилган ёки зарарланган, сотиб олиш ва сотиш операциялари доирасида етказиладиган (реализация қилинадиган), шу жумладан, истеъмолчи томонидан ва воситачилик шартномалари бўйича улар қайтарилгандан сўнг реализация қилишга (сотиш) таклиф этиладиган маиший техника айланмаси иштирокчиси илгари маркировкаланган маиший техника маркировкаланишини таъминлайди (қайта маркировка).

3-боб. Маиший техника айланмаси иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

9. Маиший техника айланмаси иштирокчилари қўйидагиларга эга бўлиши керак:

а) малакали электрон имзо (кейинги ўринларда — ЭРИ);

б) электрон ҳужжатларни электрон имзо билан яратиш ва имзолашга, шунингдек, зарур электрон ҳужжатларни ММК МАТ билан, шу жумладан, шахсий кабинет орқали алмаштиришга қодир бўлган аппарат-дастурий комплекс.

10. Ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар, ушбу Вақтинчалик низомнинг 9-бандида кўрсатилган талаблардан ташқари буюртмаларни бошқариш серверига масофадан кириш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

11. Улгуржи савдони амалга оширадиган маиший техника айланмасининг иштирокчиси ушбу Вақтинчалик низомнинг 9-бандида кўрсатилган талаблардан ташқари буюртмаларни бошқариш серверига масофадан туриб кириш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

12. Чакана савдо (шу жумладан, воситачилик) савдосини амалга оширадиган маиший техника айланмасининг иштирокчиси ушбу Вақтинчалик низомнинг 9-бандида кўрсатилган талаблардан ташқари қўйидагиларга эга бўлиши керак:

а) маиший техника товарларини идентификация қилиш воситаларини сканерлаш ва таниб олиш воситалари касса ускунасига уланган бўлиши керак;

б) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, Ўзбекистон Республикасининг назорат-касса машиналаридан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ рухсат олган ташкилот билан тузилган, фискал маълумотларни қайта ишлаш (кейинги ўринларда — фискал маълумотлар оператори), маиший техника муомаласи иштирокчиси номидан ҳар бир сотилган савдо пункти учун назорат-касса машиналари ёрдамида маркировкаланган маиший техникани муомаладан олиб ташлаш тўғрисидаги маълумотларни ММК МАТга қайта ишлаш ва узатиш тўғрисидаги шартнома (назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳолатларида фискал ҳужжатларни солиқ органларига фискал маълумотлар оператори орқали электрон шаклда топширишни назарда тутмаган режимда маркировкаланган маиший техникани муомаладан олиб қўйиш тўғрисидаги маълумотларни узатиш бундан мустасно);

в) операторнинг ММК МАТ буюртмаларни бошқариш серверига масофадан кириш. Маиший техника айланмаси иштирокчилари учун ММК МАТ оператори инфратузилмасида жойлашган буюртмаларини бошқариш серверига масофадан туриб киришни таъминлаш оператор томонидан бепул амалга оширилади.

Маиший техника айланмасининг иштирокчисига буюртмаларни бошқариш серверига масофадан туриб кириш ҳуқуқини берувчи оператор ахборот тизимидан рўйхатдан ўтади.

4-боб. Маиший техника айланмасидаги иштирокчиларнинг ММК МАТ билан маълумот алмашиш тартиби

14. Маиший техника муомаласи иштирокчилари томонидан ММК МАТнинг операторига маълумотларни тақдим этиш, маълумотлар тизимининг оператори томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар узатишнинг стандарт протоколлари ва электрон интерфейслари ёрдамида электрон ҳужжатларни алмаштириш (ариза, хабарнома, квитанция, ва бошқалар), уларнинг форматини ММК МАТнинг оператори белгилайди ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ММК МАТнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

15. Маиший техника муомаласи иштирокчилари томонидан ММК МАТга юбориладиган электрон ҳужжатлар маиший техника айланмаси иштирокчисининг кенгайтирилган электрон имзоси билан имзоланиши керак, ўтказиш ҳолатлари бундан мустасно:

а) маиший техника муомаласи иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикасининг назорат-касса машиналаридан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ фискал ҳужжатлар таркибида электрон шаклда ўтказилган маиший техника чакана савдоси тўғрисидаги маълумотлар;

б) маиший техника айланмаси иштирокчилари томонидан электрон шаклда маркировкалаш кодлари чиқарилишини рўйхатга олиш мосламалари ёрдамида узатиладиган маълумотлар.

16. Маиший техника товарлари муомалага киритилганда, муомалада бўлганда ва муомаладан чиқарилаётганда ММК МАТга маълумот тақдим этилиши маиший техника айланмасининг иштирокчиси томонидан кетма-кетликда амалга оширилади.

Товар айланмаси иштирокчисининг транспорт кадоқлари тўғрисидаги маълумотни узатиши, ушбу транспорт кадоқларида мавжуд бўлган маиший техника товарлари тўғрисидаги маълумотларнинг мониторинг тизимида мувофиқ узатилишига тенглаштирилади.

Товар айирбошлаш иштирокчисининг йиғилган божхона кодлари тўғрисидаги маълумотни этказиб бериш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқарилган ва божхона ҳудудига олиб кирилган (импорт қилинган) ҳолларда товарларни муомалага киритишда маиший техника тўғрисидаги маълумотларнинг берилишига тенг ҳисобланади. мониторинг тизимида мувофиқ умумлаштирилган божхона кодексида мавжуд.

17. Маиший техника муомаласи иштирокчилари томонидан ушбу Вақтинчалик низом талабларига жавоб берадиган ММК МАТга юборилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар ММК МАТда акс эттирилиши керак.

18. Агар қуйидаги сабаблардан бири бўлса, оператор ҳужжатларни (аризаларни, билдиришномаларни) қабул қилишдан ёки маиший техника айланмаси иштирокчилари томонидан тақдим этилган маълумотларни ММК МАТга киритишдан бош тортади:

а) тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган форматни бузган ҳолда тайёрланган, нотўғри маълумотлар ёки ушбу Вақтинчалик низомнинг 8, 10 ва 11-бобларида назарда тутилган мажбурий маълумотларни ўз ичига олмаган;

б) ҳужжат имзоланмаган ёки маиший техника айланмаси иштирокчиси номидан ҳужжатни имзолаш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган;

в) маиший техника муомаласи иштирокчисига нисбатан юридик шахсларнинг ягона давлат реэстрида юридик шахс фаолиятини тугатиш тўғрисида хабарнома мавжудлиги ёки жисмоний шахсларнинг ягона давлат реэстрида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятини тугатиш тўғрисида хабарнома мавжудлиги.

19. Маиший техника айланмаси иштирокчисининг электрон ҳужжатларни топширган ёки маълумотларни ММК МАТга киритган кундан бошлаб 1 календарь иш кун ичида тақдим этилган электрон ҳужжатлари қабул қилинганлиги ёки ММК МАТга маълумотлари киритилганлиги тўғрисида хабарнома берилади ёки электрон ҳужжатлари қабул қилинмаганлиги ва ММК МАТга маълумотлари киритилмаганлиги тўғрисида хабарнома юборилади. Юборилган хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

а) маиший техника айланмаси иштирокчиси ҳужжатининг рўйхатдан ўтиш рақами;

б) хабарнома рақами;

в) хабарнома санаси;

г) маиший техника товарларининг идентификация кодлари (товарларнинг ягона нусхалари учун идентификация кодлари, транспортировка қадоқлаш учун идентификация кодлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ишлаб чиқарилган ва божхонага олиб кириладиган (импорт қилинган) товарларни муомаллага киритишда йиғилган божхона кодлари тизимдаги маълумотлар ва уларнинг ҳолати (мақомининг ўзгариши) (агар маиший техника айланмаси иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатда товар ҳақида маълумот бўлса);

д) ММК МАТга ҳужжатлар (маълумотлар) киритилиши ёки уларни киритишни рад этиш сабаблари тўғрисида хабарнома.

20. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 19-бандида кўрсатилган хабарномалар (квитанциялар) ахборот мониторингини юритиш тизими оператори томонидан маиший техника айланмаси иштирокчисига электрон интерфейслардан фойдаланган ҳолда ахборот мониторинги тизимидаги шахсий кабинет орқали ёки электрон почта орқали юборилади.

21. Ахборот мониторингини юритиш тизимига электрон ҳужжатни тақдим этиш санаси — электрон ҳужжатни қабул қилиш тўғрисидаги хабарномада (квитанцияда) қайд этилган сана ҳисобланади.

Маиший техника айланмаси иштирокчисининг ахборот мониторинги тизимига электрон ҳужжатни (маълумотни) тақдим этиш мажбуриятини бажарганлиги, ахборот мониторинг тизимига маълумотларни киритиш тўғрисида хабарнома (квитанция) билан тасдиқланади.

Ушбу хабарномалар (квитанциялар) электрон ҳужжатлар топширилган ёки ММК МАТга киритилган кундан бошлаб бир кун ичида автоматик равишда тузилади ва ММК МАТ маълумотларни қайд этгандан сўнг маиший техника айланмаси иштирокчисига ММК МАТ орқали электрон ҳужжат кўринишида юборилади.

23. Маиший техника айланмасининг иштирокчилари маълумотларни ММК МАТга мустақил равишда ва бошқа юридик ёки жисмоний шахсларни жалб қилган ҳолда юборишади. Юридик ёки жисмоний шахслар жалб қилинганда улар якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтган, маиший техника айланмаси иштирокчилари томонидан ваколат берилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ уларнинг номидан иш юритиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак бўлади.

24. Агар ушбу вақтинчалик низомда бошқа қоидалар белгиланмаган бўлса, ММК МАТнинг оператори маиший техника айланмаси иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни ММК МАТда қабул қилган кундан бошлаб 1 кундан кечиктирмай жойлаштиришни таъминлайди ва ариза берувчига ёки маиший техникани ўтказган бошқа айланманинг иштирокчиларига (агар ўзгаришлар уларга таълуқли бўлса) ММК МАТга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида мажбурий хабарнома (квитанция) юборади.

25. Маиший техника айланмаси мониторингини таъминлаш мақсадида ММК МАТнинг оператори тизимда қуйидаги маълумотларнинг мавжудлигини таъминлайди:

- а) маиший техника айланмаси иштирокчилари тўғрисида маълумот;
- б) маркировка қилинадиган маиший техника тўғрисида маълумот;
- в) маҳсулотга ёки маҳсулот ёрлиғига қўлланиладиган идентификация қилиш воситалари тўғрисида маълумот;
- г) маиший техника айланмаси иштирокчилари томонидан идентификациялаш воситаси билан маркировка қилинадиган ва ММК МАТ орқали маълумот алмашиш учун фойдаланадиган буюртмаларни бошқариш серверлари тўғрисида маълумот;
- д) маиший техника муомаласи иштирокчиларига берилган маркировка кодлари тўғрисида маълумот;
- е) маркировкаланган маиший техника айланмаси ва уларни муомаладан чиқариш тўғрисида маълумот.

26. ММК МАТ оператори қуйидаги реестрларни юритади:

- а) ҳужжатлар реестри;
- б) маиший техника айланмаси иштирокчилари реестри;

- в) маиший техника айланмаси иштирокчиларининг ваколатли шахслари реестри;
- г) маиший техника реестри;
- д) маиший техника идентификациялаш воситаларининг реестри;
- е) буюртмаларни бошқариш серверларининг реестри;
- ж) маиший техника айланмасининг аниқланган бузилишлари реестри.

**5-боб. «Asl belgisi» маҳсулотларни маркировкалаш ва
кузатиб бориш миллий ахборот тизимидан
рўйхатдан ўтиш**

б) маиший техника маҳсулотларини қабул қилган маиший техника маҳсулотлари айланмасининг иштирокчиси маиший техника маҳсулотларини топшириш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш тўғрисидаги хабарномани имзолайди ва уни юборади, шунингдек, маиший техника маҳсулотларини жўнатишни амалга оширган маиший техника маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси томонидан имзоланган маиший техника маҳсулотларини топшириш (қабул қилиш) тўғрисидаги хабарномани ахборот тизимига жўнатади. Бунда агар тузатувчи универсал ўтказиш ҳужжати маиший техника маҳсулотларини топшириш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш тўғрисида хабарнома сифатида ишлатилса маиший техника воситалари айланмаси иштирокчиси томонидан имзоланган маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) тўғрисидаги хабарномани ахборот тизимига жўнатилмаслиги мумкин;

в) маиший техника маҳсулотлари айланмасининг иккала иштирокчисидан олинган маълумотларга аниқлик киритиш тўғрисида хабарномалар олинганидан сўнг оператор маиший техника маҳсулотларини идентификациялаш воситалари реестри ахборот тизимига маиший техника маҳсулотлари маиший техника маҳсулотлари айланмасининг бир иштирокчисидан бошқа

иштирокчисига маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) тўғрисида ахборотни аниқлаштириш тўғрисидаги хабарномада келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилганлигини тасдиқлайди.

89. Агар маиший техника маҳсулотлари қабул қилингандан ва бу ҳақда ахборот тизимига маълумот тақдим этилгандан сўнг маиший техника маҳсулотлари айланмаси иштирокчилари томонидан ўтказиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга ўзгартириш киритиш кераклиги аниқланса, унда:

а) маиший техника маҳсулотларини жўнатишни (ўтказишни) амалга оширган маиший техника маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) тўғрисидаги маълумотларни аниқлаштириш тўғрисидаги (универсал тузатувчи ҳужжат ёки тузатувчи универсал ўтказиш ҳужжати шаклида) хабарномани шакллантиради, уни имзолайди ва ахборот тизимига юборади;

б) маиший техника маҳсулотларини қабул қилишни амалга оширган маиший техника маҳсулотлари айланмаси иштирокчиси маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш тўғрисидаги хабарномани имзолайди ва уни ахборот тизимига юборади;

в) ахборот тизими оператори ушбу хабарномаларни олганидан сўнг маълумотлар тизимининг маиший техника маҳсулотларини идентификация қилиш воситалари реестрида маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш тўғрисидаги хабарномага мувофиқ маълумотлар тўғриланганлиги фактини акс эттиради;

г) агар маиший техника маҳсулотлари айланмасининг иштирокчиларидан бири (жўнатувчи ёки олувчи) маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларга, маиший техника маҳсулотлари айланмасининг иккала иштирокчиси (жўнатувчи ва олувчи) томонидан имзоланган, аниқлик киритиш тўғрисидаги хабарномани (умумий тузатувчи ҳужжат ёки тузатувчи универсал ўтказиш ҳужжати шаклида) ахборот тизимига юборган бўлса, ушбу маиший техника маҳсулотига нисбатан ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган маълумотлар маиший техника маҳсулотлари айланмасининг бошқа иштирокчиси томонидан ахборот тизимига юборилмаслиги мумкин. Маиший техника маҳсулотлари айланмасининг иккала иштирокчиси томонидан имзоланган хабарномани олганидан сўнг ахборот тизимининг оператори маълумотлар тизимининг маиший техника маҳсулотларини идентификация қилиш воситалари реестрида маиший техника маҳсулотларини ўтказиш (қабул қилиш) ҳақидаги маълумотларга аниқлик кириш тўғрисидаги хабарномага мувофиқ маълумотлар тўғриланганлиги фактини акс эттиради.

90. Чакана савдога қўйилмайдиган маиший техника маҳсулотларини айланмадан чиқариш тўғрисида илгари операторга берилган маълумотни бекор қилиш ёки тузатиш учун маиший техника маҳсулоти айланмаси иштирокчиси ахборот тизими операторига реквизитларни кўрсатган ҳолда илгари юборилган хабарномани бекор қилиш тўғрисида хабарнома юбора-

ди ва заруратга кўра ушбу Вақтинчалик низомнинг 81-бандида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган янги хабарнома юборди.

91. Майший техника айланмаси иштирокчисининг фаолиятини текширадиган даврда ваколатли ижро этувчи орган томонидан маълумотлар ўзгариши тўғрисида юборган билдиришномага асосан майший техника айланмаси иштирокчиси томонидан илгари тақдим этилган майший техника муомалага киритилиши, майший техника айланмаси ва уларнинг муомаладан чиқарилиши тўғрисидаги маълумотларга оид ахборот тизимига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

12-боб. Ахборот тизимида жойлаштирилган маълумотларга кириш ва улардан фойдаланиш

92. Ахборот тизимининг оператори тизимдаги мавжуд бўлган умумий маълумотлардан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали манфаатдор шахсларнинг фойдаланиш имкониятини беради.

93. Ахборот тизимининг оператори қуйидаги имкониятларни тақдим этадиган бепул мобил иловани ишлаб чиқади ва Интернетда бепул фойдаланишга жойлаштиради:

а) маҳсулот ёки маҳсулот ёрлиғидан идентификациялаш воситаларини ўқиш;

б) майший техникани идентификация қилиш воситаларида мавжуд бўлган маълумотларни ахборот тизимига юбориш;

в) текшириляётган майший техника маҳсулоти тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан, майший техника маҳсулотининг номи, ишлаб чиқарувчиси, майший техника маҳсулотининг амалдаги (охирги) эгаси, майший техника маҳсулоти (майший техника маҳсулотининг идентификация воситаси) ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, ушбу маълумотларни электрон қурилма экранда акс этириш;

г) мобил илова фойдаланувчиси томонидан ахборот тизимига маркировкалаш тартиби бузилиши ҳолатлари юзасидан маълумотларни юбориш.

94. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборот тизимида мавжуд бўлган ва фойдаланиш чекланган маълумотлар қуйидаги ҳолатларди тақдим этилади:

а) ижро этувчи органларга шахсий кабинет орқали ёки электрон ҳужжатларни алмашиш орқали, шу жумладан, давлат ва шаҳар хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган ахборот тизимларининг ахборот ва технологик ўзаро таъсирини таъминловчи инфратузилма орқали;

б) ахборот тизимига кириш учун маълумот тақдим этишлари шарт бўлган майший техника айланмаси иштирокчиларига, шунингдек, майший техника маҳсулотларини савдо иштирокчисининг шахсий кабинети ёки электрон хизматлардан фойдаланган ҳолда ахборот тизимига ўтказиладиган ҳажм ва таркибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 20 майдаги 322-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келадиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона тартиботларини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 25 сентябрдаги 762-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақидаги низом илова мувофиқ тасдиқлансин».

б) 1 ва 2-илвалар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 сентябрдаги 762-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом жисмоний ва юридик шахслар томонидан автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисида божхона органига дастлабки электрон шаклдаги ахборотни тақдим этиш, рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартиботларини, шунингдек, тақдим этиш муддатлари ва тақдим этиш талаб этилмайдиган ҳолатларни белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

дастлабки электрон шаклдаги ахборот (кейинги ўринларда — дастлабки ахборот) — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар, уларни ташувчи транспорт воситалари, товарларни олиб кириш вақти ва жойи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали кириб келувчи йўловчилар ва уларнинг

багажлари тўғрисида олдиндан божхона органларининг ахборот тизимида Интернет тармоғи орқали тақдим этиладиган электрон маълумотлар;

идентификация коди — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисида маълумотларнинг ноёб тури;

йўловчи номининг ёзуви (Passenger Name Record — PNR) — брон қилиш базасига киритилган авиачипталарни брон қилиш тўғрисидаги маълумотлар, бунда йўловчи ҳақидаги шахсий, шунингдек, унинг ёҳуд у билан бирга саёҳат қилаётган бир гуруҳ йўловчиларнинг йўналиши тўғрисидаги маълумотлар акс этирилади;

йўловчи ҳақида дастлабки маълумот (Advance Passenger Information — API) — ташувчи томонидан етиб бориш давлатининг назорат қилувчи органларига тақдим этиш учун автоматик равишда йиғилдиган йўловчиларнинг биографик ва рейснинг бошқа маълумотлари тўғрисидаги дастлабки ахборот;

формат-мантиқий назорат — Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — ДБК ЯААТ) тақдим этиладиган ахборотларни мантиқан ўзаро таққослаш ёки божхона органларида мавжуд маълумотлар билан солиштириш ва уларнинг белгиланган форматга мувофиқлигини дастлабки текширувдан ўтказиш жараёни.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида олиб киришга мўлжалланган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисида олдиндан божхона органига дастлабки ахборотни тақдим этувчи шахслар қуйидагилар ҳисобланади:

темир йўл транспортида — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ёки жамият томонидан белгиланган масъул шахслар;

автомобиль транспортида — божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини амалда олиб ўтувчи шахслар (ҳайдовчи);

ҳаво транспортида — божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган ҳаво транспорти тегишли бўлган авиакомпания ёки улар томонидан белгиланган масъул шахслар;

ҳалқаро курьерлик жўнатмаларида — почта алоқаси оператори ёки провайдер ёҳуд улар томонидан белгиланган масъул шахслар;

ташувчилар ёҳуд товар эгалари ёки товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар.

Дастлабки ахборотни тақдим этувчи шахслар маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган муддатларда божхона органларига тақдим этилишига жавобгар ҳисобланадилар.

2-боб. Божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки ахборотни божхона органига тақдим этиш ва кўриб чиқиш

4. Божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар, транспорт

воситалари, шу жумладан йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги дастлабки ахборотни божхона органига тақдим этиш ва кўриб чиқиш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Дастлабки ахборот тақдим этувчи шахслар божхона ахборот тизимидаги дастлабки ахборотни тақдим этиш дастуридан логин ва пароль олган ҳолда рўйхатдан ўтадилар.

Дастлабки ахборотни тақдим этиш мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ Интернет тармоғи орқали тақдим этилади. Ушбу дастлабки ахборотдан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари «Ягона дарча» божхона ахборот тизими доирасида фойдаланишлари мумкин.

Темир йўл ва ҳаво транспорти орқали олиб киришга мўлжалланган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги дастлабки ахборот алоҳида ташкил этилган телекоммуникация тармоқлари орқали тақдим этилиши мумкин.

6. Олиб киришга мўлжалланган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги дастлабки ахборот улар божхона ҳудудига амалда етиб келгунга қадар божхона органига давлат тили, рус ёхуд инглиз тилида тақдим этилади.

7. Дастлабки ахборот божхона органлари ахборот тизимида қуйидаги муддатларда тақдим этилади:

автомобиль транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтишидан бир соат олдин;

темир йўл транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасига етиб келишидан бир соат олдин;

узоқ ёки ўрта магистрал парвозни амалга оширишда — ҳаво транспортининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига учиб келишидан икки соат олдин;

яқин магистрал парвозларни амалга оширишда — ҳаво транспортининг учиш вақтида.

8. Автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган (шу жумладан, транзит ўтадиган) товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги дастлабки ахборот божхона органига ушбу Низомга 2 — 5-иловаларга мувофиқ тақдим этилиши шарт.

Ушбу Низомга 2 — 5-иловалар талабларига мувофиқ бўлмаган тарзда тақдим этилган дастлабки ахборот божхона органларининг ахборот тизимида автоматик тарзда рад этилиб, тақдим этилган деб ҳисобланмайди.

3-боб. Дастлабки ахборотни тақдим этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Дастлабки ахборотни тақдим этувчи шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Низомда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш учун

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

божхона мақсадларида зарур бўлган барча ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланиш;

божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш, электрон маълумотларни узатиш учун ахборот тизимларидан фойдаланиш;

ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳолатларда дастлабки ахборотни тақдим этмаслик;

тақдим этилган дастлабки ахборот рад этилганда, мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган муддатларда ҳамда 2 — 5-иловаларга мувофиқлаштирилган ҳолда қайта тақдим этиш;

тақдим этилган дастлабки ахборот асосида божхона юк декларациясини шакллантириш.

10. Дастлабки ахборотни тақдим этувчи шахслар қуйидаги мажбуриятларга эга:

дастлабки ахборотни тақдим этиш дастурида рўйхатдан ўтиш;

товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисидаги дастлабки ахборотни божхона органларига ушбу Низомнинг 7-бандида белгиланган муддатларда тақдим этиш;

дастлабки ахборотни товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда етиб келгунга қадар божхона органларига мазкур Низомга 2 — 5-иловаларга мувофиқ тақдим этиш;

дастлабки ахборотда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва тўлиқлигини таъминлаш.

4-боб. Дастлабки ахборотни тақдим этиш талаб этилмайдиган ҳолатлар

11. Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган қуйидаги товарлар ва транспорт воситалари бўйича божхона органларига дастлабки ахборотни тақдим қилиш мажбурий ҳисобланмайди:

а) автомобиль ўтказиш пунктлари орқали жисмоний шахслар томонидан қўл юки ёки кузатиб бориладиган бағажида олиб кирилаётган товарларга нисбатан;

б) божхона имтиёзларидан фойдаланувчи хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар томонидан расмий (хизматда) фойдаланиши мақсадида божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан;

в) авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатларини бартараф этиш мақсадида олиб кирилган товарлар ва (ёки) транспорт воситаларига, шунингдек, инсонпарварлик ҳамда техник кўмак сифатидаги товарларга нисбатан;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ берилган ва рухсатномалар билан тасдиқланган ҳарбий юкларга нисбатан;

д) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг бир божхона пости-

дан бошқа божхона постига хорижий давлатлар ҳудудлари орқали олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикаси товарлари ва транспорт воситаларига нисбатан;

е) қувур транспортида ва электр узатиш линиялари орқали олиб кираётган товарларга нисбатан;

ж) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига амалда етиб келгунга қадар дастлабки божхона юк декларацияси тақдим этилган товарларга нисбатан.

5-боб. Божхона органларининг дастлабки ахборотдан фойдаланиш

12. Тақдим этилган дастлабки ахборот ДБК ЯААТда реал вақт режимида қабул қилинади ва формат-манتيқий назоратдан ижобий ўтгандан сўнг автоматик тарзда ахборот тақдим этувчи шахсларга идентификация коди берилган ҳолда рўйхатдан ўтказилади.

Ушбу идентификация коди олиб ўтилиши режалаштирилган товарлар ва транспорт воситалари амалда божхона чегарасига етиб келганида божхона органига тақдим этилади.

13. Тақдим этилган дастлабки ахборотдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) божхона чегараси орқали олиб ўтилиши режалаштирилган товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисида маълумот олиш ва таҳлил қилишда;

б) хавфларни бошқариш тизимини қўллашда;

в) товарлар, транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар ва уларнинг багажлари божхона ҳудудига амалда кириб келгунга қадар божхона назорати шакллари, уларнинг қўлланилиш ҳажмини танлаш ҳамда тегишли чоралар кўриш бўйича дастлабки қарорларни қабул қилишда;

г) божхона операциялари амалга оширилишини тезлаштириш ва божхона назорати ўтказилишини оптималлаштиришда;

д) юкни етказиб бериш назорат ҳужжатларини электрон шакллантиришда.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Тақдим этилган дастлабки ахборотни ошкор этиш, ундан бошқа мақсадларда фойдаланиш, учинчи шахсларга бериш ман этилади.

15. Дастлабки ахборот тизимга киритилгандан кундан бошлаб, 30 календарь кун муддатгача сақланади.

16. Ушбу Низомда белгиланган талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасининг божхона
худудига олиб киришга мўлжалланган товарлар
ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки
электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан
ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби
ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

**Юк ташувларини амалга ошираётган автотранспорт
воситалари ва уларда ташилаётган товарлар тўғрисида
божхона органларига тақдим этиладиган
дастлабки ахборот
ТАРКИБИ**

**I. Дастлабки ахборотни тақдим қилувчи шахс ҳақидаги
маълумот**

Жисмоний шахс

1. Ф.И.О/(юридик шахснинг номи)
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, берилган вақти, ким томонидан берилган)
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон резидентлари учун)*
5. Фуқаролиги
6. Манзили
7. Телефон рақами/электрон почта манзили (email)

Юридик шахс

1. Номи
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Манзили (юридик манзили)
4. Электрон почта манзили (email)

II. Умумий маълумотлар

1. Олиб ўтиш йўналиш тури
2. Халқаро йўлларда ташиш китобчаси (ХЙТ асосида ташилганда)
3. Халқаро йўлларда ташиш китобчаси рақами (ХЙТ асосида ташилганда)
4. Ташув бошланган давлат
5. Ташув тугалланадиган давлат
6. Ташув турига мувофиқ рухсатнома (дозвол)**
7. Кириш божхона пости
8. Чиқиш божхона пости

9. Товар кириб келиши кутилаётган сана

III. Ташувчи

1. Ташувчи манзили (юримдик/почта)
2. Юримдик/жисмоний шахс
3. Ташувчининг номи
4. Ташувчининг давлати
5. Ташувчининг телефон рақами
6. Ташувчининг СТИРи (Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун)
7. Божхона ташувчиларининг реестрига киритилган рақами

IV. Товарга тегишли йўл-юк ҳужжатлари

1. Ҳужжат коди
 2. Ҳужжат рақами
 3. Ҳужжат санаси
 4. Инвойс
 5. Йўл-юк варақаси (СМР/ТТН)
 6. Келиб чиқиш сертификати*
- Товарларга нисбатан бошқа давлат органлари назоратни амалга ошириши лозим бўлганда:
1. Фитосанитар сертификати рақами/санаси
 2. Карантин рухсатномаси рақами/санаси
 3. Ветеринария сертификати рақами/санаси
 4. Бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар*

V. Товар ҳақидаги маълумотлар

1. ТИФ ТН коди (камида 6 рақамли)
2. Товарнинг келиб чиқиш мамлакати коди*
3. Товар номи
4. Товар қиймати (фактура қиймати)
5. Валюта коди
6. Вазни (брутто)/кг.
7. Вазни (нетто)/кг.
8. Умумий ўринлар сони
9. Қўшимча ўлчов бирлиги
10. Қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори
11. Етказиб бериш шарти

VI. Юк жўнатувчи

1. Юк жўнатувчи давлат

2. Юридик/жисмоний шахс
3. Юк жўнатувчининг номи
4. Юк жўнатувчи манзили (вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй рақами)
5. Электрон почта манзили*
6. Телефон рақами*

VII. Юк қабул қилувчи

1. Юк қабул қилувчи давлат
2. Юридик/жисмоний шахс
3. Юк қабул қилувчининг номи
4. Юк қабул қилувчи манзили (вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй рақами)
5. Электрон почта манзили*
6. Телефон рақами*
7. Юк қабул қилувчининг СТИРи

VIII. Автотранспорт воситаси тўғрисида маълумот

1. Транспорт воситаси давлат рақами
2. Тиркама ва ярим тиркама давлат рақами
3. Транспорт воситаси русуми ва модели
4. Транспорт тури
5. Рўйхатга олинган давлат
6. Кузов рақами
7. Транспортнинг идентификация рақами(VIN)
8. Двигатель рақами
9. Двигатель ҳажми (см³)
10. Шасси рақами
11. Ишлаб чиқарилган йили
12. Транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома рақами
13. Божхона тўловлари суммаси таъминланганлик идентификация рақами*

IX. Товарни манзилга етказиб бериш учун масъул шахс

1. Фамилияси
2. Исми
3. Отасининг исми*
4. Паспорт рақами (серия, рақами ва ким томонидан берилган)
5. Ким томонидан берилган
6. Фуқаролиги
7. Юкни етказиб беришга масъул шахснинг манзили

Х. Юк контейнери тўғрисида маълумот

1. Юк контейнери (бор ёки йўк) (юк контейнерда ташилганда)
2. Юк контейнери рақами (юк контейнерда ташилганда)

* тақдим этилиши мажбурий хусусиятга эга бўлмаган маълумотлар;

** ташув хорижий транспорт воситаларида ташиляётган ҳолларда халқаро автомобиль қатновлари тўғрисидаги битимга мувофиқ рухсатнома (дозвол) талаб этилганда.

Ўзбекистон Республикасининг божхона
худудига олиб киришга мўлжалланган товарлар
ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки
электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан
ва ўтказиш улардан фойдаланиш тартиби
ҳақидаги низомга
З-ИЛОВА

**Темир йўл транспортида ташиляётган товарлар ва
транспорт воситалари, шу жумладан, йўловчилар, экипаж
аъзолари ва уларнинг багажлари тўғрисида божхона
органларига олдиндан тақдим этиладиган
дастлабки ахборот
ТАРКИБИ**

**I. Дастлабки ахборотни тақдим қилувчи шахс ҳақидаги
маълумот**

Жисмоний шахс

1. Ф.И.О./ (юридик шахснинг номи)
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, берилган вақти, ким томонидан берилган)
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон резидентлари учун)*
5. Фуқаролиги
6. Манзили
7. Телефон рақами/Электрон почта манзили (email)

Юридик шахс

1. Номи
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Манзили (юридик манзили)
4. Электрон почта манзили (email)

II. Умумий маълумотлар

1. Ҳаракат йўналиши (Им, Эк, Тр)
2. Юк жўнатувчининг СТИРи (мавжуд бўлса)
3. Юк жўнатувчининг номи ва манзили
4. Юк жўнатувчи давлат
5. Юк жўнатувчи темир йўл станцияси
6. Юк қабул қилувчининг СТИРи (товарлар Ўзбекистон Республикасига импорт қилинганда)
7. Юк қабул қилувчининг номи ва манзили
8. Юк қабул қилувчи давлат
9. Юк етиб бориши белгиланган давлат
10. Юк жўнатиш санаси
11. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келиш вақти ва санаси
12. Юк етиб келиши белгиланган темир йўл станцияси
13. Юк етиб келиши белгиланган чегара божхона пости
14. Ҳаракат таркиби рақами
15. Поезд индекси
16. Ҳаракат таркиби бўйича юкли, юксиз ва йўловчи вагон сони
17. Вагон рақами
18. Контейнер рақами

III. Товарга тегишли йўл-юк ҳужжатлари

1. Ҳужжат тури
 2. Ҳужжат рақами
 3. Ҳужжат санаси
 4. Инвойс
 5. Юк хати (ХТЮТШ-халқаро темир йўл ташиш шартномаси (СМГС))
 6. Келиб чиқиш сертификати*
- Товарларга нисбатан бошқа давлат органлари назоратни амалга ошириши лозим бўлганда:
1. Фитосанитар сертификати рақами/санаси
 2. Карантин рухсатномаси рақами/санаси
 3. Ветеринария сертификати рақами/санаси
 4. Бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар*

IV. Товар ҳақидаги маълумотлар

1. ТИФ ТН коди (камида 6 рақамли)
2. Товарнинг келиб чиқиш мамлакати коди*
3. Товар номи
4. Товар қиймати (фактура қиймати)
5. Валюта коди

6. Вазни (брутто)/кг.
7. Вазни (нетто)/кг.
8. Умумий ўринлар сони
9. Қўшимча ўлчов бирлиги
10. Қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори
11. Валюта курси*
12. Етказиб бериш шарти

V. Йўловчилар, вагон кузатувчилари ва уларнинг багажларини ташишда тақдим этиладиган маълумотлар

1. Ҳаракат таркиби рақами
2. Режалаштирилган жўнаш санаси
3. Жадвал бўйича жўнаб кетиш вақти (жўнаш мамлакатининг вақти билан)
4. Режалаштирилган етиб бориш санаси
5. Жадвал бўйича етиб бориш вақти (етиб бориш мамлакатининг вақти билан)
6. Темир йўл ҳаракат таркибининг жўнаш станцияси
7. Темир йўл ҳаракат таркибининг етиб бориш станцияси
8. Расмий йўл ҳужжати рақами
9. Расмий йўл ҳужжатини берган мамлакат ва ташкилот*
10. Расмий йўл ҳужжати тоифаси*
11. Расмий йўл ҳужжатининг амал қилиш муддати*
12. Ф.И.О.
13. Миллати*
14. Туғилган санаси*
15. Жинси
16. Йўловчи учун ажратилган ўриндиқ рақами
17. Поезд кузатувчилари ва бригада аъзолари сони*
18. Поезд кузатувчилари ва бригада аъзолари томонидан кузатувга олинган юклар*
19. Багажининг вазни
20. Багажининг ўринлар сони
21. Ҳаракат таркибидаги жами йўловчилар сони
22. Яшаш манзили*
23. Бўлиш мамлақатидаги яшаш манзили*
24. Электрон почта манзили*
25. Алоқа телефонлари*
26. Чипта брон қилинган сана*
27. Чипта олинган/сотиб олинган шаҳар*
28. Чиптани олиш/сотиб олиш санаси*
29. Чипта рақами*
30. Чипта тоифаси (бизнес, эконоом)
31. Рўйхатдан ўтиш жойи*

32. Брон коди ва назорат рақами*

* тақдим этилиши мажбурий хусусиятга эга бўлмаган маълумотлар.

Ўзбекистон Республикасининг божхона
худудига олиб киришга мўлжалланган товарлар
ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки
электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан
ва ўтказиш улардан фойдаланиш тартиби
ҳақидаги низомга
4-ИЛОВА

**Авиа транспортда ташилаётган товарлар ва транспорт
воситалари, шу жумладан, йўловчилар, экипаж аъзолари ва
уларнинг багажлари тўғрисида божхона органларига
олдиндан тақдим этиладиган дастлабки ахборот
ТАРКИБИ**

**I. Дастлабки ахборотни тақдим қилувчи шахс
ҳақидаги маълумот**

Жисмоний шахс

1. Ф.И.О/(юридик шахснинг номи)
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, берилган вақти, ким томонидан берилган)
4. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон резидентлари учун)*
5. Фуқаролиги
6. Манзили
7. Телефон рақами/Электрон почта манзили (email)

Юридик шахс

1. Номи
2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Манзили (юридик манзили)
4. Электрон почта манзили (email)

II. Умумий маълумотлар

1. Ҳаракат йўналиши
2. Юк жўнатувчи давлат
3. Юк жўнатувчи давлат коди
4. Юк жўнатувчи номи
5. Юк жўнатувчи манзили

6. Юк қабул қилувчи давлат
7. Юк қабул қилувчи номи
8. Юк қабул қилувчи манзили
9. Юк қабул қилувчи СТИРи (товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинган тақдирда)
10. Юк жўнатилган сана
11. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келиш санаси
12. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига етиб келиш вақти

III. Ташувчи

1. Агентнинг номи, коди ва жойлашган шаҳри*
2. Агентнинг IATA коди*
3. Биринчи ташувчининг белгиланган манзили (IATA рўйхати бўйича аэропорт ёки шаҳарнинг учталиқ коди)*
4. Биринчи ташувчининг номи ва IATA коди*
5. Иккинчи ташувчининг белгиланган манзили (IATA рўйхати бўйича аэропорт ёки шаҳарнинг учталиқ коди)*
6. Иккинчи ташувчининг номи ва IATA коди*
7. Учинчи ташувчининг белгиланган манзили (IATA рўйхати бўйича аэропорт ёки шаҳарнинг учталиқ коди)*
8. Учинчи ташувчининг номи ва IATA коди*
9. Барча суммаларнинг валюта коди (IATA стандартлари бўйича қабул қилинган халқаро коди)*
10. Умумий йиғимлар суммаси*

IV. Товарга тегишли йўл-юк ҳужжатлари

1. Ҳужжат коди
2. Ҳужжат рақами
3. Ҳужжат санаси
4. Инвойс
5. Юк авианакладнойи (Air Waybill)
6. Келиб чиқиш сертификати*

Товарларга нисбатан бошқа давлат органлари назоратни амалга ошириши лозим бўлганда:

1. Фитосанитар сертификати рақами/санаси
2. Карантин рухсатномаси рақами/санаси
3. Ветеринария сертификати рақами/санаси
4. Бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар*

V. Товар ҳақидаги маълумотлар

1. ТИФ ТН коди (камида 6 рақамли)
2. Товарнинг келиб чиқиш мамлакати коди*

3. Товар номи
4. Товар қиймати (фактура қиймати)
5. Валюта коди
6. Вазни (брутто)/кг.
7. Вазни (нетто)/кг.
8. Умумий ўринлар сони
9. Қўшимча ўлчов бирлиги
10. Қўшимча ўлчов бирлигидаги миқдори
11. Етказиб бериш шарти
12. Тўлов тўланадиган оғирлик*
13. Умумий тариф ва йиғимлар*
14. Оғирлик учун йиғим суммаси*

VI. Транспорт бўйича маълумотлар

1. Авиакомпания коди
2. Рейс рақами
3. Режалаштирилган жўнаш санаси
4. Жадвал бўйича учиб кетиш вақти (учиш мамлакатининг вақти билан)
5. Режалаштирилган учиб келиш санаси
6. Жадвал бўйича учиб келиш вақти (қўниш мамлакатининг вақти билан)
7. Ҳаво кемасининг жўнаш аэропорти
8. Ҳаво кемасининг дастлабки учиб келиш аэропорти
9. Ҳаво кемасининг кейинги/якуний учиб келиш аэропорти

VII. Йўловчилар, экипаж аъзолари ва уларнинг багажларини ташишда тақдим этиладиган маълумотлар

API маълумотлари:**

1. Авиакомпания коди
2. Рейс рақами
3. Режалаштирилган жўнаш санаси
4. Жадвал бўйича учиб кетиш вақти (учиш мамлакатининг вақти билан)
5. Режалаштирилган учиб келиш санаси
6. Жадвал бўйича учиб келиш вақти (қўниш мамлакатининг вақти билан)
7. Ҳаво кемасининг жўнаш аэропорти
8. Ҳаво кемасининг дастлабки учиб келиш аэропорти
9. Ҳаво кемасининг кейинги/якуний учиб келиш аэропорти
10. Расмий йўл ҳужжати рақами
11. Расмий йўл ҳужжатини берган мамлакат ва ташкилот
12. Расмий йўл ҳужжати тоифаси
13. Расмий йўл ҳужжатининг амал қилиш муддати
14. Ф.И.О.

15. Миллати
16. Туғилган санаси
17. Жинси
18. Йўловчи учун ажратилган ўриндиқ рақами
19. Йўловчининг мақоми (йўловчи, экипаж)
20. Багажининг вазни
21. Багажининг ўринлар сони
22. Багажининг ёрлиғи рақамлари
23. Рейсдаги жами йўловчилар сони
24. Яшаш манзили*
25. Бўлиш мамлакатадаги яшаш манзили*
26. Электрон почта манзили*
27. Алоқа телефонлари*
28. Чипта брон қилинган сана*
29. Чипта олинган/сотиб олинган шаҳар*
30. Чиптани олиш/сотиб олиш санаси*
31. Чипта рақами*
32. Чипта тоифаси
33. Рўйхатдан ўтиш жойи*
34. Брон коди ва назорат рақами

PNR маълумотлари:***

1. Исмга тааллуқли PNR маълумотлар
2. PNR локатори*
3. PNR яратилган сана
4. Манзил маълумотлари (йўловчи томонидан тақдим этилган тақдир-да)*
5. Турагент тўғрисидаги маълумотлар
6. Дастлаб режалаштирилган сафар санаси
7. Рейс охириги маротаба брон қилинган сана
8. PNR бўйича барча сафар йўналишлари
9. Чипта расмийлаштириш бандларидаги барча маълумотлар
10. Тўловнинг барча шакллари (нақд тўлов, электрон тўлов, кредит карточкасининг рақами ва амал қилиш муддати, чиптага олдиндан амалга оширилган тўлов хабари, валюта)*
11. Тўловни амалга оширган шахс/агентлик тўғрисидаги маълумотлар*
12. Рўйхатга олувчи агентнинг идентификатори
13. Рўйхатдан ўтиш вақти*
14. Рўйхатдан ўтганлик ҳолати*
15. Олдиндан сўралган жойлар
16. Рейс ёпилгандан кейинги ҳақиқий жойлар (рўйхатга олиш тугатилгандан сўнг тақдим этилади)*

* тақдим этилиши мажбурий хусусиятга эга бўлмаган маълумотлар;

****** Ўзбекистон Республикасига рейсларни амалга оширувчи хорижий давлатларнинг ҳаво кемаси фойдаланувчилари йўловчи, экипаж аъзолари ва уларнинг багажлари тўғрисидаги API маълумотларни Халқаро фуқаролик авиацияси конвенциясининг (1944 йил 7 декабрь) халқаро стандартлари ҳамда Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ICAO), Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) ва Халқаро ҳаво транспорти ташкилоти (IATA) халқаро ташкилотларнинг услубий тавсияларига мувофиқ тақдим этадилар;

******* Ўзбекистон Республикасига рейсларни амалга оширувчи хорижий давлатларнинг ҳаво кемаси фойдаланувчилари PNR маълумотларни Халқаро фуқаролик авиацияси конвенцияси (1944 йил 7 декабрь), Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилотининг (ICAO) Йўловчиларни рўйхатга олиш қайдлари (PNR) Doc.9944 ва халқаро ҳужжатларда назарда тутилган бошқа стандартлар тавсияларига мувофиқ тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг божхона
худудига олиб киришга мўлжалланган товарлар
ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки
электрон маълумотларни тақдим этиш, рўйхатдан
ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби
ҳақидаги низомга
5-ИЛОВА

**Халқаро курьерлик жўнатмалари орқали жисмоний
шахслар номига келаётган товарлар тўғрисида божхона
органларига тақдим этиладиган дастлабки ахборот
ТАРКИБИ***

**I. Дастлабки ахборотни тақдим қилувчи шахс
ҳақидаги маълумот**

Жисмоний шахс

1. Ф.И.О/(юридик шахснинг номи)
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами) ёки СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (Ўзбекистон резидентлари учун)**
4. Фуқаролиги
5. Манзили
6. Телефон рақами/электрон почта манзили (email)

Юридик шахс

1. Номи

2. СТИР (Ўзбекистон резидентлари учун)
3. Манзили (юридик манзили)
4. Электрон почта манзили (email)

II. Умумий маълумотлар

1. Қабул қилувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми
2. Қабул қилувчининг манзили
3. Қабул қилувчининг паспорт маълумотлари (серия ва рақами) ёки СТИР
4. Жўнатувчи давлат
5. Жўнатувчининг номи (жисмоний шахс бўлса Ф.И.О.)
6. Жўнатувчи манзили
7. Электрон почта манзили
8. Жўнатманинг тавсифи
9. Жўнатманинг қиймати
10. Халқаро курьерлик хизматларини кўрсатувчи шахс номи

III. Товарга тегишли йўл-юк ҳужжатлари

1. Ҳужжат коди
2. Ҳужжат рақами
3. Ҳужжат санаси
4. Тижорат ҳужжатлари

IV. Товар ҳақидаги маълумотлар

1. ТИФ ТН коди (агар бўлса)
2. Товар номи
3. Товар қиймати (фактура қиймати)
4. Валюта коди
5. Вазни (брутто)/кг.
6. Умумий ўринлар сони
7. Қўшимча ўлчов бирлиги
8. Қўшимча ўлчов бирлигидаги микдори

* *ёзма хат-хабарлар (майда пакетлардан ташқари), дипломатик почта ва консуллик почта қопларига татбиқ этилмайди;*

** *тақдим этилиши мажбурий хусусиятга эга бўлмаган маълумотлар.».*

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талабларда:

а) 3-бандга:

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«рақамли маркировкаланган маҳсулотларни рақамли идентификациялаш воситасининг маркировкалаш кодлари тўғри ўқилишини ва аниқланишини таъминлаши мақсадида ISO/IEC 15415 «Ахборот технологиялар. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Чоп этиш сифатини баҳолаш учун штрих коди рамзларини тест спецификацияси. Икки ўлчамли рамзлар» (ISO/IEC 15415:2011 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Bar code print quality test specification — Two-dimensional symbols») стандартига мувофиқ маҳсус ускуналар, яъни маълумотларни йиғиш терминаллари, лазер сканерлари ёки бошқа штрих код ўқиш қурилмасига эга бўлиши»;

тўққизинчи — йигирма бешинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи — йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 6-бандга:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«Рақамли маркировкаланган маҳсулотларни рақамли идентификациялаш воситасининг маркировкалаш кодлари тўғри ўқилишини ва аниқланишини таъминлаши мақсадида, ISO/IEC 15415 «Ахборот технологиялар. Автоматик идентификациялаш ва маълумотларни йиғиш технологиялари. Чоп этиш сифатини баҳолаш учун штрих коди рамзларини тест спецификацияси. Икки ўлчамли рамзлар» (ISO/IEC 15415:2011 «Information technology — Automatic identification and data capture techniques — Bar code print quality test specification — Two-dimensional symbols») стандартига мувофиқ маҳсус ускуналар, яъни маълумотларнинг йиғиш терминаллари, лазер сканерлари ёки бошқа штрих код ўқиш қурилмасига эга бўлиши»;

саккизинчи — йигирманчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 737-сон қарори билан тасдиқланган 2021-2022 йилларда идентификация воситалари билан мажбурий рақамли маркировкалаш талаби жорий қилинадиган маҳсулотлар рўйхати қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«2021-2022 йилларда идентификация воситалари билан
мажбурий рақамли маркировкалаш талаби жорий
қилинадиган маҳсулотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Маҳсулотнинг номи	ТИФ ТН коди	Мажбурий рақамли маркировкалаш бошланадиган сана
1.	Тамаки маҳсулотлари	2402 90 000 0	2021 йил 1 январь
2.	Алкоголь маҳсулотлари (пиво маҳсулотларидан ташқари)	2204, 2205, 2206, 2207, 2208	
	Пиво маҳсулотлари	2203	2021 йил 1 апрель
3.	Маиший техника	8414, 8415, 8418, 8422, 8423, 8450, 8508, 8509, 8510, 8516, 8518, 8519, 8521, 8525, 8527, 8528	2021 йил 1 декабрь
4.	Дори воситалари ва тиббий буюмлар	3 003, 3004	2022 йил 1 февраль
5.	Сув ва салқин ичимликлар	2009, 2201, 2202	2022 йил 1 март

».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 июлдаги 421-сон қарори билан тасдиқланган Кема ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда кема ҳайдовчиси гувоҳномаларини бериш тартиби тўғрисида низомнинг 56-банди иккинчи хатбошидаги «маъмурий ишлар бўйича» сўзлари «жиноят ишлар бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди иккинчи хатбошисидан «маъмурий ишлар бўйича суднинг» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш ва уларнинг айланмасини кузатиб бориш қоидаларининг 2-банди «к» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«к) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан экспортга олиб чиқиб кетиш ва транзит учун мўлжалланган маҳсулотларга».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги 485-ф-сон фармойишининг 5-бандидаги «2021 йилнинг 1 апрелга» сўзлари «2022 йилнинг 1 октябрга» сўзлари билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****283** **Маиший чиқиндиларни ташиш қоидаларининг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3195-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сон «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 7 октябрдаги 11-сон қарори (рўйхат рақами 3195, 2019 йил 8 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.11.2019 й, 10/19/3195/4007-сон) билан тасдиқланган Маиший чиқиндиларни ташиш қоидаларининг 11-бандига:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2021 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Раис

А. МАКСУДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 май,
4-сон

Келишилди:

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2021 йил 15 апрель

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

284 Академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3304

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ–4910-сон «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Академик лицейлар йўналишлари ва блокларига қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган ўқувчилар сони нисбатининг нормативлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 апрель,
13-2021-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2021 йил 24 март

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2021 йил 21 апрелдаги 13-2021-сонли
буйруғига
ИЛОВА

**Академик лицейлар йўналишлари ва блокларига
қараб бир педагог ходимга тўғри келадиган
ўқувчилар сони нисбатининг
НОРМАТИВЛАРИ**

Т/р	Таълим йўналишлари номи	Нормативлар
		2020/2021 ўқув йилидан бошлаб
1.	Аниқ фанлар-1 (математика, физика)	10,0
2.	Аниқ фанлар-2 (математика, хорижий тил)	10,0
3.	Аниқ фанлар-3 (математика, расм ва чизмачилик)	10,0
4.	Аниқ фанлар-4 (математика, она тили ва адабиёт)	10,0
5.	Табиий фанлар-1 (биология, кимё)	10,0
6.	Табиий фанлар-2 (кимё, математика)	10,0
7.	Ижтимоий-гуманитар фанлар-1 (она тили ва адабиёт, тарих)	11,0
8.	Ижтимоий-гуманитар фанлар-2 (тарих, хорижий тил)	12,0
9.	Ижтимоий-гуманитар фанлар-3 (она тили ва адабиёт, биология)	10,5
10.	Ижтимоий-гуманитар фанлар-4 (тарих, география)	12,0
11.	Хорижий тиллар (хорижий тил, она тили ва адабиёт)	10,5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

285 Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон) билан тасдиқланган Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1а-сон иловасининг 10-банди иккинчи ва учинчи хатбошиларида «(паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 апрель,
12-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 17 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ
ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

286 «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
17 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 460-сон «Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 1 май,
32-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
кискартириш вазирининг 2021 йил
1 майдаги 32-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 7 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3128, 2019 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 4-сон, 72-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 1 июлдаги 118-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3128-1, 2019 йил 8 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 28-сон, 510-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 153-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3128-2, 2019 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 37-сон, 688-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

287 Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шаклларига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

